



Рахмонжон Мавланов

Аждодлар изидан

Эски Иқон • 2018

821. 512. 122

М-13 2020/82-2

Рахмонисон Мавионов

Аксодора изидан

Шумилян: 2018.-212б.

2020 /82 - 2

1.1.542
1413
Рахмонжон Мавланов

Аждодлар изидан

Эски Иқон • 2018


Мавланов Рахмонжон

**Аждодлар изидан – Шымкент: «Элем»
босмахонаси, 2018. – 212 б.**

Ушбу китоб оилавий доираларда ўқиш учун тайёрланган. Унга жуда кўп ва катта миқдорда тарбиявий масалаларга оид бой материаллар киритилган. Шу сабабли ундаги мақолалардан болалар боғчаларида, мактабларда, лицей ва коллежларда тарбиявий соатлар ўтказганда фойдаланиш мумкин. Шахсий мутоала учун ҳам бой озуқа беради.

Ю 48064
3

© Мавланов Р., 2018.





“Одам идрокли бўлиб
туғилмайдн, лекин фақат
идрокли бўлиш қобилиятига эга
бўлади; идрокли бўлиш учун
унга узоқ тажриба керак”.

ХОТИМА

Ким ота - онага бўлса вафодор.
Авлоддан унга ҳам келар хушхабар.

Ўтган ота - боболаримизнинг руҳларини ёд этиш, уларнинг ҳаётлигида бажарган эзгу ишларини хотирлаш, бизнинг инсоний бурчимиздир. Бас шундай экан, қўлингиздаги ушбу рисолада отам Мадихон Закирхон ўғлининг босиб ўтган йўлларини, халкимиз учун бажарган холис хизматларини кенг омманинг эътиборига ҳавола этмокни фарзандлик бурчим деб билдим, зеро, бу китобда боболарнинг келажак авлодга ўрнак бўлажак сифатлари тилга олинган. Буюк шоиримиз, шеърят мулкининг султони мир Алишер Навоий: “Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам” деганларидек, биз ўзимизни, ўзлгимизни, тарихимизни англамасак, келажакни тасаввур этишимиз мушкулдир.

Ҳукмингизга ҳавола этилаётган мазкур қўлланмада қаҳрамонимизнинг ўз элига яхшилик, эзгулик, садоқат туйғулари, сабр-бардош, юксак инсонийлик хислатлари тараннум этилган.

“Ота ўз фарзандларининг саъйи - ҳаракатлари учун жавобгардир”, - деб ёзади улуғ олим Абу Наср Фаробий. Эҳтимол, бизнинг мана шундай даражада элга қилаётган хизматимизда отамнинг ҳам улуши бордир? Ўтган аср даврида колхознинг равақига ўз хиссасини қўшган зукко, олийжаноб, уддабурон, оилапарвар, камтар ва хушмуомалали отажонимнинг руҳи биздан рози бўлсин.

Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Раҳмонжон Мавланов

Ҳаёт ва мактаб

Ҳаёт... Қандай мураккаб тушунча! Одамзоднинг босиб ўтган йўли гоёат машаққатли бўлиб, у сайёрамизда пайдо бўлгандан буён ҳаёт учун, яшаш учун оғир шароитларда табиат билан курашиб келмоқда. Бу кураш натижасида унинг эришган ютуқлари қонли фожиа­лар, мислсиз қурбонлар, айниқса, ижодий меҳнат туфайли қўлга киритилгандир. Умуман, Ўрта Осиё, жумладан Қозогистон халқларининг тарихи гоёат машаққатли ва фожиялидир. Дарҳақиқат, Искандар Зулқарнайн ва Чингизхон каби ташқи босқинчилар, тоғж-тахт талашиб ўзаро урушган хон ва амирлар каби ички золимлар меҳнаткашларнинг минглаб йиллар мобайнида азоб-уқубат ва пешона тери билан вужудга келтирган моддий ва маънавий бойликларини ер билан яксон қилиб, ҳаробага келтирганлар. Босқинчилик ва талон-тароғж натижасида қанча қурбонлар бўлган, гуноҳсиз қонлар токилган! Ким билади дейсиз, Ўрта Осиё ерининг қаватларида ҳақиқат учун курашган қаҳрамонларнинг қанчадан-қанча суяк­лари ётибди! Аммо ҳукмдорлар келиб-кета берган, халқнинг энг яхши фарзандлари эса харобаларда сақланиб қолган соғлом уруғларни экиб, уларни оғир шароитларда парвариш қилиб, янги-янги моддий ва маънавий бойликлар яратган. Ниҳоят, Улуғ Октябрь туфайли омманинг ижодий фаолияти учун олийжаноб замин вужудга келди; меҳнаткашлар ҳўжаликларнинг ҳўжайини ва ташкилотчиси бўлиб қолдилар, мамлакатнинг давлат ва ижтимоий ҳаётини куриш ва бошқаришда актив иштирок қила бошладилар.

Айрим кишининг ҳаёти гоёат мураккаб бўлиб, у жамиятда маълум муҳит ва шароитда ўтади; унинг босган йўли эса фақат тўппа-тўғри ва текисгина бўлмай, балки паст-баланд, эгри-бугри, чақир-чуқур ҳам бўлади. Шунинг учун бу йўлда учраб турадиган қутилмаган қийинчиликларга қарши доимо кураш олиб боришга тўғри келади.

Кишини ҳаётга тайёрлаш ва унда учрайдиган баъзи масалаларни тўғри ҳал қилишни ўргатиш учун турли босқичлардаги умумий ва ихтисосий мактаблар мавжуддир. Бу мактабларда, улар қандай босқичда бўлмасин, маълум шартларга кўра риоя қилиб ўқиганда, уларни битириш мумкин. Лекин бу расмий мактаблардан бошқа яна бир гайри расмий мактаб бор, у ҳам бўлса ҳаёт мактабидир. Мана бу мактабни ҳеч ким ва ҳеч вақт битира олмайди; фақат ҳар ким қўлидан келганча,

лаёқатига, маълумотига, ёшига ва бошидан ўтган, кечирган ҳаётига қараб, унинг муайян синфидагина бўлиши мумкин, чунки ҳаёт доимо ўсиб боради ва унинг синфлари ҳам саноксиз кўп бўлади.

Хуллас, кишининг ҳаёти саноксиз тажрибалардан иборат бўлиб, бу тажрибаларнинг фойдали ва зарарли, ибратли ва беҳуда бўлиши мумкин. Ҳамма гап шунда – ки, ҳаёт тажрибалари қандай бўлмасин, уларнинг ҳар биридан тўғри хулоса чиқариш, яъни фойдалиларини ривожлантириб, зарари ва беҳудаларини такрор қилмасликдир. Башарият тараққиётининг асосий қонуни ҳам шундан иборат. Шунинг учун ҳаётнинг равнақи нуқтаи – назаридан, ҳатто майда-чуйда, салбий ва ижобий далил ва ҳодисалар ҳам ўзига хос аҳамиятга эга.

Ҳар бир киши шуни яхши билади – ки, икки нуқта орасидаги энг қисқа масофа тўғри чизикдан иборат. Ҳаётда исталган ва изланган мақсадга кўп вақтлар кишилар турли йўллар билан яқинлашиб борадилар. Масаланинг тўғри муваффақиятли ҳал қилиниши эса мавжуд бўлган йўллардан энг қўлай ва энг манфаатлисини излаб топишдир.

Фалакнинг ёки, бошқача таъбир билан айтганда, тарихнинг улугвор чархи доимо айланиб туради ва табиатда ҳеч қандай куч йўқки, уни тўхтата олса! Ҳақиқатда ҳам, у ҳеч кимга итоат қилмайди, чунки унинг айланиши бизга бозлиқ бўлмай, балки объектив қонуниятдир. Тарих чархининг айланиши вақтнинг биздан қочиб кетаётганида. Шунинг учун ҳамма гап мумкин қадар унинг ҳар бир лаҳзасидан, ақл-идрокка суяниб, тўғри фойдалана билишда.

Ўтмишга бугунги кўз билан назар солайлик, биродарлар!

МАВЛАНОВ МАДИХОН ЗОКИРХОН (БОЛТАЙ) ЎҒЛИ

23 февраль 1935 йил - 16 май 1984 йил



Мадихон ака Мавланов 23 февраль 1935 йили Қоратоғ тизмаларидан 35 км. жанубда, Сирдарёдан 45 км. шимолда, Сури, Ясси қалъалари, харобалари ва ҳозирги Туркистон шаҳридан 20 км. шарқий – жанубда, қадимги Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган - Иқон қишлоғида таниқли хизматчилар оиласида таваллуд топди.

Ёшлигиданок билимга чанқоқлиги билиниб турарди. Мактабга кирмасданок, қўлига турли жабҳаларга оид китобларни олиб, расмларига қараб, уларни таҳлил қилар, ҳарфларни бир – бирига қўшиб, ўқишни ўргана бошлаганди. Шу боис, аввало бошланғич

мактабда, сўнгра ўрта мактабда таҳсил олиб, фақат “аъло” баҳоларга ўқишга интилди.

Отаси Зокирхон (Бўлтой) бобо ўз замонасининг билимли ва илмли ўқитувчиси бўлиб, мактаб ва интернатда ёшларга билим берарди. Онаси Рукия момо болалар боғчасида мудира бўлиб ишлаганлар.

Мадихон ака мактаб остонасига 1942 йили илк бор қадам ранжида қилди. Ёшлигиданок ҳарфларни ўқиб ўргангани, санаш ва амалларни бажариш каби машқлари мактабда унга анча ёрдам берди. Мактабда қийналмасдан билим олди, айниқса математика фанига алоҳида меҳр қўйди. Мадихон ака 1949 йили февраль ойида комсомол сафига қабулланди. Мактабни 1952 йили алоҳида нусхадаги аттестат билан тамомлади. Шу йили Тошкент Давлат Қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга қабулланди. Мазкур институтни 1957 йили олим агроном – экономист ихтисослиги бўйича тамомлади. Институтда ҳарбий кафедрада таҳсил олгани ҳам эътиборга олиниб, Мадихон акага СССР мудофаа министри қарорига биноан “кичик лейтенант” ҳарбий унвони ҳам берилди.

Олий билим даргоҳини тугатиб, она қишлоғига келиб, ўз мутахассислиги бўйича фаолият курсата бошлади. Ўз билими ва илми билан жамоа ўртасида тез обрў қозона бошлади.

1963 йили катта экономист, 1964 йили совхоз бош экономисти бўлиб ишлади. Бу жавобгарлиги мул лавозимда умрининг охирги дақиқаларигача тер тўкди.

1967 йили ва 1969 йилларда икки марта қишлоқ советига депутат этиб сайланди.



1962 йили Туркистон район комсомол комитетининг мактов коғози билан, 1971 йили Чимкент области биринчи секретарининг хурмат грамотаси билан тақдирланди.

1971 йили ва 1974 йили СССР ВДНХ комитетининг бронза медаллари, 1975 йили СССР сув хўжалиги ва халқ хўжалиги, тайёрлаш бўйича ишчи ва хизматчилар касаба уюшмаси президиумининг “Тўққизинчи беш йиллик” белгиси, 1977 йили граждон мудофааси кўкрак нишони, 1978 йили касаба уюшма марказий комитети ва министрлигининг “1978 йилги социалистик мусобака ғолиби” кўкрак нишони билан, 1981 йили СССР халқ назорати комитети раиси В. Школьников қарорига мувофиқ “СССР халқ назорати органларидаги фаол меҳнатлари учун” мактов кўкрак нишони билан тақдирланди.



Сурагда: Мадихон ота яқин дўсти Қоблон ака билан.



Сурагда: Мадихон ота совхоз хизматчилари билан фуқаро муҳофаази тадбирида.

1975 йили давлатимиз Мадихон ака Мавлановнинг беҳисоб меҳнатларини инобатга олиб, унга “Қozoғистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи” фахрий унвонини берди. Бу юксак унвон нафақат Мадихон акага, балки бутун кишлоқ аҳлига қувонч бағишлади.



COYU
Dokopidhala



Суратда: Қувонхон ака, Мадихон ота ва Дархон ака. 1983й.

Мадихон ака Рауф кизи Сапура ая билан турмуш куриб, олти ўғил ва бир қизни вояга етказдилар. Ҳаммаси олий маълумотли, ҳозирги кунда турли соҳаларда фаолият кўрсатмоқдалар.

Тўнғич фарзанди Аминжон Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида инновация бўлимининг бош мутахассиси бўлиб ишлаб келмоқда, физика-математика фанлари доктори, доцент.

Раҳмонжон ота избосари бўлиб, совхозда қўп йиллари бош иктисодчи лавозимида иш юритди. Ҳозирги кунда “Туркистон-Насие” банки бош раҳбари.

Мухторжон 1979 йили 15 ёшида бу оламни бевақт тарк этди.

Рашиджон қишлоқдаги ўрта мактабда физика-информатика фанлари ўқитувчиси, олий тоифали устоздир.

Ғулумжон Тошкент шаҳридаги нуфузли заводда механик-инженер.

Хайринисо қишлоқдаги ўрта мактабда рус тили ва адабиёти фанидан ёшларга билим бериб келмоқда.

Кенжа фарзанди Бобожон гидротехника соҳасида фаолият кўрсатмоқда, тадбиркор.

ХОТИРАЛАР

Мадихон ота Мавланов - замондошлари хотирасида.

Дўстим - фахрим



Мадихон дўстим совхозда бош иктисодчи бўлиб ишлади. У ўзининг маслаҳатини айтишдан ҳечам чарчамасди, меҳрибон инсон, бошқалардан ўзининг одамийлиги, олийжаноблиги жиҳатидан ажралиб турарди. У билан кўп давраларда бирга ҳамнафис бўлганман.

Отаси Зокирхон додам бир куни далага дўстимни олиб чиккани, шунда бир – биримиз билан дўст бўлганимиз кечаги кундагидай эсимда. Ўша дамлар мен далада опамлар билан бирга истиқомат килардим.

Тугилган жойим – Икон, опам Опакиз қўлида ишлайдиган Назар исмли киши мени Тошкентга опам қўлига олиб борган. Анзират онам мени туғиб, оламдан ўтган экан. Шу боис мен онамни кўз олдимга келтиролмайман. Отамни 1942 йили Армия сафига чақирган, шу – шу армиядан қайтиб келмаган. Мен кейин опам қўлида тарбия олдим. Тошкентда ўқиб, кейинчалик юридик факультетига ўқишга тушдим. Ўқиш охирига етмади, маълум сабаблар билан ўқишдан четлатилдим.

1962 йили қайтадан она кишлоғимга қайтиб келдим. 1963 йили Зульфия Эшбой кизи билан турмуш курдик. Тўйимда Мадихон дўстим бош – кош бўлди. Жияним Узумхонов Туктош уйида яшаб, янги хонадонга кўчиб чиқдик. Совхозда токарь бўлиб кўп йиллари ишладим, кейин нафақага чиқдим. Дўстим кўп нарсаларни ўргатди. Уни ўз бошим “сахий инсон” сифатида ҳурмат килардим.

*Таджикханов Туктош Караевич - Мадихон отанинг дўсти,
нафақадор*

Яхшилар эл оғзида

Қозоғистоннинг барча жойлари каби Чимкент вилоятининг Туркистон районида ҳам майда хўжаликларни бириктириб, йирик хўжаликка айлантириш масаласи юриб турган вақтда Эски Икон кишлоқ советидаги уч майда колхоз бириктирилиб, бир катта

колхоз бўлди ва унга Карл Маркс колхози деб ном берилди. Бу воқеа 1955 йили февраль ойида бўлган. 1957 йилдан бошлаб колхозларга экономист (иктисодчи) штати берилди ва шу йили экономист бўлиб мен ишладим. 1958 йили Мавланов Мадихон Тошкентдаги Қишлоқ Хўжалик институтининг экономика факультетини битириб, йўлланма билан шу колхозга ишга келди. Колхоз бошқармаси бир овоздан Мавланов Мадихонни колхозга экономист этиб сайлади. У ишни мендан қабуллаб олди. Институт партасидан чикиб, ҳар қандай кадр бирдан ишлаб кетиши кийинрок бўлгани каби, у мен билан маслаҳатлашиб, ишлай бошлади.

Мадихон ўз касбига ихлос қўйиб ишлаб кетди. Совхознинг ойлик ва йиллик ҳисоботларини ўз вақтида Чимкент “Югводстрой” трестига топшириб турди. Ўз ишига пухта Мадихон трестнинг бош экономисти Семён Тихонович Лидан совхоз системасининг мураккаб ишларини оз вақт ичида яхши ўзлаштириб олди. Иш соҳасини яхши ўзлаштирган Мадихон уни амалда тадбиқ этиб, совхозни иктисод томонидан “Югводстрой” трести бўйича биринчилар қаторига қўша билди. Биргина пахта етмиштириш эмас, балки гўшт, сут маҳсулотлари режаларини бажариш ҳам йил сайин яхши йўлга қўйилди.

Мавланов Мадихон ўзининг иш фаолиятини газета орқали ёритиб борди. Совхоз ишчиларининг турмуш даражаси ортди, йил сайин қўшимча пул бериб турилди. Ишчиларнинг турмуш даражаси яхши бўлганлиги боис, тўйлар кўп бўлди, енгил автомашина сотиб олувчилар, курорт ва санаторияларга боровчилар сони ҳам кўпайди.

Шаҳоб ака Шаратов, ҳамкасби, иқтисодчи

Синфдошимни эслаб...

Биз Мадихон билан бир синфда ўқидик. У синф сардори бўлиб, факат аъло баҳоларга ўқирди. Ҳаммага бирдек муомала қилиб, ҳазилни ҳам ўз ўрнида қабул қиларди. Мактабда жамоат ишларига фаол қатнашарди. Унда табиий – ижтимоий фанларга қўйган ихлоси юкори эди. Синфдоши, ўртоғи ҳамда қариндоши Султонбекка ўқиш ва ишларида кўп ёрдамлашарди. Ҳеч вақт ўқиш ва ижтимоий меҳнатдан чарчамасди. Мактабни тугатгач, Тошкентда олий даргоҳда билим олиб, она қишлоғи ривожини ва раънақини учун кенг қўламда тер тўқди. Мен ҳам маълумотли педагог – устоз бўлганлигим боис, синфдошим Мадихон илму – билимига, ўз соҳасининг етук мутахассис эканлигига тан бердим.

Назаримда, Мадихон она қишлоғимиз иқтисодиётини кўтаришда меъёридан зиёд кўп ишлади, эъзизига соғлиғи ёмонлашди, фаний

дунёни эрта тарк этди. Афсус – ки, у фарзандлари камоли ва жамолига тўймади. Ҳамма фарзандлари олий маълумотли, турли жаъбаларда юртимизга ва халқимизга хизмат кўрсатяпдилар.

Оллоҳдан синфдошим Мадихоннинг ётган жойлари жаннатдан бўлишини сўрайман, руҳлари доимо шод бўлсин!

*Қорақиз опа Турсунбоева - Мадихон отанинг синфдоши,
фахрий устоз, ҳозирги кунда нафақа*

Бахт Зуппархонов, Мадихон аканинг укаси

Мадихон акамиз ошна-оғайнигарчилик борасида эътиборсиз эди, ҳалолликни кадрлаган. Халқ манфаатини шахсий манфаатдан устун қўйган. Ўзининг касби моҳиятидан келиб чиқиб, хўжаликка иқтисодий фойда келтирадиган тадбирларни қўллаган.

Ҳамкасбим - фахрим

Раҳматли Мадихон билан 20 йил бирга ишладик. Мадихон мен билан ишлашган мутахассислар ичида ўзгача эди. У ўз ишига жуда пухта, олийжаноб, моҳир мутахассис эди. Камтар, хушмуомалали, босиқ, оддий одам эди. Иш юзасидан бирор марта орамиздан яхши - ёмон гаплар ўтган эмас. Мен уни ҳурмат қилардим., у ҳам мени. У билан Чимкент шаҳрига мажлисга, ҳисоб –китоб ишларига бирга борар эдик. Иш юзасидан бўлсин, сиз-бизлигимиз жуда яхши эди. Колхоз равнакига ўз ҳиссасини қўша оладиган зукко, уддабурон инсон эди, афсус шум ажал уни орамиздан эрта олиб кетди...

Амирҳамза Қўчқоров - гидротехник, ҳозирда нафақадор.

Устозим.

Мадихон ака чинакам билимдон мутахассис даражасида бўлган. Сабаби, совхоз янги ташкил этилганида хўжалик иқтисодини режалаштириш ишлари иқтисодчининг зукколигига қўп жиҳатдан боғлиқлиги маълум. Бу ишни бош иқтисодчи сифатида Мадихон ака бекаму - кўст бажарган эди. У билимдон мутахассис сифатида ҳамкасблари орасида обрў қозонган эди.

Дархон Ибрагимов - бош инженер, ҳозирда нафақада.

Касбининг моҳир устаси

Мен 1962 йили армия сафидан қайтганимдан сўнг, 1963 йилнинг май ойида янгидан ташкил этилган 4-пахтачилик совхозига шу вақтдаги совхоз директори марҳум Нуршиддин ака Юлдашевнинг қақирғи билан кадрлар бўлимининг бошлиғи бўлиб

ишга жойлашдим. 4 - пахтачилик совхози 1963 йили 15 февралда собик Карл Маркс колхозини совхозга айлантириш йўли билан амалга оширилган эди. Шу вақтда совхозда фақат икки кишигина колхоздан совхозга бош мутахассис бўлиб ўтдилар: бири бош иктисодчи Мадихон ака Мавланов, иккинчиси бош ҳисобчи Баҳриддин ака Эрметовлар эдилар. Баҳриддин ака бир йилдан кейин бошқа ишга алмаштирилди. Мадихон ака эса умрининг охиригача шу совхознинг бош иктисодчиси лавозимида ишлади.

Мадихон ака ўз ишига ниҳоятда берилган инсон эди. Умрининг охиригача давлат ишини барча нарсадан юқори қўйиб ишлади. Биз, идора хизматчилари соат 5 ларда идорадан кетадиган бўлсак, Мадихон ака эса энг эрта кетадиган вақти соат тунги ўн, ўн бир бўларди.

У вақтларда совхоз ойлик ва йиллик ҳисоботларини Чимкент шаҳрига бориб топширарди, сабаби у вақтда трестимиз Чимкент шаҳрида эди. Совхоз янгидан ташкил топганлиги боис, системани кўпчилик мутахассислар билмас эдилар, шу сабабдан йиллик ҳисоботни икки ой мобайнида топширар эди. Ана шу вақтларда Мадихон ака ухласдан, дам олмасдан икки ой мобайнида ҳисобот топширар, турли расчётлар, совхознинг келажакдаги бир йиллик режасини ишлаб чиқар эди. Бу ишларнинг ҳаммаси Мадихон аканинг соғлигига жуда катта таъсир кўрсатди. Мадихон ака хотирасини йўқотиб қўядиган бўлди.

Мадихон акани укаси Дархон дўстим иккимиз Тошкент шаҳрига олиб бориб, шу вақтларда янгидан очилган ТошМИнинг профессор шифокорларига кўрсатганимизда Мадихон аканинг кариндоши, врач мени четга чакириб: “Мадихон ака қанақа ишда ишларди” -деб сўради. Шунда мен у киши совхознинг бош иктисодчиси бўлиб ишлаётганини айтдим. У киши менга қараб: “Мадихон аканинг мияси ниҳоят даражада чарчаган, у кишини тезда ишдан бўшатиб олинглар, бўлмаса узок яшамайди”-деди. Лекин мен бунини дўстим Дархонга айта олмадим.

Мадихон ака келиб яна ишини давом эттираверди, лекин кўп ўтмасдан хотирасини мутлақо йўқотиб қўядиган бўлди.

Мен шу совхознинг ташкил топганидан то тарқалиб кетганигача ишлаган бўлсам совхозда кунни кун демай, тунни тун демай, ўз соғлиқларини ўйламай, сидқидилдан ишлаган икки кишини кўрдим: шулардан бири Мадихон ака Мавланов, иккинчиси Алихон ака Муслимов. Бири бош иктисодчи, иккинчиси бош ҳисобчи бўлиб ишладилар. Иккаласи ҳам давлат учун, совхознинг

иктисодиётини кўтариш учун виждонан тер тўкдилар, шунинг оқибатида хотираларини йўқотдилар.

Мадихон ака орамиздан эрта кетди. Унинг совхоз иктисодиёти учун қўшган улуши мўл. "Совхоз иктисодиёти кўтарилса, халқнинг даромади ошади"-деган доимий ишорани кўндаланг қўйди.

Мадихон аканинг муносиб хизматлари эвазига совхозимиз республикада энг илғор, танилган совхозга айланди. Бир неча бор республика байроғини қўлга киритдик, неча - неча дипломлар билан тақдирланди.

Менинг билишимча, Мадихон акадай ҳалол, мулойим, ўз ишининг ниҳоят юқори даражадаги устаси, кишиларга ўзининг билимини-илмини аямайдиган инсон эди.

Бизнинг қишлоқда Мадихон акадай билимли инсонлар кам бўлса керак!

Набихон ака Мубораков-кадрлар бўлимининг бошлиғи, ҳозирги кунда нафақадор.

Яхшиларни эслаб...

1961 йили бухгалтерлик техникумини битириб келиб колхозда экономика бўлимига ишга жойлашдим. Экономика бўлимида Мавланов Мадихон ака ишлар экан. Мен унга ёрдамчи бўлиб ишлай бошладим. Шу вақтдан бошлаб Мадихон аканинг иш услублари билан яқиндан таниша бошладим. Мадихон ака ишга анча талабчан ва ўз ишини жуда пухта уддалайдиган инсон эди. У пайтда "иш - енбек" тартибида иш олиб борилар эди, колхознинг ҳам, халқнинг ҳам аҳволи анча оғир эди. Мадихон ака билан 2 йил ишлашиб, ўқишни давом эттиришга ўқишга кетдим. Шундан 1980 йили қайтадан ишга, яъни Мадихон аканинг ёнига ишга келдим. У пайтда Мадихон ака "23-партия съезди" совхозининг бош иктисодчиси бўлиб ишларкан. Шунингдек, совхозни юқори даражада таниқли совхозга айлантиришда салмоқли ҳисса қўшган ҳамда ўзининг юқори билими пухта ишлари билан совхозда, районда, областда ва ҳаттоки республикада таниқли иктисодчи бўлиб эришган эди. Мен биринчи ишга келганимда 1961 йили колхоз енбек шаклида иш юритган бўлса, ўша колхоз сўнгра республика микёсида танилган йирик рентабеллик совхозга айланди. Албатта совхознинг шундай йирик ва бой совхозга айланишида Мадихон аканинг совхозда иш юритишининг яхши йўлга қўйилиши, совхознинг даромадини тўғри тақсимлаб, планлаштириш ишларини тўғри йўлга қўйиши совхознинг ривожланишида катта

роль ўйнади. Совхознинг ривожланиши билан халкнинг турмуш даражаси юкори поғоналарга кўтарилди.

Кишлоғимиздаги аҳолининг 70-80 % и шу совхозда ишлаб, шу совхознинг қилган даромади эвазига халкнинг турмуш даражаси ўзгариши ҳаммага маълум. Демак, аҳолининг турмуш даражасининг яхшиланишида ҳам Мадихон аканинг анча хиссаси бор.

Мадихон ака айрим кишилардек қўли етган жойни юлувчи, ўзининг турмуш даражасини бошқаларникидан юкори қилишга интилувчан характери йўқ эди, камтарин, ишчан ва оддий одам эди.

У бутун умрини шу колхоз – совхознинг иктисодиётини ривожлантиришга сарфлади. Ишчиларнинг иш нормаси 8 соат бўлса – да, Мадихон ака эса ҳар куни 12 - 16 соатлаб ишлади, баъзида дам олиш кунлари ҳам ишлашига тўғри келар эди.

Мен Мадихон ака, яъни устозим билан фахрланаман, у билан бир хонада 1980 йилдан то умрининг охиригача ишлашиб, унинг колхоз – совхозларнинг планлаштириш ишидаги билим даражасига тан берибгина қолмай, балки унинг умумий одамийлик хислатига ҳам тан бердим, сабаби у катта бир совхознинг бош иктисодчиси бўла туриб, ўзини ҳеч вақт юкори тутмади, камтарин, ҳар доим қулиб турувчи инсон эди. Шу соҳада шуни қайд этгим келади –ки, юкорида айтганимдай, кишлоқдаги аҳолининг 70 -80 %и шу совхозда ишлаганлиги туфайли айрим пайтларда бир хил ишчилар бирон – бир мухтожлик ёки бирон сабаблар билан идорага кирганларида Мадихон акага киришардилар. Мадихон ака уларни керак бўлса, бош ҳисобчига, керак бўлса директор олдида олиб кириб, ишини ҳал қилиб йўлга солиб юборар эди. Ҳеч вақт жажли чикиб, қўпол муомала қилмас эди.

Мадихон аканинг фарзандлари ўқимишли, тарбияли, халкка – элга хизмат қилувчи фарзандлар бўлиб етишдилар.

Султанов Баҳолір - Мадихон отанинг шогирди, иқтисодчи, бугунги кунда нафақада.

От изини той босар.

Мадихон ўта билимли инсон бўлиб, ҳеч чарчаш нималигини билмасди, қачон қабулига кирсам, иш билан банд бўларди. Совхозга малакали мутахассисларни тўғри танлай билди, ишчи ва хизматчиларга вилоят, ҳаттоки республика марказига бориб, керакли штат олиб келди. Кечагидай эсимда, Мадихон ўзи бош – кош бўлиб, дўсти раҳматли Темир Аҳмедов раҳбарлик қилган сут – товар фермасини ташкиллаштирди. Пахта экиш майдонини

кенгайтириш, пахтага ишлов бериш, уни зараркундалардан сақлаш учун дори – дармонларни совхозга Мадихоннинг ташаббуси билан келтирилди. Унинг бундай саховатли меҳнатларининг чеки йўқ.

Мадихонга тан берган жойим, у ҳар бир инсон меҳнатини юкори баҳолай оларди. Бир куни у киши мени қабулига чакириб, маошимнинг кўтарилганини айтди. Шу вақтдаги менинг қувончимни мен изоҳлай олмайман. Совхозга мен мол, асбоб – ускуналар, кишлоқ хўжалик техникаларини келтирадим. Маошимнинг ошиши шу меҳнатим эвазигадир.

Мадихондай халқпарвар, билимли, меҳнаткаш ва меҳрибон инсон билан ишлашганим билан фахрланаман. “От изини той босар” деганларидек Мадихоннинг режаларини фарзанди Раҳмонжон ўз зиммасига олиб, отаси ишларини ўз даражасида уддалади. Ҳозирда у банк раҳбари бўлиб ишламоқда, халқи унинг хизматларидан бениҳоят миннатдордирлар.

Рауф Ғуломов - ҳамкасби, бугунги кунда нафақадор.

Жигарғушам.

Мадихон акам ёшлигидан билимга чанқоклиги сезилиб турарди, сабаби бўш вақтларида кўлидан китоблари тушмасди. Айниқса, адабий китобларни кўп ўқирди, математикага иштиёқи баланд эди.

Мактабни “аъло” баҳоларга битириб, Тошкент шаҳрида олийгоҳда ўқиди. Ўқишга ойим олиб борган, Тошкентда ойимнинг қариндошлари - Беглар тоғам, Инношим тоғам, Лукмон тоғам, Бобоҳон тоғамлар истикомат қилишарди. Ўқишга ўз кучи билан тушди, ётоқхонада жой бўлмагани боис, Мадихон акам шу тоғамлар уйида ётиб таҳсил олди.

Мадихон акам ўқиши ва аҳволини кўриш мақсадида дадам Тошкентга борганида уни акам ўртоғи ва курсдоши иботалик Нарзулло ака қарши олар экан. Ҳаммасига қўнгли тўлғач, уйига отланганида Нарзулло ака: “Сиз овора бўлманг, билетни ўзим ҳозир қиламан” - деб, тез фурсатда ҳозир қилганини дадам жуда кўп тилга оларди. Нарзулло ака Мадихон акамнинг меҳрибон дўсти эди. Ўқиши тугагач, она кишлоғида ўз соҳасида виждонан ишлади. Меҳнати эвазига тез орада ишхонасида, халқ орасида яхши ҳислатлари билан танилди.

Бетоб бўлганларида Тошкентдаги ун комбинатининг директори Пўлат Харитов дўстим олдига бордик. У ҳамма ишларини йиғиштириб, тезда ўз “Волга”сида шу вақтдаги таникли врач, профессор Мўминов олдига олиб борди. У киши Мадихон акам

касалини топди ва кўшимча профессор Воҳидов қабулида бўлишимизни айтди. Ундан ташкари қафас хирургияси бўлимига ҳам бордик. Хуллас, яхши врачлар ташҳиси бўйича Мадихон акам узок даволанди, деярли яхши ҳам бўлиб кетди.

Қишлоққа келиб, яна ишларини давом эттирди. Ишининг маъсулиятини сезиб, тинмай тер тўкди. Касаллиги яна панд берди. Шунда акамга: “Ишни сал қамайтирсангиз, соғлигингизни ўйланг” десам, менга: “Шунча ишни бошлаб қўйдим, охиригача етказишим керак” -деярди. Уй назоратида даволаниб, бараварига ишини давом эттираверди. Барибир касаллиги уни енгди. Ишининг охириги онгларида хотирасини йўқотди. Устига - устак, ёшлигидаги сарп (оёқ оғриғи) касаллиги ҳам қўшимча бўлди. Шунча маъсулиятни ўз зиммасига олиб, касаллигини яширди. Тансиқ дорилар истъеомол киларди, у вақтда Мадихон акам билан бирга ўша дориларни Туркистондаги таникли кўз врачлари Ақром ака ва ҳамқишлоғимиз раҳматли Аблан бобо ҳам қабул килардилар.

Ўқиб юрган чоғларида Ғулом ака Бобожонов, Лукмон тоғам хонадонларида тез – тез бўларди, улардан кўплаган иш сирларини ўрганди. Қариндошлари ва амакилари Шокирхон ака, Алихон ака, Ҳабибулло акалар билан тез – тез мулоқотда бўларди.

Ишлаб юрган чоғларида совхозни текшириш учун Борис Максимов бошчилигидаги комиссия келди. Мадихон акам иш услублари билан танишиб, ишига ижобий баҳо берганлари кўз олдимда тез – тез гавдаланиб туради. Ўша комиссияни кечкурун овқатга таклиф этиш учун уйга элтиб келди, шунда ойим раҳматли “суюк ош” билан уларни кутиб олди. Бундан таажжубланган Борис Максимов: “Мадихон, ты преодолел все трудности, воссоздал совхоз, у тебя великолепный коллектив, но дома так жить нельзя, дома тоже воссоздай совхоз и коллектив»-деган эди. У киши бизнинг оддий ҳаёт кечираётганимизни назарда тутган бўлса керак. Бир куни уйига бир тележка беда кирса, уйдагиларини уришиб, уни ҳам хужжатлаштириб қўйгани мени лол қолдирган. Ишхонасида ёнига дадамнинг ўртоғи Қурбонтой бобо илтимосига кўра ўғли Дадахон акани ишга қабул қилди, у кишига ҳам кўплаган иш сирларини ўргатди. Бетоб бўлиб ётганида катта ўғлининг рафикаси Ирислик келинимиз акамга ўз отасидай ғамхўрлик қилди, шунинг учун ҳам Ирисликка деган хурматим алоҳидадир.

Мадихон акам фарзандлари қувончига шерик бўлолмай, бу дунёни эрта, 49 ёшида тарк этди. Фарзандларига унинг ёшини эмас, олий фазилатлари мужассамланишини тилайман. Ҳамма

фарзандлари олий маълумотли, турли соҳаларда камарбаста меҳнат қилишмоқдалар.

Вафотидан кейин бир иш билан Тошкентга бориб, Лукмон тоғам хузурида бўлиб, сўнгра у кишини кишлоғимизга ташриф буюришини илтимос қилганимда: “Иконга кимга бораман, Мадихон жиян эса ҳаёт эмаслар”, - деганида нима дейишимни билмай тинч бўлиб қолдим. Демак, тоғамнинг жиянига деган ҳурмати ўзгача бўлган экан. Мадихон акамнинг эсда қоларли кўп хотиралари мавжуд, айтаверсак, бутун бир роман бўлиши табиийдир.

Оллоҳнинг ҳукми экан, акамиздан эрта айрилдик. Унинг олий фазилатлари ва улуг ишлари доимо қалбимизда муҳрланиб қолаверади. Оллоҳ акамни ўз раҳматига олиб, тупроғини енгил қилсин – дейман.

Дархон ака Мавланов - Мадихон отанинг укаси, бугунги кунда нафақада.

Тоғамни соғиниб...

Мадихон ака Мавланов – тоғамнинг тўнғич фарзанди. У Тошкент Давлат кишлоқ хўжалиги институтини тамомлаб, дастлаб кишлоғимиздаги “Карл Маркс” колхозида, сўнгра эса “Партиянинг 23 съезди” совхозида бош иқтисодчи лавозимида ишлади. Совхознинг 3000 гектарга яқин экин майдонида пахта экилар эди. Пахтани ёввойи ўтлардан тозалаш совхознинг энг асосий иши бўлиб ҳисобланарди. Баъзи майдонларни 5 – 6 марта лаб ёввойи ўтлардан тозалашга тўғри келар эди. Бунга совхоз аҳлининг қучи етмас, шаҳардан минглаб ёрдамчилар келар, уларга сарфланган пул ҳисобидан совхоз иқтисоди паст даражада эди. Мадихон аканинг таклифига биноан, ўта қимматли бўлишига қарамасдан, “қатаран” деб аталмиш химикатни сотиб олиб келиб пахта майдонларига уни сеппиб, ёввойи ўт тухумини йўқотишга эришилди.

Олдинлари пахтани ўток босиб кетгани туфайли пахта териш машинасида тера олмай яна минглаб- минглаб ёрдамчилар чақирилиб пахта териларди. Кейинчалик ҳатто баъзи майдонларда пахтани 100% пахта териш машинасида тез кунда териб олишга эришилди. Мадихон аканинг роли бебаҳо бўлди, чунки совхоз иқтисоди 5 – 10 марта кўтарилган эди. Совхоз ишчилари эндиликда қўшимча даромад олиб, уларнинг турмуш даражалари сезиларли даражада яхшиланди. Буни ҳисобга олиб, Қозоғистон ССР Олий совети фармони билан Мадихон ака “Қозоғистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи” унвонига сазовор бўлди.

Мадихон ака фарзандлари тарбиясига ҳам эътибор билан қарар эди. Мен “Ю. А. Гагарин” ўрта мактабида илмий бўлим мудири бўлиб ишлаган пайтларимда Мадихон ака ҳар чорак якунида фарзандларининг баҳоларини суриштириб, уларнинг ҳар бирининг қандай касб танлаши ва шунга мос равишда қайси фанни юқори даражада ўзлаштириш керак эканлигини билиб таҳлил қилар эди. Менга ўғли Мавланов Раҳмонжонни “менинг ишимни давом эттириш учун иктисодчи бўлишини ният қиламан” – деган эди. Худога шукур, ҳозир у отасининг избосаридир.

Мадихон аканинг ҳамма фарзандлари у кўрсатган йўл билан юриб, ҳаммаси олий маълумотли, маданиятли, халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилмоқдалар.

Мадихон ака 49 ёшида фонийдан чин дунёга рихлат қилди. Камгап, камтарин, меҳрибон инсон – Мадихон аканинг ёрқин хотираси қариндош – уруғлари, ёру – дўстлари, Икон халқи хотирасида узок йиллар сақланади.

Жабборхонов Олимбек – Мадихон отанинг жияни, фахрий устоз, ҳозирги кунда нафақадор.

Устозим – фахрим

Мен 1963 йили қишлоқдаги “ Ю.А.Гагарин” мактабини тугатдим. У вақтда қишлоқ аҳолиси айтарли даражада яхши яшамас эди, шу қатори бизнинг оила ҳам деярли даражада турмуш қўнаси қуйи бўлган эди. Шу сабабли мен ўқишга қаролмай қолдим. Орадан бироз вақт ўтгандан кейин мени совхоз бош ҳисобчиси Қошкинов Қеримбек ака ва шу совхоз бош иктисодчиси Мадихон ака Мавланов иш идорасига чақириб олди.

Мадихон акани мен яхши танимас эдим. У қиши ўзини қаништириб, “сен шу совхознинг 5 – бўлимига ҳисобчи ёрдамчиси бўлиб ишга қирасан” – деди ва иш бошланиб қетди. Кейин Қимқент шаҳрига ўқишга юборишди. Шу ишларнинг ҳаммасига Мадихон ака бош – қол бўлди.

Мадихон ака умрининг охириги дақиқаларига қара менга ёрдамчи аямайди, мени доимо қўллаб – қувватлади. Мен у қишига бир умр миннатдорман.

Мадихон ака ўз ишининг моҳир устаси эди ёшлардан қилимини аямайди, ниҳоятда оққўнғил, меҳрибон инсон эди. У ниҳоятда талабчан эди. Мен Мадихон акани ўз устозим деб қиламан ва умримнинг охирига қара миннатдорман.

Мадихон ака шу даврдаги янги очилган совхозлар ичидаги иктисодчиларнинг сардори эди - десак қўлағи бўлмайди. Лекин

Мадихон аканинг умри киска бўлди, Оллохнинг берган касали уни охири орамиздан эрта олиб кетди. Мадихон аканинг элга - юртга етказа олмаган илми илоҳим фарзандларига буюрсин!

Мадихон аканинг фарзандлари келажакда отасининг ишларини давом эттиради - деган умиддаман.

Исоқ ака Исмиев - Мадихон отанинг шогирди, ҳозирги кунда нафақада.

Дўстимнинг қалби...

Мен Мадихон билан илк бор Тошкентда ўқишда танишдим. Институтда 1952 - 1957 йиллар оралиғида бирга ўқидик. У ўта билимли йигит бўлиб, доимо ўз устида кўп ишларди. Мутахассислигига оид кўшимча адабиётларни кўплаб мутоала қиларди. Ўқиб юрган чоғларимизда мен унинг она кишлоғи - Иқонга кўп келардим. Мен ўшандаёқ иконликларнинг меҳмондўст, қалби кенг



халқ эканлигига ишонч ҳосил қилганман. Дўстим ҳам биз томонларга бир неча бор ташриф буюрганлар. Ўқишимиз тугагач иккаламиз ўз она кишлоғимиз томон йўл олиб, кишлоғимиз гуллаб - яшнаши учун меҳнат қилишга бел боғладик. Бир - биримиз билан иш борасида, умуман ҳол - аҳволимиздан тез - тез хабар олиб турардик.

Мадихон ишининг биринчи куниданок колхози, сўнгра совхозининг бой хўжаликка айланишига тинимсиз тер туқкани менга ўрнак бўлибгина қолмай, жамоаси, халқи, ҳаттоки Чимкентдаги бош трести раҳбари, ўзининг иш бобидаги дўсти Семён Тихонович Лини ҳам таажжубга солди. Ҳамма кўрсаткичлар бўйича совхоз олдинги ўринларда юрди. Бунинг ҳаммасига ўзим гувоҳман.

Менга “ дунёда икки шахснинг хулк - атворини тангланг”- деса Мадихонни танлаган бўлардим.

Одамзодга хос олийжаноблик темпераментини мен Мадихонда кўрдим. Афсус, дўстимнинг умри киска бўлди. Аллохнинг ҳукми экан, биз ожиз бандамиз. Дўстимга Оллох ўз раҳматини айлаган бўлсин.

Фарзандлари одил фарзанд бўлиб, бугунги кунда турли соҳаларда халқ корига хизмат қилишмоқдалар.

Ҳаммаси олий маълумотли. Раҳмонжон Чимкент шаҳрига хизмат сафари билан келганида мени кўрмасдан қайтмайди. Унга жуда - жуда миннатдорман. Шу бугунги кунда – ям тўй маросимларимизда катнашиб турамиз. Оталарининг ҳурматига додоларини ҳечам эсларидан чиқармайди. Фарзандларини кўрганимда худди Мадихон дўстимни кўриб дийдорлашгандай ўзимни эркин ҳис этаман. Начора, дўстим фарзандларининг камолини кўра олмади. Унинг хушфеъли, инсонпарварлик, халқсевар, чин дўстлик фазилатлари фарзандларида намоён.



*Сурагдa: Мадихон отанинг Қорабулоқлик дўсти Эминжон ака
Дўнгбoев укаси Ахмаджон билан*

Дўстим руҳи шод бўлсин деб, фарзандларим, невараларим, хатто-ки келинларим ҳам уларнинг яхши кунларига шерик бўлиб келмоқдалар. Илоҳим, дўстлигимиз, оға – иницилигимиз бундан буён ҳам давом этаверсин. Ҳар бир отган тонгимиз учун шукурлар айтаман.

Эминжон Дунғбоев – Мадихон отанинг студентлик давридаги Қорабулоқлик дўсти, нафақадор.

Яхшидан ном қолади...

Мадихон ака билан 20 йил чамасида бир идорада ҳамнафас бўлиб ишлашдик. Шунча катта муддат оралиғида мен Мадихон акадан бирон марта унинг камчилигини пайкамадим. Ишига меҳр қўйиб, ўз касбини эъозлаган ҳолда иш юритиб келди. Совхоз иқтисодини жуда қисқа муддат ичида ўз ўрнига қўя билди. Халқ орасида, совхоз ишчилари орасида тез ҳурмат – эҳтиромга сазовор бўлди.

Мадихон ака совхознинг пойдеворини яратди, десам хато бўлмас. Чунки у совхозга жуда кийин шароитда ишга келган эди. Совхоз иқтисоди жуда паст кўрсаткичда эди. Ишчиларнинг маоши, уларнинг турмуши сезиларли даражада ночор эди. Бунинг ҳаммасини ўз кўзи билан кўрган Мадихон ака тезда ойлик, йиллик ҳисоботлар режасини туза билди. Ҳар бир тузган режаси ўз натижасини бера бошлади. Кенг иш жойлари, янги штатлар биринкетин кела бошлади. Ишчилар маоши кўпая бошланди, албатта бу ерда ишчилар сидкидил меҳнатлари эвазига шундай муяссарликка эришдилар.

Мадихон ака кадр танлашда адашмади, назаримда. Ҳар бир кадр ўз вақтида ўз ўрнини топа билди, эвазига бутун совхоз бўйлаб ҳамма соҳалардаги муҳим ишлар ўз аксини топди. Халқ турмуш фаровонлиги яхшилана борди. Ишчилар меҳнатига қўшимча иш ҳақи ола бошладилар. Улар фарзандларига тўй қила бошладилар, енгил автомашиналар сотиб ола бошладилар. Бу, албатта қувонарли ҳолат! Бундай тубдан ўзгариш ишлари бошида Мадихон ака турди.

Бундай ижобий ўзгариш ўз – ўзидан бўлмади. Мадихон аканинг саховатли меҳнати, тинимсиз изланиши, чексиз олиб борган ҳисоб – китоблари ўз натижасини берди. Мадихон ака деярли кўзлаган ютуқларига эришди, деса бўлади. Билмадим, балки у кишининг яна режалари бордир.

Давлатимиз Мадихон аканинг хизматларини ўнг баҳолаб, унга Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган **“ФАХРЛИ ИҚТИСОДЧИ”**

унвонини берди. Бу олий мукофот, нафакат Мадихон акани, балки кишлок аҳлини илҳомлантирди.

Энг ачинарли ҳолат Мадихон аканинг соғлиғи бирдан ёмонлашди. Жуда кўп медицина муолажаларини қабул килди, кўп даволанди. Даволаниб юрган чоғларида ҳам совхоз иктисоди, унинг равақ топиши йўлида кўп ўйлади.

Инсонга касаллик рўпаро бўлса, унинг инсон танасидан тарқатиши амри маҳол экан. Мадихон ака жуда кўп даволаниб, турли медицина препаратларини қабуллади. Афсус, бу муолажа ёрдам бермади. Касаллик ўз айтганини килди. Шум ажал Мадихон акани жуда эрта, атиги 49 ёшида ормиздан юлиб олиб кетди. Амал йўқ, бизлар бўзлаб қолавердик. Лекин у кишининг ёрқин сиймоси калбимизда абадий муҳрланажак.

Мадихон аканинг фарзандлари ўзидай камтарин, камгап, сахий, оддий инсонлардир. Ўғли Раҳмонжон совхоз таркагунга қадар отасининг ишларини давом эттириб келди. У ҳозирги кунда банк раҳбари, отасидай халқ ғамини ўйлаган олийжаноб инсондир. Раҳмонжон билан ҳам бир неча йил бирга ишлашдик.

Мадихон аканинг ҳамма фарзандлари олий маълумотли, турли жаъбаларда астойдил ишлаб келмоқдалар. Мадихон аканинг кўрмаган ёшини, кизигини, унинг амалга ошира олмаган орзу - рўёбларини илоҳим фарзандлари рўёбга оширсин! Мадихон аканинг руҳлари абад шод бўлсин.

*Холбек ака Исмоилов - Мадихон отанинг ҳамкасби,
ҳозирги кунда фахрий нафақада.*

Камтарин ва меҳрибон инсонни эслаб...

Мадихон ака билан турмуш қуриб, янги ҳаётга қадам ташладик. Келинлик вазифамни бажаришга астойдил киришиб кетдим. Қайнотам уруш ногирони бўлиб, мени у уйда келини эмас, балки ўз кизидай қабул килди. Қайнонам билмаганимни билдирди, ўргатди. У пайтларда ҳовлида иш кўп: ҳовлини эрталаб туриб сув сепиб супуриш, уй хоналарини тозалаш, сигир соғиш, овқат пишириш каби ишларни имкон қадар улгуришга астойдил тиришдим. Йиллар ўта фарзандли бўлдик Уй ишларини уддалаб, дала ишларига чиққан ҳолларим ҳам бўлди. Хуллас, менинг келинлик вазифамдан қайнона – қайнота, турмуш ўртоғим мамнун бўлдилар. Қайнонали уйда ҳаёт кечиришнинг ўз гашти борлигини алоҳида айтгим келади. Уйга меҳмон чақириш, улар кўнглини топиш, қайнона юриш-туришлари деганидек ҳаммасига вақт топардим.

Кейинчалик биз бошқа ҳовлига уй солиб, алоҳида яшайдиган бўлдик, лекин турмуш ўртоғимиз билан бола – чакаларимизни олиб, кайнона – кайнота ҳузурида тез-тез бориб турардик.

Мадихон ака кўпрок колхоз-совхоз ишлари билан банд бўлиб, ишдан кеч, чарчаган ҳолда келарди. Унинг келишини интизорлик билан кутиб олардим, баъзида кутавериб, кўзим уйкуга кетиб қоларди, чунки кўпинча соат тунги 12 ларда келарди. Кўнглидан жой топишга уринардим. Шу кишининг кўнглини топишга доимо ҳаракат қилардим.

Колхоз, сўнгра совхоз ташкил этилишида, унинг равнаки йўлида ҳормай – толмай меҳнат қилди, бош котирди. Олма – ота шахрига бориб, шу вақтдаги совхоз директори Нуршиддин ака Юлдашев билан 2- 3 ойлаб қолиб, қишлоқ иқтисоди йўлини ўз ўрнига қўя билди.

Режалари бисёр эди, афсус уларни амалга ошириш унга насиб этмади. Ўғил – кизлари улғая бора, ота меҳрига тўймадилар. Кичик фарзандим Бобожон ҳаттоки отасини яхши эслай олмайди ҳам. Худога минг шукур – ки, вақт ўта бориб, ўғил – кизларим ўсди – унди, ўқидилар. Ҳаммаси олий маълумотли, турли соҳаларда ишлаб келмоқдалар.

“Олтин олма – дуо ол” - деганларидек, фарзандларимга дуо қилиб ўтираман.

*Сапура ая Мавланова - Мадихон отанинг турмуш ўртоғи,
ҳозирги кунда нафақада.*

Ён қўшни - жон қўшни...

Мен Мадихон акани қўшни бўлиб туришимиздан аввал ҳам танирдим. Кишида қандай олий хислатлар бор бўлса, ҳаммаси Мадихон акада мужассамланган эди. У жуда меҳрибон, хушфеъл инсон эди, мулоқот қилган чоғда жуда маънодор гапларни гапирарди. Ҳар доим маъсулиятли ишлар билан банд бўларди.

Меҳмондўст, оға -- инилар ғамхўрчиси, дўсту – биродарлар даврасида бўлишни хуш қўрарди.

Ёз ойларининг бирида Мадихон ака хонадонига тоғаси Лукмон ака Утеев ташриф буюрганида, мени уйига таклиф этди. Дастурхон атрофида базм уюштирдик, давра суҳбатини ташкиллаштирдик. Шунда Мадихон ака мени у киши билан таништирди, Лукмон ака менинг ота – онамни суриштириб, кейин таниб олди. Бунинг боиси, бундан аввал мен Тошкентга ўқишга борганимда, унинг қабулида бўлган эдим. Ҳамма шарт – шароитлар билан танишгач: “бўлди,

ука, сен ўқишга қабулландинг”, - деб елкамни кокиб қўйганди. Ўша пайтлар у киши Тошкент Давлат Халқ хўжалиги институтида домла, география фанлари номзоди эди. Унинг хулқ – атори, юриш-туриши, ўзини тута билиши, наин-ки қандай хусусиятлари бор бўлса, шунинг ҳаммаси Мадихон акада бор эди. Шунинг учун айтса керак, жиян тоғага ўхшайди деб.

Халкимизда доно накл бор: ён қўшни - жон қўшни. Мадихон ака билан қўшни бўлиб, бирор марта сиз сўзимиз сенга бормади. Кириш – чиқишимиз, тўй – маракаларимиз, олди – бердиларимиз жуда яхши бўлди. Акам Зўроб ака билан Мадихон ака тез – тез улфатчилик киларди, шу онларда улар даврасида мулокотда бўлдим. У кишилардан кўп нарсаларни ўргандим.

Хуллас, Мадихон ака ҳақида айтадиган фикрлар кўп. У кишидан мен доимо фахрланаман!

*Дуроб ака Бойжонов - Мадихон ота қўшиниси,
нафақадор.*

Ўз замонасининг илғор фидойиси...^с

Мен Мадихон акани ёшлигимдан анча яхши танийман. У бизнинг отамиз Шомухтор ака Бойбеков билан қарийб чорак аср бирга иш юритдилар. Мадихон ака жуда оддий, сахий, меҳрибон, кишилар қўнглидан тез жой топа оладиган билимли инсон эди. Ўзим кўп йиллари маориф соҳасида ишлаганим боис, Мадихон аканинг кишлоғимизга сингдирган бекиёс ва чексиз меҳнатларини ўнг баҳолайман. Кишлоғимиз равнаки йўлида, халкимиз турмуш фаровонлигини кўтариш, меҳнаткашларнинг оқилона меҳнатлари эвазига уларнинг маошларини кўтариш, халкимизнинг виждонан ва ҳалол меҳнатларидан уларнинг тўй ўтказиши, топган даромадларини ўз фарзандларининг яхши ўқишига ва дам олишларига сарфлашлари йўлида тинимсиз, тер тўкиб хизматини бекаму – кўст бажарди. Мен иш боби билан бир неча бор Мадихон ака қабулида бўлганимда менинг илтимосимнинг ўнг ечимини топарди. Ҳеч вақт бирор илтимос ечилмасдан қолмасди.

Қолаверса, Мадихон ака билан қўшни бўлиб турдик, қўшничилигимиз ҳам ўз даражасида бўлди. Кирди – чиқдимиз, олди – бердимиз ҳеч вақт узилмади.

Мадихон ака фарзандларининг ўқишларига ва тарбиясига алоҳида эътибор қаратарди. Ҳар бир фарзандининг келажакда билимли ва илмли бўлишини жуда – жуда истарди. Мактабга келиб, уларнинг ўқишларини кузатган онлари ҳам бўлган. Мана қарабсиз – ки, вақт ўта бора ҳамма фарзандлари олий маълумотли, улар турли

соҳаларда худди оталаридек виждонан ва ҳалол меҳнат қилмоқдалар.

Мадихон ака совхоз иктисодини тубдан ўзгартириб қисқа муддат ичида унинг иктисодиётини тезда кўтарди, кўтариб қўя қолмай бутун республикагача кишлоғимизни “намунали хўжаликлар қаторига қўша билган замонасининг илғор фидойиси ва қаҳрамони” - десам муболаға бўлмас.

Фарзандлари ҳам Мадихон акадек саҳий, оккўнгил, меҳрибон инсонлардир. Мадихон аканинг кўрмаган қизикларини илоҳим фарзандлари кўрсин, - дейман.

Унинг ёрқин сиймоси кишлоғимиз аҳли хотирасида абадий сақланажак.

*Зайниддин Шомухторов - Мадихон ота қўшниси ва издоши,
фаҳрий устоз, нафақадор.*

Акам - фаҳрим...

Мадихон акам Тошкент Давлат Халқ хўжалиги институтида таҳсил олаётганларида мен ўрта мактабнинг 4 – синф ўқувчиси эдим. Ўқишдан келишларини интизорлик билан кутардим, сабаби соғинч ҳиссиёти қалбимда чорланиб турарди. Таътилга чиқиб, уйга келганида мени ёнида олиб ётарди, ўқишга кетганларида 3 – 4 кун йиғлаб ўзимга келолмай юрардим, бу билан меҳр – оқибатимизнинг устиворлигини айтмоқчиман.

Таътил кунларининг бирида уйга қорабулоқлик ҳам дўсти, ҳам курсдоши Эминжон ака Дўнгбоев билан келди. Бугунги кундагидай эсимда “патифон”да мусика тинглаб, ўйин – кулгулар уюштирардик. Дўстининг хулқ – атвори оддий ва хушфеълли эди. Тўнгич фарзанди Аминжонга шу дўстимдай инсон бўлиб етишсин, деб Аминжон деган исм қўйиши ҳам бежиз эмас эди. У киши шу кунларда Қорабулоқда фарзандлари, неварв – чеваралари, келинлари даврасида ширин ҳаёт кечирмоқда, ўз даврида кишлоғининг иктисоди учун тер тўккан фидойи инсон.

Институтни имтиёзли диплом билан тамомлаб, кишлоғимизда бош иктисодчи лавозимида тиниб – тинчмай иш юритди. Унинг бу соҳада олиб борган саховатли ишлари нафақат кишлоғимизда, балки шаҳар, вилоятларда ҳали – ҳануз намуна бўлиб келмоқда. 6 йил узлуксиз, дам олмай меҳнат қилиши соғлиғига путур етказди. Мадихон акам ишининг жуда катта маънода маъсулиятлилигини жонидан ҳис этди, ҳатто – ки, уй – рўзгор, бола – чақани ҳам иккинчи даражага қўйиб, сидқидилдан меҳнат қилди.

-Қиска умрида кенг камровли ишларни бунёд этди!

-Илоҳим, акамнинг жойлари жаннатдан бўлсин.

*Қувонхон ака Мавланов - Мадихон отанинг кенжа укаси,
фахрий устоз, нафақадор.*

Акамга ҳурматим чексиздир!

Мен ўқимишли хонадонга келин бўлиб тушдим. Мен ҳам деярли, опа – сингиллар ўқимишли бўлсак – да, отасиз ўсганлигим учун бу оилани сал қўпол бўлса ҳам айтай, биздан устун бўлса керак деб ўйладим. Йўқ, янглишган эканман. Оиладаги шароит шу қадар тинч, осуда эди. Айниқса акамнинг феъл – атвори, келинойимнинг акамга нисбатан ҳурмати, эҳтиёткорлигини кўриб ҳавасим келди ва бу хонадонга келин бўлиб тушганимга ҳали – ҳали миннатдорман...

Акам ўта саранжом – саришта, ҳаммага бир хил муомалада, ўта билимли, ўз ишининг устаси эди. Болалар тарбиясига вақт ажратарди. Мен акамнинг юзига тик қараб гапирганимни эслай олмайман. Ийманиб иш қилардим. Ҳатто овқат олиб кирганимда идишларнинг тозалигига эътибор берардим. Таом мазали бўлса мактаб қўярдилар. Кирган – чикканда эшик туткичларини тоза тутардик.

Келинойимнинг акамга бўлган муомаласини бизлар ҳам тўғри қабул қилдик. Турмуш ўртоққа нисбатан қандай муносабатда бўлишни ўрганиб биз ҳам кам бўлмадик.

Фарзандларининг ҳаммаси мактабни “аъло” баҳоларга тугатиб, институтда ўқишган, ҳаммаси олий маълумотли, ҳаётда ўз ўрниларини топишган. Келинларининг деярли барчаси педагог.

Умуман, кишлоғимизда иккита оила бўлса - биттаси.

*Озода ая Мавланова – Мадихон отанинг келини,
фармацевт, бугунда нафақада.*

Қариндошим...

Мадихон ака оккўнгил, меҳрибон, кишиларнинг оғирини енгил қиладиган, ўз ишининг профессионал устаси эди. Айниқса, у кишининг саранжом – саришталиги, кийиниш одоби, қўпчилик ўртасида ўзини тута билиши менга жуда – жуда ёқарди.

Укаси Дархон ака бизга “почча” бўлганлиги боис, опамизни ва поччамизни кўргани улар хонадонида қўп бўлардик. Ўша пайтда-ёқ, Мадихон ака факат колхоз – совхоз ишлари билан банд эди, қачон қараманг, ҳузурида совхоз мутахассислари тирбанд бўларди.

Мадихон ака билан биз “хожихил” уруғига мансубмиз. У кишининг обрў – эътибори нафакат қишлоғимизда, балки республикагача етган. Фарзандларининг ҳаммаси олий маълумотли, жамиятимизда ўз ўрниларини топганлар.

Мадихон ака қиска умр кечгани билан, қишлоғимизнинг иқтисодини юксалтириш, халқининг турмуш фаровонлигини кўтариш каби залворли ишларни бажарди.

*Марат ака Эргешов - Мадихон отанинг қариндоши,
фахрий устоз, нафақадор.*

Яхшилар изидан борсак...

Мадихон акани мен авваллари сиртаки эшитиб, билиб юрардим. Институтни тамомлаб, она қишлоғимизга келиб, совхозга ишга жойлашдим. Ўша вақтлари Мадихон ака совхознинг бош иқтисодчиси лавозимида ишларди. Совхоз шу вақтларда ҳамма соҳалар бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлиб турган пайт эди., бундай юқори кўрсаткич ўз - ўзидан пайдо бўлмагани ойдиндай аниқ. Мен ўзим қишлоқ хўжалиги ходими сифатида бундай юқори кўрсаткичлар замирида Мадихон аканинг қўли баланд бўлган, - дейман.

Отамиз, раҳматли Мамадали ака шу вақтларда Эски Икон қишлоқ советининг раиси эдилар. Мадихон ака отамиз билан кўп мулоқотда бўлганларининг гувоҳиман. Иш соҳаси бўйича турли учрашувлар, муҳим масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишлар, совхоз микёсида ўтказиладиган тадбирлар уларнинг иштирокисиз ўтмасди. Мадихон ака қарийб 20 йилдан зиёд халқи учун, мамлакатимиз учун тинимсиз, дам олиш нималигини билмай чексизлик ёйи каби меҳнат қилди. Эвазига халқимиз яшаш тарзи тубдан ўзгарди. Одамлар пешона тери меҳнати звазига соф даромад олдилар, тўйлар қилдилар, енгил автомашина харид қилдилар, четларга чиқиб дам олдилар. Бу эса, албатта, қувонарли ҳолат. Бундай ютуқлар энг аввало иқтисоднинг тўғри ва мукамал таксимланишидан далолат беради. Албатта, бундай ютуқларга раҳматли Мадихон ака пойдевор қуриб кетди.

Фарзандлари элга манзур ўғил – қизлар бўлиб етишишдилар. Ҳаммаси олий маълумотли, матонат ва садокат ила хизмат қилиб юришибдилар, Ўғли Раҳмонжон билан совхозда кўп йиллари бирга ишлашдик. Мен Раҳмонжоннинг хулқ – аъводини, ўзини жамоатчиликда эркин ҳис эта билишини, қишлоғимизда ўтказилаётган хайрли ишлар заминидан унинг бош – кош бўлиб

юрганини жуда яхши биламан ва унга чексиз тасаннолар айтаман. Ота избосари деб мана шуни айтса керак!

Мадихон аканинг ҳамма фарзандларини якиндан биламан.

Келажакда Мадихон акадай, унинг фарзандларидай пок инсонларнинг кўпайишини ва юксалишини жуда – жуда хоҳлардим.

Мадихон аканинг ётган жойлари жаннатдан бўлсин. Унинг муносиб хизматлари ва ёркин сиймолари халкимиз калбида доимо сакланиб қолаверади.

Марат Айметов - Мадихон ота шогирди, тадбиркор.

Отам сиймоси...

Отамизда кишига хос қандай олий фазилатлар бор бўлса, барчаси унда намоёндыр, - десак муболаға бўлмас. Умри бўйи инсонларга яхшилик қилиш, оғирини - енгил қилиш, турли муаммоларни ўз ўрнида ва ўз вақтида ҳал қилиш, ҳар бир ишнинг ижобий ечимини топиш билан банд бўлдилар.

Фарзандларининг тарбияси ва таълим олишларига бой имконият ярата билди. Ҳаётда ҳар биримизнинг ўз йўлимизни топишимиз учун фақат тарбияли, илмли ва билимли бўлишимизни такрор – такрор онгимизга уқтирардилар.

Мен ўзим катта ойим Рукия ая қўлида тарбия олдим Отамиз бошқа ҳовлидан уй солиб, кўчиб ўтдилар. “Катта неварам ўзим билан қолади” – деб, катта ойим мени катта ҳовлимизда олиб қолди. Эвазига эрқарок ўсдим, лекин менга топширилган вазифани астойдил бажарардим. Ўқишим учун ҳамма шароитлар мужассам, ўзимнинг алоҳида дарс тайёрлайдиган хонам бўларди.

Отамиз таъбири билан кўп ўқидим, изландим, ўз устимда тинимсиз меҳнат қилдим. Мактабда “аъло” баҳоларга ўқиб, институтга ўқишга кирдим. Институтда ҳам кўп ўқиганларим қўл келди, ўқиш мобайнида “Ленин стипендия”си олиб ўқидим, билимимни янада бойитдим. Барча ютуқларга эришсам, унинг ортида отамизнинг насихатлари жаранглаб турарди.

Ҳаётда олдимга қўйган максадларимга эришдим, лекин отамиз менинг қувончларим ва ютуқларимга шерик бўла олмади.

Армонлари, орзу - ҳаваси мўл эди. Фарзандимга Отабек деб исм қўйишимиз, отамиз номини абадул – абад эслаб юриш ва унга бўлган ҳурматимизнинг бекиёс чексизлигидадир.

Армонларини биз рўёбга чиқариш учун бутун куч – ғайратимизни сарфламоқдамиз.

Аминҷон Мавланов – Мадихон отанинг тўнғич фарзанди, физика-математика фанлари доктори.

Қайнотамни эслаб...

Мен, Мавлановлар оиласига 1982 йил келин бўлиб тушдим. Бу пайтда аттамыз соғликларини анча йўқотган, касал ўз таъсирини ўтказиб бўлган эди. Улар хотириларини йўқотган, баъзи-баъзида ўзларига келиб, биз билан гаплашиб ўтирардилар. Шундай бўлса ҳам эрталаб туриб ишга кетардилар. Тушликкача ишлаб қайтардилар. Атрофларида яқинлари: ойим, катта акам ва кичкина акамлар парвона эдилар. Қандай қилиб бўлса ҳам уларнинг оғирларини енгил қилишга ҳаракат қилардилар. Айниқса, кичкина акам эрта сахарда келиб бадан-тарбия машқларини қилдирарди, касалини шу тарика енгиллашига (аттамининг) ҳаракат қилардилар. Бўш вақтларини акалари ёнида ўтказарди. Аммаларимиз Зулфинисо, Савринисо, Тўраш ва Ирсои опалар тинмай хабар олишардилар. Қариндошлар ва ака-укаларнинг бир-бирига меҳрибонлигига ҳаммининг ҳаваси келарди. Аттамыз табиатан юмшоқ инсон эдилар. Уларнинг фъелида каттиқ қўлликни сезмаганман. Фарзандларига меҳрибон ота эдилар.

Мен келин бўлиб тушиб уйдаги шароитнинг оддийлигини кўриб ҳайрон қолганман. Чунки умр бўйи катта бир совхозда бош иқтисотчи бўлиб ишлаган инсоннинг шундай оддий яшаши мени ҳайратлантирган. Аслида бу оддийлик аттамызнинг ҳалол ишлагани совхозни келажаги, равнакига ўз ҳиссаларини қўшганлиги оқибати эканлиги кейин тушундим.

Йиллар ўтиб биз фарзандларимизга аттамыз хотирасига бобосидек ҳалол, обрўйли инсон бўлсин деб, Отабек исмини қўйдик. Ҳаётда ҳамма инсонлар ҳалол яшаб аттамыздек обрўйли бўлишини тилаймиз. Аттамызни оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин! Жойлари жаннатда бўлсин!!!

Ирислиқ Мавланова Мадихон отанинг тўнғич келини.

Отам бисотидан...

Эсимни билиб отамизнинг меҳрибонлиги, олийжаноблиги, камтаринлиги ва юмшоқ феъли каби хислатлари борлигини англадим. Ҳали-хануз эсимда бир катта папкада иш ҳужжатларини кўтариб чиқарди, қаламнинг учини узун ва ингичка қилиб чиқариб, бир қаламини ойимга, бир қаламини менга бериб, турли нусхадаги иш қоғозларини қўлимизга тутқазиб, бошқа янги иш қоғозларига кўчиришимизни буюрарди. Кечки овқатдан кейин то ярим кечагача отамизнинг ёзиш-чизиш ишларига ёрдамлашардик. Бундай ҳолат тез-тез такрорланарди. Кейин узок фурсатдан сўнг ўйлаб қарасам, ишхонасида ишларини тугата олмай уйга олиб чиқаркан-да.

Касбдошлари, дўстлари, оға-инилари, хаттоки фарзандларига бирор марта ғазаблангани ёки хафа бўлганини сезмаганман. Оилада бирор муаммо бўлгудек бўлса, шу онда ҳал қиларди. Уй-рўзгорига керакли нарса бўлса ўз вақтида ҳозир қиларди.

Чамамда 3-синфта ўқисам керак (бу 1976 йилга тўғри келади) кундалигимга қўл қўйдириш учун, кундаликни отамнинг олдига қўйдим. Кундалигимни вараклаб текшириб кўрди-да қўл қўйди, кейин бир варок оқ коғозга ниманидир ёзди ва кундалик ичига солди. Пешонамни ўпиб, ҳалиги кундалик ичига солинган варакни очиб ўқишимни уқтирди. Очиб ўқисам куйидаги матнни ёзибди: “Ўғлим, доимо аъло баҳоларга ўқигин, каттани ҳурматлаш – кичикни иззатлаш доимий ишларинг бўлсин, орзуларинг доимо руёбга чиқсин!” Шу варакни мактабни тугатгунча кундалигимда саклаб келдим, гўёки у менга сеҳрли куч бағишларди.

Уйимизда меҳмонлар кўп бўларди, совхоз ишчилари турли муоммолар билан келарди. Ҳамма илтижо билан келган кишиларни юмшоқ сўз ва яхши муомала билан йўлга соларди.

Мактабни тугатиб олий ўқув юртига ўқишга киришга тайёрланиб юрганымда мени ҳарбий комиссариатга чакириб қолди. У вақтларда отамизнинг соғлиги анча ночор эди. Дарвозадан чиқаётиб, отамга ҳарбий комиссариатга бораманда - келаман дедим. Шаҳардан келсам отамиз, “Ўғлим армиядан эсан-омон келдинг-ми” деб мени кутиб олди. Англадим-ки соғлигининг мушқулини шунда сезиб, ич-ичимдан эзилдим. Шунда ўзимга – ўзим шарт қўйдим: албатта врач бўламан! Тақдир тақозоси билан 2 йил ҳужжатларимни медицина институтига топшириб, бахтимни синаб кўрдим, афсус армонларим ушалмади. Шунда ҳаёлимга бир фикр келди: Агар ўғил фарзандли бўлсам, албатта ўғлимга врач бўлишини тавсия қиламан. Худога минг шукурлар-ки, ҳозир тўнғич ўғлим медицина талабаси, ўқишни тугатиш арафасида. У Хўжа Аҳмад Яссавий номидаги Қозок-Турк университетида медицина куллийетида таҳсил оляпти.

Отамнинг насиҳатлари ҳаётимда қўл келиб менинг иш бобимда юксак натижаларга эришишимга ёрдам берди.

Отамнинг армонлари бисёр эди...

Отамизнинг жойлари жаннатда бўлишини Оллоҳимдан сўраб қоламан.

Мавланов Рашидҷон Мадихон отанинг фарзанди.

Меҳрибоним отам.

Раҳматлик аттамининг жойлари жаннатдан бўлсин. Улар жуда меҳрибон, олийжаноб меҳмондӯст инсон эдилар. Кўп Икон ахлига яхши маслаҳатларини бериб, тўғри йўлга бошлаган. Аттамининг менга бўлган меҳрлари ўзгача эди. Хотирамда қолган яхши кунлардан бири, 1973 йили мен ўша пайтда 5 ёшли бола эдим, ёш бўлишимга қарамасдан, Атта мени Тошкенга олиб борган ва Янгиюльдаги Алихон бобомниқидан Бўлтой (Зокирхон) бобомни Иконга олиб келганмиз. Атта иш юзаси билан, таътил пайтларида дам олиш учун кўп шаҳарларга борар эдилар. Қарга боришидан катъий назар, бизларга албатта совғалар олиб келардилар. Айниқса менга олиб берган “Герман” костюм шим кеча кундагидай ёдимда. Ишдан чарчаб келишига қарамасдан ўқишимизга жуда катта эътибор берар эдилар, кундалик дафтарларимизни назорат қиларди. Яна хотирамда қолган воқеа кечалари кўпинча давлат ишларини бажариш учун уйда ҳисоб китоб қилардилар. Мен ҳам ухламасдан ёнларида кузатиб ўтирар эдим. Афсуски, Атта 1983-1984 йиллари оғир дардга чалиниб қолди, лекин кўзларидаги меҳр сўнмади. Шу меҳрларини кўп-кўп эслайман ва қўмсайман.

Мавланов Ғуломжон Мадихон отанинг фарзанди

Отам меҳри.

Мен дадамни деярли эслай олмайман, сабаби у бетоб бўлганларида ёшим 5лар чамасида эди. Шундай бўлса-да, баъзи бир кўринишлари эсимда. Ишдан келганларида ўйинчоқлар кўтариб келганлари, оёғига ўтказиб эркалатишлари пешонамни ўпиб сочимни силаб ўтиришлари каби фазилатларини озми-кўпми кўз олдимда гавдаланади. Ёш бола эканлигим боиси шунда-ки, уйимизга катта акамиз Аминжон ака ўқишдан келганларида, мен уйга шоша-пиша югуриб кирип, “ая, уйимизга амакимиз келяпти” – деярдим. Шу вақтларда Аминжон акамни катта айимиз Рукия опа ўзининг ўғил фарзандларидай эркалатиб, катта уйимизда тарбияларди. Ўйлардимки у амакимиз бўлса керак. Кейин улғая бора акамиз эканини ҳис этдим.

Дадамиз дафн маросимида одамлар гавжум бўлганларини, қабристонга охириги йўлига кузатиб қўйилганини ҳам оз-моз эслайман. Эсимни билиб, мактаб остонасига қадам ташладим, мактабда ўқиб, кейин Тошкент шаҳри томон илм излаш учун отландим. Студентлик деган гаштни сурдим. Ўқишни тамомлаб, она қишлоғимга келдим. Дадам вафотидан кейин, мен оилада кенжа фарзанд бўлганлигим учун

эркарок ўсдим шекилли, деярли кийинчилик гирдобига учрамадим, бунга сабаб, меҳрибон онам ва унинг раҳбарлигидаги жигарларим – акаларим ва опам пойдевор бўлдилар. Нимани-ки хохласам, деярли ҳаммасига эришардим, эвазига онамга, акаларимдан ва опамдан миннатдорман. Ҳаммасига ҳам мингдан-минг раҳмат, отам йуклигини билдирмадилар. Амакиларим ҳам қараб турганлари йук.

Ўз бошим Мадихон ота асл фарзанди бўлганлигимдан гурурланаман. Кўчада, тўй-маросимларда, турли учрашув ва кечаларда мендан сўрайди: Кимнинг ўғлисан, жавоб бераман: “Мадихон аканинг”. “Баракалло, отанг жуда сахий, камтарин инсон эди, кўпчилик назарига тушган эл-юрт ардоқлайдиган инсон эди” – деган инсонларнинг чеки йук. Ўйлаб қарасам бундан ортиқ бахтнинг нима кераги бор. Шундай ҳикматли олқишларни эшитиш мен учун кифоя.

Мансаб, молу-дунёга кизиқмасда отамиз раҳматли маънавий бойлик йиғиб кетганлигига кўзим етди. Ҳозирги кунда оилалиман, катта уйда отамиз чироғини ёкиб, ойим раҳнамолигида бахтли ва ширин ҳаёт кечирмоқдамиз.

Шу йўсинда, “отамизни Оллоҳ ўз паноҳида асрасин, охиратлари обод бўлсин” дейман.

Мавланов Бобожон Мадихон отанинг кенжа фарзанди

Қишлоғимиз ҳақида ривоятлар

Қишлоғимиз ҳақида диққатга сазовор ривоятларни эслаб ўтайлик:

1.Тарихий манбаларга суянсак, “Икон” сўзининг асл маъноси Ийгихон деб аталган бўлиб, “Ийги” – “эзгулик”, “хон” – “катта арик” деган маънони англатади. Демак, қишлоғимиз яхшилик келтирувчи арик деган мақомга эга бўлган. Даставвал, қишлоққа Хоразм воҳасидан бир тўп одамлар келиб жойлашган деган иборалар мавжуд.



2.Бундан 270 йил илгари иконликлар узум экиб, турли хил ичимликлар тайёрлашган. Бунинг учун алоҳида тоза, соф тупроқдан кўзалар, турли хил рўзгор буюмларини тайёрлайдиган ҳунармандлар авлоди етишиб чиққан.

Иконликлар шу даврда узумдан мусаллас, шинни ва бошка ичимликлар, бўза, кимиз-кимрон тайёрлаб, Туркистонга араваларда олиб бориб савдо-сотик қилишганлар.Тоза, пишиқ лойдан ясалган бу идиш ичидаги маҳсулотни тоза, мазасини йўқотмасдан сақлаш хусусиятига эга бўлган, олиш –бериш ишлари ва савдода бу баракали идиш жуда қўл келган. Мана шу сабаб, иконликлар “Мундилар” деган лақаб олишган.

Шу ўринда ҳамқишлоғимиз, Ўзбекистон халқ шоири Миртемирнинг “Мунди” номли шеърига бир назар ташланг:



Эски Икон қишлоғининг юқоридан кўриниши

Мўнди

Қишлоққа боргандим ёз оyi бир вақт,
 Соғиниш ва дийдор – ўзи тенгсиз бахт.
 Келишади дарров кавму қариндош,
 Сабза мўйлов жиян ё ундан ҳам ёш.
 Саватида нони – аммаю холам.
 Қўшним мактаниб дер: “Бу – кенжа болам”!
 Амаким келади – етакда қўзи:
 “Зап келдинг!” Қўзини сўймокчи ўзи.
 Бир – бир йиғилишар қурдош - тенгдошлар,
 Бир кез жон олгувчи не қаламқошлар,
 Бобомдек чоллар ҳам бўлмайди ҳеч кам,
 Шундок. Бир нафасда олис – яқин жам.
 Кучоқлари очик, ўрашиб олар,
 Нима бор, нима йўқ – сўрашиб қолар.
 Дастурхон ясоғлик, чой сузилади,
 Сухбат чўзилади, сўз чўзилади,
 Қўп ўтмай тортилар ажиб қулчатои,
 Қўзининг эти ҳам барра, жикка мой,
 Чирманда вадаванг, чалинара дутор,
 Авжида қўшиқ, ҳам лапар ҳам ёр-ёр.
 Аста таралишур тун оккан маҳал,
 Тонгдан меҳмондўстлик учун келур гал.
 Бир мўнди узатди қайтишда аммам,

Кўзлар камашгудек фусункор бирам.
-Ола кетгин – деди, - мендан эсдалик.
Буни ардоқлолмас ҳеч ким сенчалик.
Асли ўзи улуг бобонгдан ёдгор,
Сепимда келгани хануз эсда бор.
Бир оёғим тўрда, ўзгаси гўрда.
Тайсалмай, бунга бир разм солиб кўр-да...
Лол бўлмагин амманг таманносидан,
Бобонгга ҳам энчи ўз бобосидан.
- Хўп, - деб олдим дархол, - не ҳам килардим,
Мўнди эзгулигини яхши билардим.
Эшитгандим олис ўтмишдан оз-моз,
Қишлоқ жаннатдан ҳам яхшироқ ва соз,
Яшиллик қўйнида оларкан нафас.
Бир кўрган ўлгунча киларкан ҳавас.
Айлана гуногун чексиз мевазор,
Мева пишар экан то тушгунча қор.
Бозорга элтишар – кутади бозор,
Аравалар тўла мўндилар қатор.
Мўндиларки нақшлик, ғазаллик, хатлик,
Авайласанг, умри узунҳикматлик.
Мўндилар лиммо-лим қўлбола шароб,
Шароб бўлганда ҳам тансиқ ва ноёб.
Мўндилар лиммо-лим шинни, шира, бол,
Бол тўлсин деб ахир ясамиш қулол.
Шаробдан бўшаса сув тўлар муздек,
Ёвғон гўжаси ҳам нондек ва туздек.
Шу вайдан қишлоғим лақаби мўнди,
Наинки лақаби, насаби мўнди.
Қаҳатчилик йили – мўндиларки бор,
Нон бўлди, дон бўлди – элга хўп мадор.
Туркистонда узун мўнди растаси.
Оз эмас шайдоси ва шикастаси.
Мўндига қимиз ҳам қўйиб ичишар.
Булоқдан тўлдириб, тўйиб ичишар.
Шу вайдан бош эгиб мўндини олдим.
Ўраб-негиб шу чарм халтага солдим.
Бир номдор қулолнинг меҳнати бу ҳам,
Шоиртаъб халқимнинг санъати бу ҳам...
Ҳа, шундоқ, қишлоғим лақаби мўнди,
Факат лақабимас, насаби мўнди.



Иконнинг шарқ томонида 10-12 км масофада “Унгут” деган (икки тепалик орасида) деҳқончилик қилишга қулай бир неча гектар текис ер бўлган. Бу ер ҳамкишлокларимизнинг асосий кун қўриш манбалари бўлган. У ерни кузда омон билан ҳайдаб, дон сепилган. Кейин тоғ томондан келадиган (агар куз пайти сув келса), сувдан суғориш ишларида фойдаланишган. Агар куз пайти сув келмаса, киши бўйи ёққан ёғиндан баҳра олган бугдой ўсимлиги, кўкламги тошув сувларидан суғорилган. Мана шу усул билан қишлоқда дон етиштирилган. Унгутдан доим сув оқиб турган. Келадиган сув Патти арик деган ариқдан оққан. Патти ариқнинг бошланиши Унгут оралиғидан бошланиб, тахминан ҳозирги футбол майдони, Икон мактабининг шарқий-жанубидан ўтиб, Икон марказидаги тепаликнинг шимолидан ўтарди. Худди мана шу Патти ариқнинг қишлоқлари узумзор бўлган. Мусаллас-у шиннилар тайёрлайдаган пазандалар Патта арик атрофида етишиб чиққан.

Унгутда деҳқончилик қиладиган ер турли дов-жанжаллардан ҳоли эмас эди. Айтганимиздек, бундан 270 йил илгари бўлган бир воқеа тафсилотини келтирамиз. Иконликлар куз пайтида ана шу Унгут ерига

хар доимгидек дон экиш учун борадилар. Улар не кўз билан кўрсинки, экишга ярокли ернинг тепасига бир оила келиб урнашибди. Иконликларни у ерга якинлаштирмабди. Улар бу ерда 50-60 та эчки бокиб юрган эканлар. Биринчи кун ерга ишлов бериш учун чиккан иконликларни улар хатто итига талатишибди. Иккинчи кун иконликлар маслаҳатлашиб учта одам юборибди. Суфихил уругидан бир киши, Қирк тоз уругидан бир киши ва Ҳожихил уругидан бир киши Унгутга борадилар. Ҳожихил авлодидан Қоринбой бобони юборадилар. У киши ўта катта табиий кучга эга бўладилар. Кўчиб келган оила иконликлар билан уларни итларига талатишни шартлашадилар. Агар итга бас кела олмасалар, кўчманчи элат оиласи бу ерга эгалик қилаверишини айтадилар ва аксинча, итни иконликлар енга олишса, экин майдонини ташлаб кетишга қарор қилишади. Уларнинг итлари баҳайбат, важохатли, ҳар қандай одамни омон қўймас экан. Ҳалиги юборилган уч киши бу ерга етиб борганда, шарт бўйича вахший итни бўшатишади. Ит даҳшат билан отдаги Қоринбойнинг бўғизига чанг солиб ғажимоқчи бўлади. Лекин, Қоринбой икки кафти орасига итнинг ҳалқумини кисиб, бир пас отнинг устида осилтириб ушлаб туради. Ниҳоят, ит бўғилиб жон таслим қилади. Қоринбой ўлган итни улоктириб юборади. Итнинг эгаси жон ҳолатда дод-вой солиб қолади. Шундан сўнг, кўчманчилар зудлик билан бу ердан кўчиб кетишган экан. Тарихда ҳаёт учун курашда мана шундай воқеалар кўплаб учраб турган. Хуллас, уч киши Қоринбой раҳнамолигида кўчманчилар билан битим ясашга келадилар. Кўчманчи элатларнинг турар жойи, Иконнинг ғарб томонида 6-7 чакирим олисликда “Бойбалик” деган тепа атрофида эди. Унга Чилик кишлоғига борадиган йўл орқали борилади, йўлда улар манзилга етгунча уч киши битта эшакни галма-галдан миниб келишади. Мазкур гуруҳ кўчманчилар билан битим қилишга киришади. Кўчманчилар балиқ овлаш, деҳқончилик қилишда анча тажрибали кишилар бўлишган. Шу далада янтоқ баравж ўсар эди. Улар янтоқнинг устки поясини қирқиб, пояларни икки паллага ажратиб қовун уруғини экишган экан. Бу иконлик гуруҳ борганда қовунлар ғарқ пишган экан.

Кўчманчилар Туёқбойларнинг мақсадини тушунгач, уларга шундай шарт қўйишадилар: Икки томон бир-бир киши полвон тушиб, енгилган томон шарт бўйича келишилган миқдорда товон тўлаши керак бўлади. Агар иконликлар енгилса, эшакларини ташлаб кетади, аслида келгиндилар иконликларга балиқ овлаш ва бошқа ишларга бу атрофда рухсат беришмайди. Беллашувда иконликлар енгса 1 қоп қовун, 1 қоп балиқ олиб, яна атрофда хўжалик юмушларини бажараверади. Энди полвон тушиш шarti бўйича Туёқбой билан кўчманчилардан биттаси майдонга чиқади. Биринчи гал Туёқбой рақибини оёғидан чалиб

йикитади. Лекин, кучманчилар бу “номардлик бўлди”- деб ғалабани тан олишмайди. Иккинчи марта Туёкбой ракибини бўйи баробар кутариб, айлантириб ерга уради. Шу пайт шу ердаги ок шўргок тупроқдан шундай чанг кутарилдики, бир-неча дакика одамлар бир-бирини кўролмайдиган чанг-тузон атрофни коплайди. Чанг-тузон пасайгач, разм солсалар, Туёкбойнинг шериклари йўқ эмиш. Синчиклаб карашса, бири 1 коп ковун, яна бири 1 коп баликни олиб Икон томонга кетаётган эканлар. Кучманчиларнинг капалаги учиб, бу атрофдан жўнаб колишибди.

Шу замонга яраша ҳар турли муаммолар кишлокда юз бериб турган. “Ёвгарчилик” деган даврнинг бебошликлари, айниқса, жойларда тинч аҳолининг тинқасини қуритар эди. Каминанинг мақсади тарихий давр муаммоларини кўрсатиш эмас... Иконда Исоқбой авлоди кадимроқда, ўтмишда бўлиб ўтган ажабтовур воқеаларнинг авлод хотирасида сакланганларини коғозга тушириш. Уларнинг ҳаёт ранг-баранглиги, жозибасини, яшаш тарзини ёдимизга солади. Юкорида айтганимиздек, бундан 270 йил муқаддам Икон кишлоғи одамлари, табиатнинг сахийликларидан унумли фойдаланишган. Иконнинг жануб томонида “Кўл ховуз” деган теварак-атрофда кизгін меҳнат макони бўлган; балик овлаган, “қуён суяк” деган ўсимликдан ўтин тайёрлашган. Ҳали айтганимиздай, у пайтлар давлат имконияти ва эътибори аҳоли тинчи ва маъмурчилигини унга ўз вақтида назорат қила олмаганлиги натижасида, турли бебошлик, низо-жанжаллар тез-тез бўлиб турган.

Иконнинг шу атрофини кучманчи элатлар фойдаланиб, иконликларга балик овлаш, ўтин тайёрлаш ва бошқа ишларга қаршилиқ кўрсата бошлашган. Шунда Иконнинг масжиди имоми, иконликлардан 3 авлод: ҳар қайсисидан биттадан одам ажратиб, у кучманчилар билан битим ясаб тирикчилик қилишни йўлга қўйиш кераклигини айтади. Шунда Ҳожихил уругидан Туякбойни алоҳида танлайди.

Бу авлоднинг шажарасини жамлаётганлар асосан Исоқ бобогача 6 авлод бўгин ораликни кўрсатмоқдалар. Бу оралик ҳозирги ҳаёт бўлганларни ҳам қўшганда, тахминан 300 йилни ўз ичига олмоқда. Бу вақт мобайнида ҳаёт учун курашда жуда қўплаган қизик воқеалар бўлиб ўтган. Шулардан айрим ривоятларни ушбу ерда эслаб ўтамиз. Бундан тахминан 260 йил муқаддам Икон аҳолиси асосан ҳозир кишлокнинг марказий қисмидаги тепаликда истикомат қилишган. Бу тепалик майдонида 250 - 300 оила истикомат қилишарди. Бу тепалик бугунги кунда кишлок ўртасида сакланиб қолingan ва тарихий аҳамиятга эга бўлиб, ЮНЕСКО китобига киритилган. Мингдан ошиқ одам ҳаёт кечириб, аҳоли асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланишган. Шунингдек, боғдорчиликда узум етиштиришган.

Айтишларига караганда, шу аҳолининг турар майдони икки қават пахса девор билан ўралган бўлиб, тўрт дарвозалик қалъа бўлган. Қишлоқда битта масжид бўлган. Аҳолининг етти ёшидан етмиш ёшигача шу масжидда намоз ўқишган. Қишлоқнинг маъмурий-ижтимоий ҳаётини шу масжид имоми бошқарган.

ИСОҚ БОБО ШАЖАРАСИ

Исоқ бобо ҳақида сўз бошлаганда уни ҳожихил авлодининг бош бўғинидан бири деб айтишга ҳуқуқлимиз. Марҳум Т. Мамаевнинг “Икон ва Иконликлар” китобида мазкур авлодни қорақалпоқлар уруғига мансуб дейилган. Лекин Дархон Мавланов, Бахт Зуппарханов, Азизхон Саттарханов ва бошқа шу авлод вакиллари “**Ҳожихил**” уруғимиз деб қатъий бир қарорга келишган. Исоқ бобогача авлод давомийлиги қуйидагича аниқланган:



Исоқ бободан Нишон, Абдураим, Абдурахмон, Абдумавлон боболар дунёга келишганлар.

Биз Исоқ бободан таркаган 3-4 бўғин зурриёдларининг ҳаёт фаолиятини иложи борица жамлаб ёритамиз.

Сиз қуйида Исоқ бобонинг болалари, невараларинг схема – шажараси билан танишасиз. Ҳожихил авлодининг бош бўғинидан бири Исоқ ота (Исоқбой) ҳаётидан бизгача етиб келган аниқ ҳужжатли

маълумотлар йўқ. Бирок, оғиздан-оғизга ўтиб келаётган маълумотларга суянамиз. Ҳозирда ҳаёт бўлган шу авлод вакиллари у ҳақида қуйидагича изоҳ берадилар.



Исоқ ота иконликка уйланганлиги маълум. Унинг Ирсибка исмли аёли сўфихил уруғи вакили бўлган. Бу ҳақида ҳозирги даврда ҳаёт бўлган кишилар ва А. Розиковнинг эслаши бўйича, унинг Абдурахмон бобосига Ирсибка ая эгачи бўлган. Демак, Исоқ отанинг 4 боласи сўфихил уруғига жиян бўлиб келади. Энди, Исоқ отанинг ва болаларининг ҳам ҳаёт саналарини аниклаш керак. Лекин, улар ҳақида аниқ маълумотлар, ҳужжатлар йўқ. Бирок, Исоқ отанинг кичик боласининг туғилган ва вафот этган саналари бор. Шу маълумот асосида, Исоқ отанинг ва болаларининг тахминий саналарини аниклашга ҳаракат қилиб қурамиз.

1864 йили Қўкон лашкарбошчиси Алимқул руслар босқинидан кейин уларни ҳам Тошкентга тўлиқ қўчириб олиб кетади. Лекин, ватанини ташлаб кетишни ўзига эп кўрмаган Исоқ бобо яшириниб (айтишларига қараганда, у қудукка яширинган экан) қолибди. Иконликлар 1867-68 йилларнинг у ёқдан қайтадан қўчиб кела бошлашган. Демак, Исоқ бобо шу йиллар мобайнида, яни 1867-1868 йиллари уйланган деб фараз қилсак, Исоқ бобо 1840-42 йили туғилган, дея оламиз. Атроф хотиржам бўлгач, яшаш иштиёқида режа тузади. Мухораба оқибатида қўчирилаётган халқ ўзининг мол-мулкани тўлиқ олиб кетишга имконияти бўлмагани маълум, албатта.

Улардан қолган мол-мулкни у ўзига йиға бошлайди. Вакт ўта Иконликлар ўз юртига аста – секин келаверадилар. Бир неча йил оралиқда Исоқ бобо кўчиб кетганлардан қолган чорва молларини боқиб кўпайтираверади. Молга даъвогарлар билан келишиб, ўз ҳиссасини олиб қолаверади. Натижада, Исоқ бобо катта мулкдор - Исоқ бойга айланган экан. Демак, у киши оқил ва тadbиркор бўлган. Яна, Исоқ бобо саводли, ислом динининг билимдони бўлган экан. Шуни таъкидлаб ўтишимиз жоизки, Нормат бобонинг фарзанди Умрбекнинг авлодлари ҳақидаги эсдаликларида Исоқ бобо ҳақида шундай дейилган: Бувимиз Зафароннинг (Абдураим бобомизнинг аёли) айтишича, Исоқ бобомиз жуда меҳрибон бўлган экан. Кўклам кунларидан бирида ёзги яйловга кўчиш пайтида оиласи билан бирга адирлар оша тоққа кўчиб бораётган маҳал, ўзларининг ота уруғи, келиб чиқиш тарихи ҳақида гапириб берган. Исоқ бобонинг тўнғич фарзанди Нишон касаллик туфайли бевакт оламдан ўтади. Отасининг молу - дунёсига эгалик қилиш, укаларининг рўзгорини тебратиши, иккинчи ўғли Абдурахимнинг зиммасига тушади.

Исоқбой оламдан ўтгач, унинг дафн маросимини ўтказиш, “Бойбалик”ка 9 донга ўтов тикиб, 40 кун давомида Исоқбойнинг ҳурматига келувчиларнинг ҳаммасини эҳтиром билан кутиб олиб, таъзияга келган бойларга тўн-тўппи кийдириш каби, уларни кузатиш учун анча-мунча ҳаражатларни ўз зиммасига олган.

Маросималар тугагач тўнғич фарзанди Абдураим отасидан қолган мол-дунёни акаси Нишоннинг бевасига, ҳамда укалари Абдурахмон ва Абдумавлонларга бўлиштирган.

Биз Исоқ бобо сулоласини ёритмокни мақсад қилиб қўйганмиз. Бу авлод Иконда мавжуд бўлган уруғлардан бири, яъни Ҳожихил уруғига мансуб эканлигини таъкидладик.

Исоқ отанинг тўнғич фарзанди Нишон бобо ҳақида маълумотлар жуда кам. У Иконда туғилиб ўсиб, турли хил меҳнат қилган. Уйланиб бола - чақали бўлган, лекин у кўп яшамаганлиги аниқ. Бизнинг тахминий ҳисобимиз бўйича Нишон бобо 1868 йили туғилган. Ундан Тўти исмли бир киз ўсиб-улғайиб, оила қуриб, бобонинг авлодини давом эттирган.

Исоқ (бобонинг) ота шажара-схемасини яхлит бир жойга тушириш техник жиҳатдан мураккаблик борлигидан соддарок усул қўлладик., яъни унинг тўрт боласининг ҳар қайсисини алоҳида схемалаштирдик. Лекин, авлод одамлари, яшаб ўтганлари тўлиқ келтирилди - дейишга бўлмайди. Сабаби, тадқиқот пайтида маълум бўлган ҳодиса ва далилларга асосланилди. Китобга Исоқ отадан кейинги авлод қиритилди. Айрим авлод вакиллари 4-бўғингача ёритилди.

2010 йилдан мактабларда “Бобек” республика фондининг Президенти С. Назарбоевнинг лойиҳаси асосида дунёга келган “Ўзини-ўзи таниш” фани ўқитила бошланди. Бу фаннинг мақсади одамдан одам яратиш, уни ҳаётдаги ўз муқаддас миссиясини адо этиб яшашга рағбатлантиришдир.

“Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам” деб чарх урган эди ҳазрати Навоий. Ўзлигимизни фақат ўзимиз излаб топа олсакгина, эл бизни топади, танийди. Ўз оиласи, авлоди тарихини билиш ҳам ўз – ўзини таниш ҳисобланади. Қишлоғимизда эса бундай ибратли ишлар кўп. Шу ўринда қишлоғимиздаги яна бир ўзгача ҳолатни баён этмасликнинг иложиси йўқ. Икондан бошқа шаҳар-қишлоқларда одамлар орасида лақаб қандай пайдо бўлади билмайман-у, бизнинг Иконда кўпинча, одамлар тўпланган жойда тўсатдан айтилган сўз, аския шаклида бирор одамга айтилса, у одамга лақаб бўлиб илашади. Масалан, мен қуйидаги ҳолатда лақаб пайдо бўлишини биламан. Синф болаларга гавжум эди, бир пайт шўҳрок бола ёнидаги болага қараб: ўтир сан бузоқ бош..., деган эди-ки, синфда гуррос кулгу кўтарилди. Шу-шу у бола “бузоқ бош” – лақаби билан аталиб кетди. Бизнинг қаламга олаётган авлод ҳам бу мавзудан ҳоли эмас. Бир тўй арафасидами ҳайтовур, бирор маърақадами, одамлар гавжум жойда Сатторхон аканинг янгаси: - “Сен бола ҳўкиздай бўлиб болаларнинг тинчини бузаверма”, – деган экан, унинг бу гапини шўх йигитлар ҳазил қилиб, “исминг муборак бўлсин” – деб айтишганлар ва тўпланганлар кулгу қиладилар. Иккинчи ривоятга асосланса Сатторхон бобо бир ўртоғи билан Тошкент шаҳрида йўловчиларга зич тўла трамвайда кетаётганида эҳтиётсизликдан бир йўловчининг оёғини босиб олади, шунда йўловчи “ҳўкизга ўхшаб, оёғимни босиб олдингизку” - дейди, бу гапни Сатторхон бобонинг ўртоғи эшитиб “ҳўкиз бўлганинг муборак бўлсин” - дейди ва қишлоққа келгач, қишлоқ ахлига таратиб юборади. Шу - шу, бу авлод “ҳўкиз қараган” деган номга сазовор бўлади. Бу ном Исок невараси, Абдумавлон ўғли Саттархон бобо давридан бошланади.

“Ҳар қанча яшасанг ернинг юзида, одам ўғли бир - бирига меҳмондир”- деб қуйланади туркман классик шоири Маҳтумқулининг бир шеърида. “Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда” - деб қуйлаб ўтди бир машҳур хонандамиз. Ҳа, умр ўтмоқда, меҳмонга келдик, кетяпмиз. Ота – боболаримиздан биз қандай қадриятларимизни мерос қилиб олдик, биз унга нималар қўшдик, боболар тарихини биламизми? Болаларимизга аجدодларимиз ҳақида нималарни гапириб бера оламиз. Болаларимиз, неvara эвараларамизга гапириб беришга арзигулик нималар қоляпти бизлардан?

Қишлоғимиз тарихини яратиш борасида эзгу ишлар бошланган эди. Марҳум Тўхташ Мамаевнинг “Икон ва иконликлар” китоби кўп ва ҳўп меҳнатнинг самараси эди. Эндиликда ҳар бир авлод, ҳар бир оила ўз тарихини ёзиб, насларга қолдирса, ота - боболаримизнинг миллий тарбиямизга қўшган ибратли ишларини ўрганиш - заифлашиб бораётган имонимизни бутлашга ёрдам берамиди?

Қишлоғимизда Исоқ бобо авлодининг 2-3 кексалари авлод тарихини яратишдек хайрли ишга киришиб, авлоднинг анча мукаммал шажарасини ишлаб чиқишибди. Сулола тарихида ҳар бир инсоннинг ўзидан қолдирган яхши, ибратли ишларини қайд этишибди. Сулола тарихи шажарасини Дарҳон Мавланов, Азизхон Сатторхонов билан бирга тўплаётган Бахт Зуппарханов биз билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: “Беайб парвардигор, дейишади. Инсон борки, унинг камчиликлари, нуксонлари етарли. Лекин, одамдан факат камчиликларини ахтариб яшаш инсонийлик ҳисобланмайди. Факат салбий томонларини излаб, бир умр салбий фикрлар билан яшаш инсоннинг шахсий ҳаёти, соғлиги учун ўта зарар эканлигини илм - фан аллақачон исботлаган. Ижобий фикрлаш, факат яхши фикр, яхши ниятлар билан яшаш одамнинг бир умр яшириниб ётган имкониятларини очади, инсонни фаришта сифат одоб соҳибига айлантиради. Биз, Иконликларда эса айни ана шу ижобий фикрлаш хусусияти етишмайди”. Бахтнинг бу фикрларидан кейин машҳур бир ёзувчининг: “Мағрур жаранглайди инсон деган ном” деган сўзларини беихтиёр такрорлагинг келади.

ХОТИМА ЎРНИДА

“Ота-боболар арвоҳини ҳурмат қилмаслик, бориб турган ёввойилик ва имонсизлик белгисидир”, – деган экан улуғ рус шоири А. С. Пушкин. Бир пайтлари иймони қомил инсонларда – авлиёлар ватани бўлган қишлоғимизда бугун имон тушунчаси заифлашиб бораётгани сир эмас. Авлодлар руҳини ўйлаб турганимиз йўқ, бола отасига қўл қўтариб, ака – ука судлашиб ётибмиз. Бу ёввойилик, иймонсизлик белгиси эмасми?

XII асрда яшаб ўтган бобомиз Иконий айтганларидек:

Йиғлагил ўз ҳолинга бир дамки фурсатдир санга,
Бу тириклик бир яқин асири ғаниматдир санга.
Бу азиз жон ушбу танда беш кун меҳмон эрур,
Айрилиб кетса бу тандан жон мусибатдир санга.

Ўз-ўзимизни танишга бел боғлайлик!

АБДУМАВЛОНОВЛАР сулоласи

Абдумавлон аёли Убайда билан 7 ўғил 2 қиз тарбиялашган, улар жуда аҳил яшаганлар. Зур куч бўлиб деҳқончилик билан шуғулланганлар, тегирмонлари бўлган. Тегирмон ҳозирги кунгача Октепада сақланиб келинмоқда.



Сурагда: Абдумавлон бобо аёли Убайда она билан



Убайдо ая умрининг 30 йилга якин кисмини фарзанд устиришга бағишлаган. Шу замон нотинчлик кезларида ҳам шунча болани дунёга келтириб, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказишга қанчалар меҳр, қанчалар меҳнат, матонат керак.” Балли онахон. Жойингиз жаннатда бўлсин, илойим” - дегимиз келади.

Исоқ бобонинг энг кичик ўғли Абдумавлоннинг тунгич фарзанди Сатторхоннинг туғилган ва вафот этган йиллари маълум дейилди.

Абдумавлон бобонинг тунгич фарзанди Сатторхон 1896 йили туғилиб, 1974 йили 78 ёшида вафот этган. Мана шу далилга таяниб, биологик алгоритм усулига мурожаат қиламиз.


АБДУМАВЛОН ўгли Сатторхон (1896-1974)

Сатторхон Мавланов 1896-1974 йилларда яшаган, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланган. Ога – инига бир сўзли, талабчан, меҳрибон, маслаҳатгўй инсон бўлган. Авлоднинг катта – кичиги бу кишининг изидан чиқмаган. Шу бугунги кунда жуда ноёб бўлиб қолган ҳислат эгаси авлоди одамларига маслаҳатгўй, турли кескин вазиятлардан чиқишни сезгирлик билан кўрсата



оладиган шахс бўлган. Унинг гапи икки бўлмаган. У киши ўта баҳайбат танали бўлган, диний илмларни ҳам комил эгаллаган экан. Ундан ажойиб ҳикоятлар қолган.

Қўнлардан бир қўни у укаларидан бири Нусбат ака билан эшак-аравада даладан бирор нарса олиб қелишга бораётган экан. Нусбат ака эшак устидан, Сатторхон бобо аравада. Нусбат ака тўсатдан аравага



эргашаётган, худди ҳужумга тайёрланаётгандек ўз итига ўхшаш бир хайвонга кўзи тушади. Шу пайт эшак ғилт тўхтайтиди. Нусбат ака ҳарчанд қистамасин, эшаги юрмайди. Нусбат ака Сатторхон бобони огоҳлантирмоқчи бўлади, лекин у киши ҳам жавоб бермайди. Бир

сониядан кейин Сатторхон бобо “их” деб юришга буюради. Эшак юриб кетади. Уйларига келгач, карасалар ховлида итлари юрган бўлади. Нусбат ака бобосидан ит хакида сўрайди.

Бобо кулимсираб: - “Болам, у ит эмас, бўри эди. Мен дуо қилиб қайтардим” – деган экан. Яна бир воқеа. Бир кишининг оқ туясини қоракурт чакиб заҳарлаган.



*Суратда: Зуппархон бобо, Закирхон бобо.
Сапура она, Мадихон ота ўғли Аминжон, Руқия ая ва Сатторхон бобо.*

Туя оёқларини чўзиб сулайиб қийналиб ётган экан. Туянинг эгаси Сатторхон бобого мурожаат қилади. Сатторхон бобо дуолар ўқиб, “суф” деганида туя бошини кўтарadi. Яна бир “суф” деганида туя чўккалайди. Сатторхон бобо дуони тўхтатганида туянинг эгаси “яна битта суфлай қолинг” деб ялинади. Дуони ўз маромига етказиш қийинлиги оқибатидан Сатторхон бобонинг қулоқларидан қон чиқиб кетган экан. У кишининг яна бир хислати маълум, қураги ерга тегмаган полвон бўлган экан.

Сатторхон бобо 78 ёшида вафот этади, аёли Сағдот ая билан 4 фарзанд тарбиялаб, ўстириб вояга етказишган. Улар Файзулло, Сабринисо, Нарзулло, Ҳабибуллолар.



Сурагда: Закирхон бобо, Алихон бобо ва Сатторхон бобо.



*Сурагда: Хосият она, Барно тўти, Зулфинисо ая, Гулчеҳра тўти
Меҳри ая, Сағдот ая, Анзират ая, ва Оля ая.*

Сатторхон ўгли Файзулло Мавланов

Сатторхоннинг катта ўгли Файзулло 1918 йили Иконда туғилган. У ёшлик йилларини Октепада ўтказди. 1935 йили Тошкент педагогика билим юртида таълим олади. 1939 йили Совет армияси сафига чакирилиб, 1940 йили бетоблиги туфайли муддатидан илгари армия сафидан озод қилинади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида кишлок хўжалиги ишлари билан банд эди. 1946 йили Туркистон шаҳридаги чойхонада ишлади ва шу йили туркистонлик Саидгани кизи Соҳибжамолга уйланади. 1952 йили Туркистондан Иконга қўчиб келиб, сельпога шу йиллари кишлокларда фаолият кўрсатаётган савдо ташкилотига дўкончи бўлиб ишга киради. 1963 йилдан 1978 йилгача, яъни нафакага чиққунча “Партия 23-съезди” номли совхозда омбор мудири, комендант, пахта бригадири хизматида ишлади. Аёли Соҳибжамол уй бекаси. Улар олти фарзанд тарбиялаб, вояга етказишган, ҳамма болалари олий маълумот олишган.



Суратда: Файзулло бобо онаси ва оиласи даврасида

Соҳибжамол 1923 йил 21 мартда туғилиб 1983 йил 23 март куни вафот этган. Фарзандлари - катта кизи Мунаввар 1947 йил Туркистон шаҳрида туғилган. 4 синфгача Туркистон шаҳридаги В. И. Ленин номли

мактабда таълим олган. Кейин Иконга келиб ўрта таълим мактабини 1966 йили тамомлаб, Тошкент кишлоқ хўжалиги институти ўсимликларни ҳимоя қилиш факультетига ўқишга қабул қилиниб, 1971 йилда намунали диплом билан уни тамомлаб, Тошкент шаҳри Ленин районида ободонлаштириш бўлимига агроном бўлиб, иш фаолиятини бошлади. 1997 йилдан Тошкент шаҳар ҳокимиятига агроном мутахассислиги бўйича ишга ўтади. 2014 йил 24 апрель куни оламдан ўтди. 5 фарзанди бор: 3 ўғил, 2 киз.

Катта ўғли - **Румхон** 1950 йилнинг 21 мартда Туркистон шаҳрида туғилди. Ёшлиги Икон – Иботада ўтди. 1957-67 йилларда ўрта мактабда ўқиди. Мактабни тамомлагач, Навоий шаҳридаги Политехника Институтида 1 йил ўқиди. кейин Совет Армияси сафига чакирилди. Хизматни Украина шаҳрида ўтказди. 1972-77 йилларда Тошкент Медицина институтида стоматология факультетига ўқиди. Ўқишни тамомлаб, стоматология врачлари бўлиб кишлоққа ишга келди. Умрининг охиригача иконликларга ўз хизматини аямади. 2006 йилнинг 24 декабрида тўсатдан бетоб бўлиб, вафот этди. Унинг 4 фарзанди бор: 3 ўғил, 1 киз.

Иккинчи ўғли - **Руслон** 1952 йил 10 май куни Иконда туғилди. Ёшлиги Икон-Октепада бўлиб ўтди. 1959-69 йилларда ўрта мактабда ўқиди. Ўрта мактабни тамомлагач, 1969 йил Тошкент Автомобиль йўллари институтига ўқишга тушди. 1971-73 йиллари Совет Армияси сафига чакирилиб, хизматини Москва шаҳрида МВД қўшинларида ўтади. Хизматдан сўнг МВДга ишга кирди. 1975-80 йилларда Тошкент Давлат Университетининг юридик (ТАШГУ) факультетини ўқиди. У ҳаётини ички ишларда хизмат қилишга бағишлади. Оддий милиционердан майоргача кўтарилди. Қўрикчи, кидирув бўлимида хушёрхона мудирлари бўлиб ишлади. Тошкент шаҳар Ленин районида кидирув бўлимида, кейин Ҳамза районида хушёрхона бўлими бошлиғи бўлиб ишлади.

1997 йилдан нафақага чиққан, аёли Люба – рус кизи. 3 фарзанди бор: 2 ўғил, 1 киз.

Иккинчи кизи - **Рахбар**. 1956 йил 27 февралда туғилган, ёшлиги Икон – Октепада ўтган. 1963-73 йилларда Икондаги ўрта мактабда ўқиди. Мактабни тамомлагач, Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтининг физика факультетига ўқишга кирди. Институтни тамомлаб, Икондаги ВЛКСМ 50 йиллиги номли мактабда ёшларга таълим – тарбия берди. 40 йилдан ортиқ умрини ёшлар тарбиясига бахшида этган Рахбар 2014 йили нафақага чиқди. Турмуш ўртоғи Мамарайим Норметов билан 2 ўғил, 1 кизни тарбиялашди.

Кенжа ўгли - **Азизхон** 1958 йили Иконда туғилди. 1976 – 78 йилларда Совет Армияси сафида, Германиядаги Совет қўшинлари группасининг пиёда аскарлари сафида ҳарбийлик хизматини ўтади.

Хизматдан қайтгач, 1979-83 йилларда Халқлар Дўстлиги орденли Тошкент халқ хўжалиги институтининг савдо факультетига ўқишга кириб, 1983 йили тамомлади ва Эски Икон қишлоқ сельпосида дўконлар бошлиғи, омбор мудири, кассир, экономист бўлиб ишлади. Ҳаёт тақозоси билан шу даврларда кадрлар кискартирувлари бошланиб, у биринчилар қатори кискартирувга учради. 1995 йилда совхозда ҳар –хил хизматларда ишлади. Аёли Ойхон билан 2 та ўғиллари бор.



Кичик кизи - **Махфират** 1963 йили 17 мартда Икон қишлоғида туғилди. Унинг ёшлиғи Икон қишлоғида ўтди. 1970-80 йилларда Икон ўрта мактабини аъло баҳоларга тамомлаб, 1980-85 йиллари Тошкент чет тиллари институтининг инглиз тили факультетига ўқишга кирди. Олийгоҳни кизил диплом билан тамомлагач, шу институтда ўқитувчи бўлиб ўз фаолиятини бошлади. 1995 йилда Тошкент Алоқа министрлигигача ишга таклиф қилинди. 1997 йилда туризм фирмасига ишга таклиф қилиниб, ҳозиргача шу фирмада фаолиятини давом эттирмоқда. Махфиратнинг бир ўғил фарзанди бор, у Тошкент шаҳрида яшайди.

1. Мунавварда 5 фарзанд: 3 ўғил ва 2 киз бор . Элдор, Нилуфар, Фуркат, Қосим ва Нодира.
2. Румхонда 4 фарзанд: 3 ўғил ва 1 киз бор, яъни Махмуд, Максуд, Соҳибжамол ва Мухсин.
3. Руслонда 3 фарзанд: 2 ўғил ва 1 киз бор. Ислон, Мансур ва Севара.
4. Раҳбарда 3 фарзанд: 2 ўғил ва 1 киз бор. Феруза, Баҳодир ва, Нодир.
5. Азизхонда 2 ўғил бор: Нарзулло ва Баҳромхон.
6. Махфиратда 1 ўғил фарзанд бор: Куршод.

Сатторхон кизи Сабринисо 1923 йилда Иконда туғилган. Икки ўғил фарзанди бор: Бахор ва Гайрат. Ёшлиги Иконда, Октепада ўтди. 1941-45 йилларда механизатор бўлиб ишлаб, фронтга катта ёрдами теккан заҳматкаш аёл эди. Бахор ака Набихон кизи Анила билан турмуш қуриб, 4 ўғил ва 1 киз: Жаҳонгир, Гулмира, Фуркат, Суръат ва Элрухларни вояга етказишди. Гайрат Абдували кизи Санобатга уйланиб: 3 киз ва 1 ўғил: Дилмира, Илмора, Суннат ва Эллораларни дунёга келтиришди.

Иккинчи ўғли - Нарзулло 1928 йилда Иконда туғилган. Ёшлиги Иконда ўтди. 1943 йили ҳарбий хизматгага чакирилиб, фронтдан бир марта хат келди, орадан сал вақт ўтиб, қорахат келган. Агар бу ерда маълумот тўғри бўлса, бу ҳамқишлоғимиз ҳарбий хизмат ёшига етмасдан уруш қурбони бўлган.

Учинчи ўғли - Ҳабибулло 1930 йили 15 июнда Иконда туғилиб, ёшлиги шу қишлоқда ўтган. Мактабни тамомлаб, Тошкентга ўқишга борган ва техникумни тамомлаган. 1956 йили Дадахон кизи Тожинисога уylanган: 4 киз ва 1 ўғли бор. 1970 йилда Тошкент Давлат Университетини тамомлаб, Янгийўл, Олмалиқ шаҳарларида прокуратура ноиби, 1985 йилдан Олмалиқ шаҳар прокурори бўлиб ишлади. У 1990 йили вафот этди.

Катта кизи - Сарвоса 1958 йили 28 декабрда Янгийўл шаҳрида туғилди. 4 фарзанди: 2 ўғил ва 2 кизи бор. 1975 – 80 йилларда Тошкент адабиёт институтида ўқиди.

Иккинчи кизи - Умринисо 1961 йили Янгийўл шаҳрида туғилди. Унинг ёшлиги Янгийўл шаҳрида ўтди. 1965 – 78 йиллари ўрта мактабда ўқиб, имтиёзли баҳолар билан тамомлаб, 1978-84 йилларда Тошкент медицина институтида ўқиди. 2 фарзанди бор:, 1 ўғил ва 1 киз.

Учинчи кизи – Лола У 1962 йили 10 октябрда Янгийўл шаҳрида туғилиб, ёшлиги Янгийўл шаҳрида ўтди. 1969-79 йилларда ўрта мактабда ўқиди. 1979-84 йилларда Тошкент адабиёт институтида ўқиди. 4 фарзанди бор:. 3 киз ва 1 ўғил.

Кейинги кизи - Гулзода 1966 йили 2 февралда Янгийўл шаҳрида туғилиб, ёшлиги шу шаҳарда ўтди. 1973-83 йилларда ўрта мактабни имтиёзли диплом билан тамомлаб, 1983-87 йилларда Халқлар Дўстлиги орденли Тошкент халқ хўжалиги институтининг молия факультетида ўқиди. 3 фарзанди: 2 ўғил ва 1 кизи бор.

Ўғли Фарход -. 1972 йили 3 февралда Янгийўл шаҳрида туғилди, унинг ҳам ёшлиги Янгийўлда ўтди. 1979 – 89 йилларда ўрта мактабда ўқиди. 5 та фарзанди:, 4 киз ва 1 ўғли бор.

АБДУМАВЛОН кизи Чаманисо момо (1898-1965)

Абдумавлон бобонинг иккинчи фарзанди (қизи) Чаманисо момо Абдурахим ўғли Жаббархон бобога турмушга чикиб, 7 та фарзандли бўлишади. Улар: Тўркин, Ирисбек, Тожиғул, Султонбек, Ойсултон, Одилбек ва Олимбек. Бу сулола тўғрисида кейинги саҳифаларда тўлиғирок маълумот берамиз.



АБДУМАВЛОН ўгли Зуппархон бобо (1902-1972)

Исоқ бобонинг
невараси Зуппархон
бобо 1902 йили Иконда
туғилиб, шу ерда ўсиб-
улғайган. Унинг
мактабга бориб
ўқишига мумкинчи-
лиги бўлмаган, кун
қўриш илинжида ҳар
қандай юмушни
килаверган. Лекин, у
киши деҳқончилик
ишларини яхши
қўрган. Деҳқончилик,
сувчилик ишларини
яхши ўзлаштирган.




Қишлоқ қўламида сув оксоқоли бўлиб, кўп йиллари ишлаган. Ибота, Икон қишлоқлари атрофида оқин ва ёғин сувларнинг табиатда тарқалашини яхши билган. Чорвачиликни, жумладан отларга парваришини ҳам мукамал билган. Айтишларича, сув мироби пайтида қора тоғ томонидан келадиган ариқ сувини 45 км. олидан олиб келар, сув ёкасида бўлсаям ҳафталаб ётиб қолар экан.

Сувни отда юриб қўриқлаган. Ёғин сувлар табиатда ҳаракатининг аҳолига фойда ёки зиён келтириши мумкин бўлган сув йўлларини ҳам ёдида сақларди. 1964 – 1969 йиллари ёғингарчилик сероб бўлган. Икон қишлоғи аҳоли пунктига офатли оқибат бўлиши хавфи туғилган. Шунда, сув мутахассислари қишлоқнинг шу соҳа амалиётлари билан маслаҳатлашади. Шу вақтда фаолиятдаги №4 совхознинг бош гидротехниги А. Қўчқаров Зуппархон бобога мурожаат қилади. Табиий сувлар ҳаракат йўналишини яхши билган бобо сувларнинг оқар йўлини кўрсатиб берган. Унинг кўрсатган нуқталаридан тўпланган сувлар бўшатилган. Натижада аҳоли пунктлари айтарлиқ даражада зарар кўрмайди. Иконга келадиган сув манбааларидан деҳқончилик учун самарали фойдаланишда унинг кўмаги қишлоқ халқи учун катта бўлган.

Уруш йиллари фронтда ҳам қаҳрамонликлар кўрсатди. У 1942 йили армияга олиниб, уруш майдонларида иштирок этди. Унинг айрим жасоратларини айтиб ўтамыз. Зуппархон бобонинг оёғига ўқ тегиб, қўчма госпиталда даволаниб ётар эди. Бир кун бобо бешотар милтиққа суяниб оз-моз сайр қилади, шу пайт бир қора машина ўрмондан шитоб

билан чикиб келиб, тўхтайди. Машинадан 4 немис офицери тушади. Зуппархон бобо милтик ўкталиб, шахд билан қўл кўтаришларини буюради. Офицерлар жон ҳолатда қўл кўтариб, буйруқ кутадилар. Бобо уларни кучма госпиталь соқчиларига топширади. Бобонинг шу қахрамонлиги III – даражали “Слава” ордени билан тақдирланади. Бу орден 1967 йили унга тақдим этилган. У оёғи соғайгач, Польша, Чехословакия, Калининградни озод қилишда қатнашди. Қўрсатган мардлиги учун шу ҳарбий операциялардан кейин унга яна III-дар ажали “Слава” ордени тақдим этилди. 1943 йили иккинчи ўғил фарзанди туғилган эди. Абдумавлон бобоси чақалокқа Бахт деб исм қўйибди. Маъноси, отаси уруш майдонидан ғолибона, омон-эсон қайтиб келиб, бахтга эришсин деган ният экан. У 1945 йили ғалабадан кейин, бир қўли синган ҳолда она ватанига қайтди. Соғайгач, ўзи ёқтирган касби сув мироблигини давом эттирди.



Зуппархон бобо аёли Меҳри Муталиб кизи билан иноқ яшадилар. Нусбат ва Бахт деган икки бола ўстириб, вояга етказдилар. Меҳри опа илм олишга жуда ўч бўлган. У бошланғич синф болаларига муаллимлик қилган.

Зуппархон бобо аёли Меҳри опа

Меҳри ая 1905 йили туғилган. У 1927-30 йиллар оралигида Нўғай биби Хуршида аядан билим олади. Шу вақтларда Хуршида аянинг турмуш ўртоғи айрим сабаблар билан ўз юртига кетиб қолади ва ая ҳам бизнинг қишлоғимизни тарк этади. Устоз кетар олдида Меҳри аяга: “Сенинг саводинг чиқди, бошқа болаларга имкон қадар билим беришни сенга топшираман”, - дейди. Ана шу



вақтда 72 кунда Меҳри аянинг саводи чиққан экан. Шундан кейин, маълум бир вақтгача Меҳри аямиз қишлоқ болаларининг саводини чиқаришга ўз улушини қўшади. Унинг шогирдлари: Шомухтор Бойбеков, Хайри Собирова ва бошқалар... Меҳри ая ўқитувчиликдан сўнг қолхозда ишлаб юрган чоғларида уруш бошланиб кетади. Жаҳонни ларзага солган бу урушга эркаклар жалб этилди. Улар қаторида аянинг турмуш ўртоғи Зуппархон бобо ҳам бор эди...

Иконда Музроб қори деган динимизнинг билимдони бор эди. Исломи дини аҳкомларини яхши ўзлаштирган. Бобонинг эса умуман саводи бўлмаган, на ўқишни, на ёзишни билган. Лекин, амалда аллома даражасида зукко инсон десак, янглишмаймиз.

Бироқ, айрим муаммоли масалалар ечимида ўзига ишончсизлик бўлса, Меҳри ая билан бамаслаҳат иш тутар экан, ёки ечимини топа олмаётган масалалар бўлса, аяга йўллар экан. Демак, Меҳри ая билимдонроқ, илмлироқ бўлган бўлса керак, у кишидан.

Меҳри ая одамларга меҳрибон, инсонпарвар бўлган. Уруш йиллари боғчилик қилган, 18-20 болани ўз ҳисобидан бир маҳал иссиқ овқат билан таъминлаган. Аянинг ўзи гувоҳлик беришича, болаларнинг оналарига ҳам, болани олиб кетишга келганларида битта чинни пиёлада суюқ таом тамадди бериб турган. Кам даромадли оилаларга ун, мой, сут, қатик, сузма ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаб турар эди. Бундай аёлларни инсонликнинг олий мақомига тенглаштириш жоиз бўлади. Аянинг устозлик қасбини катта ўғли Нусбат ака ва невараси Мухтабар давом эттирдилар. Унинг қизлари ёшлигидаёқ вафот этганлиги туфайли ая уруш тугагач, болалар уйдан иккита ота-онаси йўқ қизларни олиб келиб боқади. Онахон ҳар иккала қизни меҳр билан

тарбиялаб, вояга етказди ва уларни ўзи турмушга беради. Бу кизларидан ая ўн саккизта неvara кўради. Ўзининг фарзандларидан таркаган набиралар ва кизларнинг фарзандлари шу кунгача борди-келди қилишади, яъни оға-инилик ришталари узилмаган. Меҳри аянинг болаларга сингдирган инсонийлик тарбияси ўз меvasини бераётир, десак муболага бўлмас. Ая 1998 йили вафот этган.

Зуппархон бобонинг мохир бободехқонлигига мен бир чоғлари гувоҳ бўлган воқеани эслаб ўтай. 1965 йили эди. Зуппархон бобонинг жияни, ота томонидан қариндоши ҳам бўлган Султонбек Жаппорхонов, олийгоҳдан келгач, пахтачилик бригадири бўлади. Далачиликдан тажрибаси кам бўлган Султонбек, у кишини ишчи-маслаҳатчи сифатида ишга келишини илтимос қилади. Нафақадалигини рўқач қилса ҳам, Султонбек ака ундайверади. Бобо ноилож ишлашга кўнади. Мен ҳам шу бригадада ишчи эдим. Зуппархон бобо деҳқончиликни яхши билар экан.

Экин-тикин ишлари унинг назорати остида бўлди. Барча агротехник тадбирлар унинг кўрсатмаси билан амалга оширилар эди. Айниқса, суғориш ишларида маслаҳатлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. Натижада, кузда пахтамизнинг ҳосили қишлоқдаги №4 совхозда энг юқори кўрсаткич бўлибди.

Султонбек ака келаси 1966 йили бир бўлимга катта агроном этиб тайинланди. Бу тайинланиш Зуппархон бобонинг Султонбек акага устозлик қилгани, деҳқончилик сирларини унга сингдириш натижаси бўлса керак. Зуппархон бобо саводи унча бўлмаса-да, деҳқончилик ишларини олимларча фаҳмлаган одам эди. Бу фаҳм- фаросатни унга табиат ато этган бўлса, не ажаб. Шу жиҳатлари уни улўғ ўтмишдош мироб, зироатчи боболаримизни бизга эслатади. Масалан, у бизга шундай сўзларни айтган эди: Пахта экини: “Ёнимда қўшним бўлмаса, тепамдан соя тушмаса” – дер экан. Демак, деҳқон сифатли ва мўл ҳосил олмакчи бўлса, у ўсимлик қалин бўлмаслик керак, ёввойи ўтдан тоза бўлиши, ер бой бўлиши учун доим ишлов бериш керак. Бу оддий ва камтар деҳқоннинг сўзи ҳозирги кунда ҳам долзарб.

Зуппархон ўгли Нусбат

1925 йили Иконда туғилган. Шу кишлоқда ўрта мактабни тугатгач, хар турли юмушларни ишлаб юрди. От-аравада турли юкларни ташиб, от билан эгат олиш, пахта экиш, пахта юмшатиш ишлари билан банд бўлди. 1945 йили армияга олинди. Хизмат чоғида харбий командирлар уни К. Ворошилов номидаги академияга ўқишга таклиф қиладилар. Шу академияга кириб 1,5 йилча ўқигач, у ердан кетишга мажбур бўлади. Сўнгра, Ленинград педагогика институтининг физкультура



куллиётига ўқишга кириб ўқийди. Бироз ўқигач, Иконга қайтади. Иконда жисмоний тарбия фанидан бошланғич синфларга дарс беради. Шу ишда 20 йилча ишлайди. Кейин мактаб –интернатда нафақага чиккунга қадар хўжалик ишларида ва шу ерда моддий таъминотчи вазифасида ишлади. Нусбат ака моҳир педагог бўлиб етишди. У меҳнаткаш инсон эди, кўп йиллар давомида пилла хом ашёсини етиштиришда оиласи билан фидокорона меҳнат қилди. Пилладан мўл ҳосил олиб, вилоят микёсида донг таратган. Давлат томонидан Ҳурмат грамоталари билан бир неча марта тақдирланади. У ўзининг ёш авлодга устоз бўлганидан фахрланиб юрарди.

У оила қуриб, биринчи аёли Маликадан Раъно, Сабритдин ва Барно исмли 3 фарзандларини вояга етказди. Ҳозир улар оилали, бола - чақали бўлишган. Малика ая касаллиги туфайли оламдан ўтгач, Нусбат ака Ҳосият аяга уйланади. Ундан 6 ўғил ва 1 кизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказадилар. Улар ҳам оила қуриб, бинойидек яшаб кетганлар.

Нусбат ака оилапарвар, меҳрибон ота эди. Фарзандлари қобил, меҳнаткаш бўлиши учун куч-жигарини аямади. Ҳаммасига бирдек муомала қилди. Ўзбек халқи: болажон - халқ, ўнга бўлса, ўрни бошқа, киркта бўлса қилиғи бошқа деб алқайди.

Қизи Раъно 1952 йили туғилган, турмуш ўртоғи Матай билан 2 ўғил ва 2 кизини тарбияламоқда.



Суратда: Нусбат ака, Меҳри ая, Бахт ака ва Сабритдин ака.

Ўғли Сабритдин 1953 йили туғилган, ҳайдовчилик касбида ишлайди. Аёли Тўраш билан 4 киз ва 1 ўғил тарбиялашган. Ўзининг шахсий (ағдаргичли) автомобилида оила тебратди.

Кизи Барно 1955 йили туғилган. Умр йўлдоши Абдураим билан 3 ўғил тарбиялаб вояга етказишган.

Аъзамжон 1960 йили туғилган. Сув мироби. 4,8 га ерда касбкор ҳам. Турли кишлок хўжалиги экинларини экиб, ҳосилидан фойдаланади. Аъзамжон ҳақида бир кизик воқеани эслаб ўтишга тўғри келяпти. Аъзамжон ўтган асрнинг 90-йиллари “Икон” хўжалиги идорасига коровул- назоратчи бўлиб ҳам ишлади. Оилавий моддий шароити кийин ҳолда бўлиб қолади. Бу пайтлар, совхоз ишчилар комитети кам таъминланган оилаларга совхоз томонидан моддий ёрдам кўрсатилиб турилар эди. Лекин, унинг илтимосини бош ҳисобчи – яъни жавобгар шахс рад қиларди. Бундай ёрдам ишсизга, кун кўриши ночор оилаларга бериларди, сенга бу мумкин эмас, тўғри келмайди, деб уни ишонтирди. Аъзамжон бир куни идора столидаги ёзиғлик қоғозга кўзи тушади. Қараса, навбатдаги ўша моддий ёрдам кўрсатиладиган ишчилар рўйхати экан. Бунини қарангки, рўйхат бошида Аъзамжонга “сенга мумкин эмас” деган бош мутахассиснинг фамилияси битилган экан. Аъзамжон у кишига “сизга мумкин экан у, нима учун менга мумкин эмас экан” – деб ўша рўйхатни шама қилади. Бош мутахассис

талвасага тушади. Уларнинг бу вазияти Аъзамхон бошлиғу, у оддий ишчини эслатади. Ана шундан кейин Аъзамхонга моддий кўмак бериладиган бўлди. Бу воқеани эслаш жилла бўлмасада, ҳар ҳолда ҳалолликда эътиқоди суёт бандалар ҳар даврда, ҳар хил шароитда ҳам бўй кўрсатиб турар экан-да, - деган ўй келди менга. Аъзамхон аёли Тожинисо билан 2 ўғил фарзанд вояга етказдилар. Иномжон 1985 йили туғилган, Яхшилик эса 1988 йили дунёга келган.

Кейинги ўғли Неъматжон 1962 йили туғилган, механизатор, электрик касби бўйича мутахассис. Аёли Хожи кизи Раъно билан 2 ўғил ва 1 киз тарбиялашмоқда.

Раимжон исмли ўғли 1964 йили туғилган. Оиласи Ирискул кизи Лола билан Тошкент шаҳрида яшайдилар. Электрик касбини эгаллаган. Умр йўлдоши Лола билан 2 киз тарбиялашган.

Ғофуржон 1966 йили туғилган. У 3,2 га ерда деҳқончилик қилади. Тошкентдаги электро техникумини тамомлаган. Аёли Мопон билан 2 ўғил ва 2 киз тарбияламоқда.

Орифжон ўрта мактабни тамомлагач, Тошкент вилояти Қибрай туманидаги механика техникумини тамомлаган. Турмуш ўртоғи Гули билан 2 ўғил ва 2 кизни тарбиялашмоқда. Орифжон Иконда гидротехник бўлиб ишлайди.

Гулноз кизи 1971 йили туғилган. У уй-рузғор ишлари билан банд, турмуш ўртоғи Қувонч шарафли касбида меҳнат қилади, улар 4 киз фарзанд ўстирган.

Кенжа ўғли Султонхон оила қургандан сўнг, автоҳалокат туфайли вафот этди.

Зуппархон ўғли Бахт 1943 йили Икон қишлоғида оддий деҳқон оиласида туғилган. Онаси Меҳри опа диний саводи юқори бўлган. Бахт 1960 йили Иконда ўрта мактабни тамомлади. Шу йили Тошкент қурилиш техникумига кириб, 2,5 йил давомида таҳсил олиб, уни тамомлади. Кейин физкультура институтига ўқишга кириб, 1,5 йилгина ўқиди. 1965 йили Иконга келиб, шу пайтларда Икон қишлоғида фаолият юритаётган “ПМК - 4” да ўз мутахассислиги бўйича ишлай



бошлади. Сўнгра, 1972 йилгача Ю. А. Гагарин номли мактабда хўжалик ишлари бўйича мактаб директорининг ўринбосари бўлиб ишлади. 1972 йилдан то 1986 йилгача спорт соҳасини бошқариб, спорт методисти бўлиб фаолият юритди. 1989 йилдан 2006 йилгача, яъни нафақага чиққунча фукаролик мудофаа ишлари хизматини бажарди.



Суратда: Бахт ака онаси ва оила аъзолари даврасида.

Бахт ака умр йўлдоши Сахро ая билан (1948 йили туғилган) 3 ўғил ва 3 қизни вояга етказдилар.

Ўғилларидан каттаси Шарифжон - қурилиш ишининг маҳоратли мутахассиси. Аёли Насиба билан 3 қиз ва 2 ўғил ўстирмоқдалар. 1 ўғли Жасур Туркистонда спорт мактабида, кизи Ленера эса Кентов шаҳридаги тиббиёт коллежида ўқидилар. Қолганлари мактаб ёшидалар.

Иккинчи ўгли Муроджон - тракторчи. Қишлоқ хўжалиги ишларини бажаради. Аёли Зулхумор билан 2 ўғил ва 1 киз тарбиялашади.

Кенжаси Зуппархон ўзи билан бирга туради, унинг 3 ўғил ва 1 кизи бор. Аёли Наргиза кенг феълли инсон.

Бахт аканинг катта кизи Мухтабар Тўраҳон билан турмуш қуриб 2 ўғил фарзанд тарбиялашмоқда, кишлоғимиздаги “Икон” умумий ўрта мактабида бир неча йилдан бери устозлик қилади. Ундан кейинги кизи Санобар уй бекаси. Кенжа кизи Шахноза эса ҳозир дала ва уй ишлари билан шуғулланади.

Бахт Зуппархон ўғли ўзига топширилган ҳар қандай ишни сидқидилдан адо этарди. Масалан, кишлоқда спорт услубиятчиси вазифасини бошқараётган пайтда, ишига ижодий назар билан ёндашган. У пайтлар спорт мусобақалари шаҳар территориясида, яъни шаҳар даражасида ўтказилар эди. Кейинчалик Бахтнинг аканинг сазъ – ҳаракатлари билан туман миқёсида ҳам, яъни кишлоқлараро мусобақалар доимий турда ўқазиладиган бўлди, спорт мусобақалар туманаро – оммавий тус олди. 1-2 йил туман биринчилигига қатнашиб юриб, секин-аста Икон спортчилари юкори поғоналарга қўтарилла бошладилар.

Ўрта мактабда анча тажриба орттирган иктидорли болалар мавжуд спорт турлари бўйича унчалик кийналмасдан спорт маҳоратига эришар эдилар. Бунда, албатта Бахт аканинг моҳирлик билан олиб борган машқлари ўз натижасини берарди.

Унинг тарбиялаган командалари туман, вилоят, республика миқёсигача мусобақаларга иштирок этиш шарафига муяссар бўлганлар. Эркин курашдан вилоят ғолиби, оғир атлетикадан, ҳатто республикада III ўрингача қўтарилган эди.

Бахт ака халқ хизматига бел боғлаб киришадиган, кишлоқнинг обрўли кишиларидан бири. 14 йил маҳалла комитети раиси бўлиб ишлади. Маҳаллада катъий тартиб ўрнатиб, оиладаги мажороли масалаларга араллашиб, одилона маслаҳатлар бера оладиган, йиғинларда исрофгарчиликка йўл қўймайдиган маҳалла комитети раиси сифатида яхши ном қолдирган. Афсуски, ҳозир Бахт Зуппархоновнинг иш тажрибаси эътиборсиз қолиб, ўзи маҳалладаги ишни йиғиштириб қўйган.

Лекин, халқимизаро удумларимизнинг ноўрин тус олиб, урф бўлаётгани Бахтнинг қалб безовталигини оширмоқда.

Бахт ака Зуппархонов китоб чоп этилиши арафасида 2018 йили 30 апрель куни оламдан ўтди.


АБДУМАВЛОН ўгли Зокирхон (Бўлтой) Мавланов (1905-1973)



Абдумавлон ўгли Зокирхон (Бўлтой) Мавланов 1905 йили Эски Икон қишлоғида хизматчи оиласида дунёга келган ва эски мактабда таълим олган. 1931 йили Тошкент шаҳридаги педагогика билим юртида ўқиб, сўнгра Бухородаги хотин-қизлар билим юртида дарс берди. Босмачилик даври бўлгач, у ҳам уларга қарши курашган. 1941

йили Тошкент шахрида бир йиллик клуб ишчиси курсини тамомлаган. Шу йили ёш навкирон йигит Ватан мудофаасига кетади ва 1944 йилгача дунёни ларзага солган конли жанг майдонида халкимиз тинчлиги йўлида хизмат қилади. У 39 ёшида уруш фожиасининг тирик гувоҳига айланди, бир оёғи тиззасидан жудо бўлиб, урушдан I- гуруҳ ногирони бўлиб қайтди. Кейинчалик Калинин номли партия комитети секретари, мактаб интернатида секретарь бўлиб ишлади. Бўлтой бобо яхши боғбон ҳам эди. У кўп йиллар давомида ҳамкишлокларига катта миқдорда текин кўчатлар тарқатиб, кишлокда боғдорчиликнинг ривожланишига муносиб ҳиссасини қўшди. Бу ерда оз-моз номлар, исмларда ноаникликлар бор. Шуни ҳурматли ўқувчилар ёдига солиб кетсак. Зокирхон бобо исмига яна “Бўлтой” деган ҳам исм қўшилган. Одамларнинг исм- шарифларини аниқ ҳужжатлаштиришга илгарилари унчалик аҳамият беришмаган. Ҳозирги пайтларда ҳам ноаникликлар учраб туради. Масалан, расмий ҳужжатда бошқа исм, одамлар орасида муомалада бошқа бўлиши мумкин. Бунинг сабаблари бор. Айрим ҳолатларда, расмий ҳужжатдаги исм ёзиғлик бўйича қолади, кундалик муомалада ота-онаси ёки бирон яқин оға-иниси эрқалатибми ёки ҳазиллашибми, бошқа бир ном билан айтиб юрса, бола номи шу атов билан қолаверган, баъзан. Ҳозиргина ўрганилаётган Зокирхон бобомизни “Бўлтой” бобо десаккина, яхши тушунилади. Сабаби, Зокирхон бобо гўдаклигидаёқ бошқаларга нисбатан танали бўлиб ўсган, шунинг учун уни янгалари “Бўлтой” деб атаган эканлар. Шундай қилиб, эларо шу исм тарқалиб кетади. Зокирхон бобонинг ҳаётга иштиёқи жуда кучли бўлган. Ҳар қандай оғир шароит юзага келса ҳам, тушқунликка тушмаган. Ялқовлик нималигини билмаган. Бўлтой бобо урушдан қайтгач, 1944-45 йиллари отасининг катта оиласидан бўлак чиқишга шошилади. Бунинг учун бошпана керак. У кўп ўйланмасдан шу пайтларда урф бўлган “чизма кесак” деган атовда девор ёпадиган “ғишт” тайёрлашга киришади. Кесакни тайёрлаш жараёни мутлако сермехнат ва оғир юмуш бўлган. Бунинг учун кетмон билан ерни чуқур қилиб юмшатиш, кейин тахминан 20 x15 кв.м. ерга пакирлаб сув қуйиш, юзага келган лойни ахтариш, лой селгигач, уни тепкилаб пишитилади ва лой оз-моз қуригач, керакли нусхада чизиб чиқилади. Сўнг кесаклар қурук ҳолга келгач, уни кўтариб қирраларини текислаб ва ҳоказо юмушларни бажариб, уй деворини ёпади. Бўлтой бобо ногирон бўлишига қарамасдан, ана шу жараёнларни битта ўзи бажарган. Ҳатто, лойни пишитиш учун шу даврларда баъзи уйларда қўл тегирмон тоши бўларди, унинг оғирлиги бир пуд келарди. У киши бу тошнинг дон солиб туриладиган бўғзига ғўла сукиб, лойни шу тегирмон тош билан пишитган экан. Кейин имконияти етгунча яшаб туриш учун бошпана

куриб олган экан. Унинг айрим бажара олмаган ишларига қўшниси Жунаев Камол ака кўмаклашиб турган. Бултой бобо Рукия ая билан Мадихон, Дархон, Кувонхон исмли учта фарзанд устирдилар, улар ҳам оилали, бола -чакалик бўлишган.



Бултой бобо 1973 йили оламдан ўтди. Бу ерда таржимаи ҳол билан боғлиқ тарихийлик кўзга ташланади. Бундан тахминан 70 йил муқаддам ҳаёт кечириш жараёни нечоғлиқ оддий, кийин ҳолда-ю, ҳозирги турмушнинг техник қулайлигини тасаввур қилиб кўринг. Биз шу давр ҳаёт кечириш учун уринишларни Бултой бобо мисолида кўрдик.

Зокирхон (Бўлтой) ўғли Мадихон Мавланов

Яхшидан ном қолади

Эски Икон
кишлоғининг
хурматли
инсонларидан бири
Мадихон ака
Мавланов ҳаёт
бўлганида бу йил 83
ёшга тулган бўлар
эди. Унинг
фарзандлари
отасининг хотирасига
бағишлаб йил
давомида катор
тадбирлар ўтказиб
келадилар.
“Туркистон - Насия”
банкнинг бошлиғи
Раҳмон Мавланов
отасининг ҳурматига
хонадонида мавлуд
ўкитади, чиройли
безатилган календарь
ишлатди, кишлоқда
спорт
мусобақаларини
ўтказиб келади.



“Мадихон Мавланов замондошлари хотирасида” деган мавзуда китобча тайёрлашни мақсад қилган ва шу мақсадига эришди.

Инсон ёши улғая бора, ўзининг ўтмишини – юз кўришиб турган кишиларини тез-тез эслайверар экан. Ҳаётимизнинг кеча ўтган бир куни бугун тарихга айланади. Зеро, тарихимизни эслаб туриш ўзимизга, ўзлигимизни англаш учун зарур. Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган ҳамкишлоғимизни яхши билардим, у билан кўп бора мулоқотда бўлганман. Мадихон ака мулоҳазали, самимий, камтар, ишчан инсон, ибратли оиланинг фарзанди эди.

Мавланов Мадихон Зокирхон ўғли 1935 йили 23 февралда Жанубий Қозоғистон вилояти, Туркистон шаҳри Эски Икон

кишлоғида зиёли оилада дунёга келди. Отаси Зокирхон бобо, онаси Рукия момолар замонасида кишлокка ўрнатилган мактаб оқил ва саранжом одамлар эди. Зокирхон ота ўқитувчи бўлиб, болалар уйида тарбиячилик қилган, ўз болаларининг ҳам илмий одамлар бўлиб етиштирилишига эътибор бериб, уларга имконият ва шароит яратган. Болалари қобил фарзандлар бўлиб ўсдилар...

СОБИТ КАДАМ КАСБКОР

Мавланов Мадихон ака 1942-52 йиллари Икон кишлоғидаги ўрта мактабни тамомлади. Кейин Тошкент Қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга кириб, уни 1957 йили имтиёзли диплом билан тугатади. Сўнг она кишлоғига, ишлаб чиқаришга йўлланма олади. 1957 йили фаолиятда бўлган К. Маркс номидаги колхозда оддий ҳисобчи бўлиб ишлай бошлади. 1958-62 йиллари хўжаликнинг бош иктисодчи вазифасига тайинланди.



Мадихон ота дўстлари Амирдин ва Султонбек оталар билан

1962 йили мазкур колхоз базасида хўжалик қайта ташкиллаштирилиб, совхоз хўжалиги фаолият бошлади.

Совхоз, асосан пахта хом-ашёсини етиштиришга ихтисослаштирилган эди. Қишлоқ атрофидаги ўн минг гектарга яқин янги ер ўзлаштирилиб, пахта ўстиришга мослаштирилди. Давлат томонидан бажарилган бу ишлардан ташқари, шу ер қўламига яраша, хўжалик учун керакли янги техника билан ҳам таъминлади. Қарабсизки, Икондаги бу хўжалик мулки ва иш ҳажми жиҳатидан бутунлай янги ва қудратли хўжаликка айланган эди. Бунинг сабаби,

бизнинг заминга Орис-Туркистон канали таширф буюрган эди. Демак, ўзлаштирилган ер майдони сув билан таъминланади. Бу орада туртинчи сонли совхозга КПСС XXIII съезди номи берилди. М. Мавланов шу совхозга бош иктисодчи этиб тайинланди. Совхозда аввал 3 пахтачилик бўлими, кейинчалик яна бир пахта бўлими ҳамда бир чорвачилик бўлими ташкиллаштирилди. Куряпсизми, бу дегани хўжаликни режалаштириш иши янгидан бошланди, -деган сўз. Мадихон ака иктисодий ҳисоб-китоб ишини аксотмаслик учун кеча – кундуз тер тўкиб, меҳнат килди.

Бу кийин ишни шараф билан адолади, ҳам. Демак, совхоз курилишининг тамал тошини қўйганларнинг бири Мадихон акадир. Шундай қилиб, у умрининг охиригача, 1962 йилдан 1983 йилгача совхозда бош иктисодчи вазифасида ишлади.



Мадихон ота ҳамкасби С.Т.Ли билан Сочида. 1974йил

ЎЗ КАСБИНИНГ ЖОНКУЯРИ

Унинг шу 20 йилдан зиёдрок вақт мобайнида иш натижалари, бошқа кўзга ташланиб турган ҳўжаликлардан анча мукаммал ва ибратли эди. Айникса, янги совхоз иктисод нормаларини тартибга келтиришда, йўлга кўйган тавсия ва амалий ишлари, қоидалари мутахассисларга дастурил амал бўлди.

Юқори поғоналардаги, хусусан, туман, вилоят, республика миқёсидаги раҳбарлар уни муносиб тақдирладилар. У иттифок даврининг бир неча рағбатлантириш мукофотларига ноил бўлди. Жумладан, ВДНХ нинг бронза медали, тўққизинчи беш йиллик зарбдори, Социалистик мусобақа ғолиби каби унвон ва медаллар билан тақдирланди. Юртимизнинг иктисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшаётганлигини ҳисобга олиб, 1975 йили “Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган иктисодчи” унвонига сазовор бўлди. Бир неча бор кишлоқ ва туман советининг депутати бўлди. Мана, англаётганимиз Мадихон ака ўз касбини сидқидилдан адо этган.



*Суратда: Одилбек ака, Қувонхон ака,
Файзулло ака, Нусбат ака фарзанди билан, Султонбек ака ва Мадихон
ота*



1984 йил май ойи



Тежамкорликдан фаровонликка

Албатта, ҳар бир касбнинг ўзига хос кийинчиликлари, муаммолари, қувончлари борлиги маълум. Ўтган асрнинг 60 йилларида совет ҳўжаликлари иктисодий ривожланиши шаклланган бўлиб, қатъий қонунларга таянган ҳолда кечарди. Олийгоҳлар ҳўжаликларнинг ишини бошқара оладиган турли соҳаларга керакли мутахассисларни тайёрлаб берар эди. Ўзи танлаб олган соҳа илмини институтда яхши эгаллаган Мадихон ака ҳеч қийналмасдан, аввал қолхоз, кейин совхоз иктисодини бошқара олди. Бу соҳадаги тажрибали, маслахатгўй мутахассисларнинг ҳам қўмағи қатта бўлди. Унга айниқса, Баҳриддин ака Эрметов, Алиҳон ака Муслимов, Шаҳоб ака Шарапов, Қодир ака Ирисметовларнинг устозлиғи жуда асқотди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, у киши фақат иктисодий фойдани ҳўжалиқ фойдасига қилмади. Шу йиллар (1962-83 йиллар) давомида қишлоқ меҳнатқашларининг турмуш даражаси анча , яхшиланди, фаровонлашди, халқ даромадли бўлди. Қишлоқнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Шу йиллари яхши спорт мажмуаси, қасалхона, маданият саройи, янги мактаб қурилиб, ишга туширилди. Албатта, бундай қўламдор қурилишлар, қишлоқ меҳнатқашларининг меҳнатга ташналигининг ва ҳўжалиқ раҳбарлари мақсадининг ифодаланишидир.

Инсофли ва меҳрибон уй бекаси



Суратда: Мадихон отанинг турмуш ўртоғи Сапура ая

Мавланов Мадихон ака улкан пахтачилик совхози бош иктисодчиси бўлишига қарамасдан, айримлар ўйлагандек, оиласи тўқис яшамас эди. Оила шароити етишмовчиликлардан ҳоли бўлмаган. Бу ерда унинг умр йўлдоши Сапура аянинг оилапарварлигини айтиб ўтиш жоиз. Сапура ая кенг феълли, тadbирли аёл эди. Ҳар қандай қийинчиликларга сабр – токатли бўлган. Умр йўлдошига елкадош эди. Етишмовчиликларни унинг юзига солмади. Қайтанга кам- кўстини хаспўшлаб, оила сардорини ташвишлантирмай, ўз меҳнатига осойишта киришаверишига шароит туғдиришга ҳаракат қилди. Боридан керилмади, йўғидан зорланмади. Сабрли эди. Болалари одоб-ахлокли, ўқимишли бўлишида унинг ҳиссаси катта бўлди.

Фарзандларининг ҳаммаси зиёли

Мадихон ака билан Сапура ая олти ўғил ва бир қизни тарбиялаб вояга етказдилар. Фарзандларининг ҳаммаси олий маълумотли, уйли-жойли, турли соҳаларда меҳнат қилмоқдалар. Фарзандлари Аминжон, Рашиджон ва қизи Хайринисолар педагоглик ҳасбини танлаган. Раҳмонжон ҳисобчи, Тошкент халқ хўжалиги институтини битирган. Гуломжон ва кенжа фарзанди Бобожон эса Тошкент кишлок хўжалиги Ирригациялаш ва механизациялаштириш институтини тамомладилар.

Аминжон Мавланов- Мирзо Улугбек номидаги Фарғона Давлат Педагогика институтининг физика факультетини тамомлаган, педагогика фанлари номзоди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси таълим вазирлигида бўлим бошчиси бўлиб иш юритмоқда. Умр йўлдоши Ирислик Абдуҷаббор қизи билан Элнура, Лазиз, Отабек исмли 3 та фарзанд тарбиялашиб, ширин-шакар невараларининг суюкли бува ва бувижонлари.





*Сурагда: Руқия ая, фарзанди Қувонхон, келини Озода ва невараси
Аминжон*



Тошкент. Аминжон хонадониди



Суратда: Аминжон Мавлановнинг кизи Элнура оиласи даврасида

Қизи Элнура Темирбой ўғли Мухторжон билан турмуш куриб, икки киз ва бир ўғилни вояга етказиб, тарбияламоқдалар. Элнура Халқлар дўстлиги орденли Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтини тамомлаган.

Ўғли Лазиз Тошкент Қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаштириш институтини тамомлаган. Биринчи турмуш ўртоғи Адолат билан Сарвар исмли ўғил фарзанд кўрдилар. Турмушлари ўхшамагач, ажрашишдилар. Китоб чоп этилиши арафасида Тошкент вилояти Пскент шаҳрида истикомат қилган Нурмуратов Ҳайдар кизи Дилафруз билан иккинчи бор тушмуш кўрдилар.

Отабек Тошкент Молия институтини тамомлаган. Турмуш ўртоғи Умидахон билан икки кизчаларини: Ёъзозахон ва Иймонахонларни тарбияламоқдалар.

Рахмонжон Мавланов Икон кишлоғидаги КПСС 23-съезди номли совхозда 1985 йилдан иктисодчи 1988-1995 йиллари бош иктисодчи бўлиб ишлаган. Кейин ширкат раиси бўлди.



Рахмонжон Туркиянинг Стамбул шаҳрида. 2014й.



Рахмонжон оиласи даврасида. 2014й.



Тошкент. Гуломжон хонадони

01/01

Бугунги кунда “Туркистон - Насия” шерикчилик банки раиси. Анча иктидорли мутахассис. Умр йўлдоши Махбуба билан тўрт фарзанд тарбияламоқдалар.



Бухорога саёҳат (марҳум дўсти Холдин билан)

Китоб чоп этилиш арафасида, яъни 2018 йили 13 август – 1 сентябрь оралигида Махбуба ая Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара Ҳаж сафарига бориш бахтига муяссар бўлди.



Тунғич фарзанди Дилшоджон 1986 йили туғилган. Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаб, Ўзбекистон миллий университетида катта ҳисобчи бўлиб ишлайди. Холдин кизи Дилдора билан турмуш қуриб, Ирода ва Маржона исмли кизлари бор.



Кейинги фарзанди Дилбекжон 1988 йили туғилган, Чимкент университетини тамомлаган, ҳозирги кунда тадбиркор. Анвар кизи Шахло билан турмуш куриб, Сардор ва Диёр исмли фарзандларини тарбияламоқдалар. Бугунги кунда Чимкент шаҳрида истиқомат қилади.



Кейинги фарзанди Зоҳиджон 1990 йили туғилган, Чимкентда олийгоҳни тамомлаб “Туркестан - Насия” банкида фаолият юритмокда. Туражон кизи Нуринисо билан турмуш куриб, Мадина ва Шодиёна исмли қизларини тарбияламокда.



Кенжа фарзанди
Жамшиджон М.Ауезов
номидаги университетнинг 1-
курс талабаси.



Мадихон ўгли Мухторжон Мавланов оиладаги учинчи фарзанд. У 1964 йили 25 январда туғилган. 1971 йили Ю.А.Гагарин номидаги ўрта мактабга кадам ранжида қилган. Мухторжон мактабда аъло баҳоларга ўқиб, мактаб жамоат ишларига фаол иштирок этиб юарди. Афсус, шум ажал уни 9-синфда ўқиб юрган чоғида – 1979 йили 23 декабрь куни 15 ёшида орамиздан эрта олиб кетди.





Сурагда: Мухтаржон, Мадихон ота, Бобожон 1978 йил



Рашиджон Мавланов Халқлар Дўстлиги ордени Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтининг физика ва информатика факультетини тамомлаган. Қишлоқдаги Аҳмад Яссавий номи умумий ўрта мактабида физика ва информатика фанларидан сабоқ беради, олий тоифали устоздир. Оилали, умр йўлдоши Абдухон кизи Венера билан уч фарзанд: ўғиллари Аброр ва Аскар ҳамда кизи Севараларни оқ юзиб, оқ тарамоқдалар. Рашиджоннинг турмуш ўртоғи Венера шу мактабнинг тарбия ишлари бўйича мактаб директорининг ўринбосари бўлиб ишлайди.

Тўнғич фарзанди Мадиханов Аброр П. Ф. Боровский номидаги Тошкент медицина коллежини битаириб, бугунги кунда Х. А. Яссавий номидаги Қозок – Турк университетининг медицина факультети талабаси, келажакда врач мутахассислигини эгаллайди.



Рашиджон, турмуш ўртоғи Венера, фарзандлари Аброр ва Севара

Кейинги фарзанди Мадиханов Аскар Жанубий Қозоғистон педагогика университетининг ҳисоб ва аудит факультетини кизил диплом билан тамомлаган. Бугунги кунда “Assessment Center Group” ЧЖХ да баҳоловчи бўлиб ишламоқда. Қизи Севарахон Х. А. Яссавий номли умумий ўрта мактаб ўқувчиси.



*Мадиханов Асқарнинг диплом олиш маросими.
Чимкент шаҳри. 2017йил.*

Мавланов Ғуломжон Тошкент кишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаштириш институтини тамомлаб, бугунги кунда Тошкент шаҳрининг нуфузли заводларидан бирида менежер бўлиб ишлайди. Турмуш ўртоғи Абдусобир кизи Саида билан тўрт фарзанд: Динара, Шахзод, Жасур, Самандарларни тарбияламоқдалар. Қизи Динара ва ўғли Шахзод Тошкентдаги нуфузли коллежларни битаириб янада билимларини давом эттирмақдалар. Ўғиллари Жасур ва Самандарлар ўрта мактаб ўқувчиларидир.



Ғуломжон оиласи даврасида

Қизи **Кучкарова (Мавланова) Хайринисо** ҳам олий маълумотли. Халқлар дўстлиги ордени Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. У қишлоқдаги 25 – сонли мактабда устозлик қилмоқда. Умр йўлдоши Дилмурод Равшан ўғли билан Дониёр, Достон, Муниса исмли фарзандлар даврасида инок - аҳил яшамоқдалар.

Ўғли Дониёр М. Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон университетини тамомлаб, бугунги кунда Чимкент шаҳрининг нуфузли банкларида иш фаолиятини бошлаган. Ўғли Достон Х. А. Яссавий номидаги Қозок – Турк университетининг инглиз тили факультетини тугатган. Бугунги кунда ўз соҳаси бўйича ишлаб келмоқда. Қизи Мунисахон Жанубий Қозоғистон педагогика университети талабаси.



Хайринисо оиласи даврасида

Кенжа фарзанди Бобожон Мавланов - фермер. У Тошкент кишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаштириш институтини тамомлаган. Умр йўлдоши Илмора Ғайрат қизи билан оила қуриб, Даврон, Санжар, Мардон, Қодир исмли фарзандларини ўстирган ибратли оила.

Ўғли Даврон Чимкент шаҳрида таълим олган, ҳозирги кунда шу шаҳарда банк ходими. Санжар, Мардон ва кенжа ўғли Қодир Х.А. Яссавий номли умумий ўрта мактабининг ўқувчилари.



Кенжа фарзанди Бобожон онаси ва оиласи даврасида



Бобожоннинг тўнғич фарзанди Даврон



Тошкент 2016 й.

Ўзимнинг ҳам у кишининг силаи – раҳмига сазовор бўлганимни айтиб кетай. Ўтган асрнинг 70 –йиллари. Мен оддий механизатор эдим, пахта қатор оралиғи ишловида ва “Зангори кема” да меҳнат қилганман. У киши ишчилар комитети аъзосида бўлгач, камина бир канча марта унинг тавсияси билан қимматбаҳо мукофот олишга муяссар бўлганман. Демак, у киши ҳақиқий меҳнаткашни баҳолай олган.

Мана шундай катта хўжаликни бошқариб, халқнинг қорига ҳалол меҳнати билан камарбаста бўлган инсон. Мадихон ака хасталиғи сабабли эрта, 49 ёшидаёқ, 1983 йили оламдан ўтди.

У кишининг ҳаёт йўлини эсга олиб, яхши ишларини хотиралашимиз, “Яхшидан ном қолади” деган халқ нақлининг ҳаётий ибора эканлигини ёдимизга солади. Демак, Мадихон ака бизнинг хотирамизда яшаяпти.

Мадихон аканинг замондошлари, ҳамкасблари уни фахр билан тилга олмоқдалар.

Ш. Қурбонхажиев

Савдо маркази

Мавланов Мадихон отанинг фарзандлари унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида 2011 йилнинг август ойида савдо марказини очдилар, унга отасининг шарафига “Мадихон ота” деб ном қўйдилар. Унинг очилиши маросимига ҳурматли меҳмонларни таклиф этдилар, хусусан Мадихон отанинг қорабулоқлик дўсти Эминжон ака Дўнгбаев, Султонбек ака Жаббарханов ва Тўктош ака Таджихановлар ҳам ташриф буюрдилар.

Савдо марказининг очилиши кишлоқ аҳлининг узоғини яқин қилди, бундан ҳамма мамнун бўлди. Халққа ош тарқатилиб, азиз меҳмонларга жойнамози тақдим этилди. Ташриф буюрган азиз меҳмонлар бу тантанадан оламшумул таассурот олдилар, савдо марказининг иш тартиби билан яқиндан танишдилар. Сўнгра Мадихон отанинг руҳига нуроний отахонлар қуръон тиловат қилдилар.

Бугунги кунда шу савдо марказининг орқа тарафидан кишлоқ аҳли учун чиройли ва шинамгина чойхона қуриб битказилди ва элга астойдил хизмат қилмоқда.



Суратда: Мадихон отанинг турмуш ўртоғи Сапура ая, фарзандлари Раҳмонжон ва Рашиджон ҳамда келини Маҳбуба.



Савдо маркази очилиши маросимидан бир лавҳа



Чойхона кўриниши



Чойхона кўриниши

...Мавланов Рахмон – Исоқ бобонинг эвараси. У Исоқ бободан таркаган. Авлодининг шажарасини ҳужжатлаб, китоб ҳолда эсдалик хотира яратиб қўймоқчи экан. Сахийлик инсонни улуғлайди. Биз унинг бу ниятини олийжаноблик деб ҳисоблаймиз. Мазкур авлод Рахмоннинг бу ҳимматидан кадрлари тоғдек кўтарилса керак.

Хотира турнири бўлиб ўтди



Қozoғистон ССРда хизмат кўрсатган иқтисодчи Мадихон ака Мавлановнинг 80 йиллиги юбилейига бағишланади.

Нафакат Эски Иконимизда, балки Туркистон заминиди уз меҳнати билан элга танилган инсон, иқтисодчи Мадихон ака Мавланов (Оллох раҳматига олган бўлсин) ҳаёт бўлганида 83 ёшини қаршилаган, шириндан - шакар набиралари кучоғида юрган бўларди. Кишлоғимиздаги 25- сонли умумий ўрта мактаби спорт залида давлат муассасалари ҳамда кишлоқ ёшлари командалари ўртасида Мадихон ака Мавлановнинг порлоқ хотирасига бағишланган волейбол мусобакаси бўлиб ўтди. Мадихон аканинг фарзанди, “Туркистон – Насия” банки раҳбари Раҳмон ака Мавланов ҳомийлигида ўтказилган бу мусобакага “Икон” умумий ўрта мактаби жамоаси, Х. А. Яссавий номидаги умумий ўрта мактаби, 23 коллеж жамоаси, СМУ участкаси ёшлари, Чўкир – арик маҳалласи ёшлари, 25 – умумий ўрта мактаби жамоалари ҳамда қўшни Чоға кишлоғи округи жамоаси иштирок этди. Мусобаканинг очилиш маросимида Мадихон ака Мавлановнинг замондош дўсти Тўкташ ака Тожионов, укалари Дархон ака, Кувониш ака, фарзанди Рашид Мавлановлар, Бахт ака ва Аъзам ака Зуппархановлар, ҳамда 23- коллеж директори М. Юлдашовлар сўзга чиқиб, спортчи ёшларга омад тиладилар. Қизиқарли баҳсга тўла бу мусобакани Мавлановлар сулоласи ташаббуси ҳамда, жамоатчи спортсевар жонқуяр, Хурсанд Адахонов ташкиллаштириб ўтказди.

Мусобака якунига кўра, I –ўринни “Икон” умумий ўрта мактаби жамоаси қўлга критиб – 15 минг тенге, II – ўринни Х.А. Яссавий номи умумий ўрта мактаби жамоаси қўлга киритиб – 10 минг тенге, III – ўринни СМУ участкаси ёшлари жамоаси қўлга киритиб, 5 минг тенге, ҳамда фаол иштироки учун Чўкир – Арик участкаси ёшлари жамоаси 4 минг тенге пул мукофоти ва кишлоқ округи ҳокимининг мактов грамоталари билан тақдирландилар. Шунингдек, «Икон» умумий ўрта мактаби жамоаси аъзоси С. Муслимов, Чўкир - арик участкаси ёшлари жамоаси аъзоси Ж. Мусаев, СМУ участкаси ёшлари жамоаси аъзоси К. Муталиевлар Мадихон ота Мавлановнинг кенжа фарзанди Бобожон Мавланов томонидан 1000 тенге пул мукофоти билан тақдирландилар.

Тақдирлаш маросимида қатнашган кекса спортчи, устоз Кувониш ака Мавланов ёшларга элимизнинг равнаки, тинч-тотувлиги ҳақида гапириб, 26- апрелда бўлиб ўтадиган Қozoғистон Республикаси Президенти сайловига фаол катнашиб, тақдиримиз, тотувлигимиз, равнакимизга эришиш йўлида хизмат килаётган Нурсултон Назарбоевга овоз беришга чақирди.

Келажакда ҳамкишлок ёшларимиз мана шундай тадбирларни кўпроқ уюштиради -деган умиддамиз.

Бахром Султонов.

Падари бузрукворим – биринчи устозим

Қишлоғимизда 15 йилдан бери “Туркистон - Насия” шерикчилиги корхонаси ишлаб келмоқда. Бу ташкилотни ҳамкишлоғимиз, иқтисодчи, Мадихон ўғли Рахмон Мавланов бошқармоқда. Қуйида сиз Р. Мавлановнинг камини билан бўлган суҳбатидан баҳраманд бўласиз?

- Рахмонжон Мадихон ўғли, ҳозирги кунда кредит шерикчилиги (катта) корхонасининг раисисиз, болалигингизда қандай касбни орзу қилардингиз?

- Болалигимда, 8 – синфларда ўқиб юрган кезларимда, қайси касбни танлаш кераклигини ўйлаб юардим. Бирор-бир аниқ қарорга кела олмасам-да, мен танлаган касб кўпчилик одамлар билан кечса, одамларга ҳолис хизмат қила олсам, - деярдим. Лекин ҳаётимнинг бугунгидек эврилишини аниқ тасаввур қила олмаган эдим. Отамнинг иқтисодчи бўлиши, унга эҳтиромим аста-секин мени шу касб томон бошлади. Ҳар ҳолда математикага қобилиятим борлиги ҳисоб-китобга, иқтисодчи- бухгалтерликка ундайверди.

- Бу касб шундай осонгина сизга бўйин эгмагандир?

Албаттга, касбга жавобгарлик билан ёндашилса, осон касбнинг ўзи бўлмаса керак. Падари бузрукворимни биринчи устозим деб биламан. Отам: “Болам касбингни бир умр ўрганиб бор. Сен иш ахтарма, иш сени ахтарсин”, деб насиҳат қилар эди. Отамнинг бу сўзлари бир сония ёдимдан чиқмайди.

“Оталар сўзи- ақлнинг кўзи”, - дейди халқимиз, амалда сўзнинг маъноси буюклигига қўзим етди. Ўз вақтида совхоз хўжалигининг равнакига амалий хиссасини қўшган мутахассислар: Эркин Аббосов, Маматсобир Расулов, Холбек Исмаилов, Жавлон Шадибеков, Амирамза Кучкаров, Дархон Ибрагимов, Бўстон Камоловдек забардаст устозлар менинг камолотга эришимга йўл кўрсатдилар.

Ҳозирги кунда Тоҳир Акбаров, Алимўхаммад Қурбонтоев, Жамшид Холметов каби ўз касбларига фидойи сафдошларимнинг хизматидан мамнунман. Уларнинг иш юритиш жараёнлари жуда силлиқ, ҳамжиҳат. Бир-бирини яхши тушунишади. Жамоамиздан миннатдорман.

Иқондаги мазкур насия шерикчиликнинг биринчи раҳбари Бўстон Камолов эди. Унинг бу шерикчиликка қўшган хиссаси нечоғлик деб ўйлайсиз?

Бўстон акага булган хурматим чексиз. Мазкур насия шерикчилигини очиш, Иконга жойлаштириш силлик амалга ошмади. Уни амалга оширишда бир катор кийинчиликларга дуч келдик. Бу иш Бўстон аканинг саъй-ҳаракати билан ҳал килинди. Туркистон тумани микёсида кам фоизда ишбилармон аграрчиларга насия берадиган шерикчиликнинг Иконга келиб қолиши бироз асаббузарликларга сабаб бўлди, ҳар хил тортишувлар, ёнбосишлар... Б. Камоловнинг бу соҳадаги салоҳияти барча тўсик, сунъийликларни сезар, чорасини топарди. Ниҳоят, тортишувлар унинг фойдасига ҳал бўлди. Шерикчилик қароргоҳи Иконга жойлашди. Бўстон ака унинг биринчи раҳбари бўлди. Натижада бу соҳани йўлга қўйишда ва ишончли тарзда такомиллаштиришда баъзи муаммолар унинг иқтидорли ташкилотчилиги, билдимдонлиги туфайли амалга ошди. У забардаст амалиётчи эди. Афсуски, унинг армонлари тулик амалга ошмасдан маъшум ўлим орамиздан олиб кетди...

Устозимнинг халқ фаровонлиги йўлида амалга оширолмайд қолган эзгу ниятларини рўёбга чиқаришга астойдил ҳаракат қиляпмиз ва яна давом эттирамиз, худо хоҳласа.

Шерикчиликнинг мақсади ва ҳозирги кунда фаолияти ҳақида маълумот берсангиз.



“Туркистон – Насия” банки иморати

Маълумки, “Туркистон - Насия” шерикчилиги Иконда 2003 йилдан ўз фаолиятини бошлаган. Унинг вазифаси туман ишбилармон аграрчилигига кам фоизли насия (кредит) бериб, улар кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ривожланиши керак, - деган мақсадни қўзлайди. Мана, бугун 15 йилдирки, шерикчилик обрўси ва нуфузи муттасил ўсмоқда. 2003 йилдан жорий йилгача қурултойчилар сони 37 дан 540 гача етди; устав бўйича капитал 18 миллиондан 280 миллионгача ошди, миллий валюта ҳисобида. Агрокорпорация тарафидан шерикчиликка бериладиган молиявий маблағ 57 миллион тенгедан 4 миллиард 940 миллион тенгега ортди. Шерикчилик таъсисчиларининг кўп қисми иконлик ишбилармон эканлиги қувонарли ҳолдир. Бу ерда 10 та мутахассис миқозларга хизмат кўрсатади. Икондаги бу мутахассислар жамоаси тор, ишлашга қулай бўлмаган иморатда ишлар эди. 2013 йили янгидан умумий майдони 520 кв. м. бўлган 2 қаватли замонавий мос техникалари билан, шинам идора қуриб олдик. Бу иморатнинг маҳабатли савлати иконликларнинг қўзини қувонтиради.

Миқозлардан фойда ёки зарар қўраётганлари борми?
Насия аслида бирор хўжаликнинг ишини юрита билиши ва фойда топиши учун хизмат қилиши керак. Агар бирор миқоз насия олиб фойда қўролмаса, бу унинг амалий ишларини тўғри ташкиллаштира олмаганлигидан деб қараш керак. Олинган маблағни мақсадсиз фойдаланиш ёки фойда келтирмайдиган соҳага сарф қилмасликни яхши тасаввур қила билиш лозим. Шерикчилик маблағидан фойдаланиб, ажабтовур даромад қўраётган миқозлардан айримларини атаб ўтаман: иконликлардан Қўтлимурод Шерметов, Алишер Аҳмедов, Улуғбек Номурадовлар неча йиллардан бери миллионлаб қарз олиб яхши даромад қўрмоқдалар. Янги Икондан Абдурозиков Фозил ака бизнинг ишбилармон миқозимиз- дея оламан. 250 оилани бирлаштирган Фарход ака Абдуллаевни бошқаларга фойда қўришда намуна қилиб қўрсатса бўлади. Бу рўйхатни давом эттиравериш мумкин, яъни 2 мингдан зиёд одам шерикчилик ёрдамидан баҳраманд бўлмоқда. Шунинг ўзи давлатимизнинг кишлоқ хўжалигига қаратилган ғамхўрлигининг бекиёс эканлигини қўрсатади.

Шерикчиликда қамчиликлар йўқми?

Ҳа, бу ерда муаммолар ҳам йўқ эмас. Шерикчилик аъзолари орасида қайтарилиши керак бўлган мажбурий тўловларини вақтида қайтара олмаётганлари ҳам учрайди. Бундай шароит юзага қилишининг табиий сабаблари ҳам бор. Бу кредит кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга бериладиган бўлганлигидан, иштирокчилар мазкур

йўналиш бўйича иш олиб боришга мажбур. Бирок, ҳар иккала соҳа: чорвачиликда ҳам, деҳқончиликда ҳам етиштирилган маҳсулотлар ҳозирги кунда бозор нархи талабига жавоб бермай олмайди. Бозор иқтисодиёти бўй кўрсатмоқда. Масалан, мол гўшти тирик вазнда сотиш ўта арзон; чорвадорга бу усул фойда бермайди. Гўшт тарзида эса вақтида ўтмайди, чиким ортади. Деҳқончилик маҳсулотлари ҳам шундай, шаҳар атрофидаги деҳқонлар пахта хом ашёсига ихтисослашганидан пахта экиш кўпроқ йўлга қўйилган. Сотувда эса баҳоси парвариш чикимини копламайди. Шундан келиб чикиб шерикчилик иштирокчилари вақтида маблағни қайтара олишмайди. Мен уларга катъий чора қўллаш ниятидан йироқман. Кўриниб турибдики, чорвадорни, деҳқонни айблаш асоссиздек... Лекин, шартнома (договор) конун кучига эга. Бозор иқтисоди ҳам равон йўлга тушиб кетар, деган ишончимиз бор. Деҳқон ҳам, чорвадор ҳам меҳнатининг фойда олиб келишини истади. Ҳар қандай тадбиркорлик оиланинг фаровон яшашига олиб келиши керак. Нима бўлганда ҳам Иконда насия шерикчилиги фаолият юритмоқда. Бу иконлик тадбиркорларнинг омади- деса бўлади. Ишнинг кўзини билиб, маҳсулот етиштирсалар, фойда топиш имконияти ғоят катта.

- Иконда катта бир муаммо: маиший ташкилотдагилар “Қазпочта” хизматидан коникмаяптилар. Бунини йўлга қўйиш имконияти борми?

Бир йил бўлди, мен шу масала бўйича ҳаракат қилиниб “АТФ банки” раҳбарияти билан келиш сузлари олиб борилди, натижада махсус терминал қўйилиб, иконликларга кўмак кўрсатилиб, банкомат аппаратини уз фаолиятини бошлади. (Бу масала китоб юзага чиқиш маросимасига яқин ўз ечимини топди. АТФ банки раҳбарияти билан келишган ҳолда Иконга ,яъни “Туркистон Насия” банки иншоотига ўрнатилди ва халкимизнинг бирмунча оғирини енгиллаштирди).

Хаётингизда моддий кийинчилик сезган пайтингиз бўлганми?
Мен армия хизматидан уйга келган чоғимда, оиламизнинг моддий
ахволи ночор экан.



Рахмонжон дўстлари билан Машатда саёҳатда.

Икондаги пахта қабуллаш пунктига пахта топширувчи бўлиб ишга кирдим. Лекин, оиланинг ахволи унчалик ўзгара қолмади. Мен кредит олишга шу кезлари ҳам ҳаракат қилдим. Шу 1985-87 йиллар шахсий ва жамоа хўжаликлар, кооперативлар пайдо бўла бошлаган эди. “Иконсув” ширкати раиси А. Қўчқаров менга иш берди, ширкатнинг ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш, яна Н. Дадаханов ҳам шундай иш таклиф этди. Кейин 1-2 хусусий корхоналарнинг хўжалик юритишдаги бухгалтерлик ҳисоб-китобини ишладим. Улар менга ҳақ тўлашди. Шундай ишлар бажариб юриб, оиламиз анча ўнгланди. Излаган имкон топар, деган нақл ҳаётий ибора экан-да.

- Ўз оилангиз ҳақида маълумот берсангиз?

Мен 1961 йилнинг 19 декабрида Туркистон тумани Эски Икон кишлоғида, зиёли оилада дунёга келдим. 1979 йили кишлоқдаги Гагарин (ҳозирги Яссавий) номли ўрта мактабни олтин медаль билан тамомладим. Шу йилнинг ўзидаёқ Тошкент Давлат Халқ хўжалиги институтининг кишлоқ хўжалиги бўлимидаги бухгалтерлик ҳисоби факультетига ўқишга кирдим ва 1983 йили “кишлоқ хўжалиги бухгалтер -иктисодчи” мутахассислиги бўйича ўқишни тамомладим. Шу йили она кишлоғимга қайтиб, пахта қабуллаш пунктига пахта топширувчи бўлиб иш фаолиятимни бошладим.

1983-1985 йилларда Армия сафига чакирилиб, Ватан олдидаги йигитлик бурчимни Приморье ўлкасида адо этдим. Армия хизматидан қайтгач, 1985 йили май ойида “Партия XIII съезди” совхозига иктисодчи бўлиб ишга жойлашдим. 1987 йилдан то 1995 йилгача шу совхозда бош иктисодчи, 1995-96 йилларда “Икон” колхозида бош иктисодчи, 1996-97 йилларда “Халқобод” ишлаб чиқариш кооперативида бош бухгалтер, 1997-99 йиллари “Максад” кооперативи раиси, 2000-2003 йиллари шахсий тадбиркор бўлиб иш юритдим. 2003 йили давлатимиз тарафидан кишлоқ хўжалигига кам фоизли насия бериш орқали ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган “Туркистон – Несие” шерикчилиги насия бўлимининг бошлиғи, 2007 йилдан шу кунгача мазкур ташкилотнинг Бошқарув раиси лавозимида ишлаб келмоқдаман. “Туркистон - Несие” шерикчилиги ташкил этилгандан буён Туркистон тумани бўйича кишлоқ хўжалигида банд бўлган деҳқон хўжаликларига, чорвадорларга бир неча юз миллионлаб, кам фоизли насия (кредит) берилиб, халқнинг турмуш даражаси, фаровонлик сари силжимоқда. Қилган меҳнатларим самарадорлиги эвазига мен бир неча маротаба шаҳар ҳокимчилиги тарафидан мактов ёрликлари билан тақдирландим. Жумладан: 2005 йили Туркистон шаҳри миқёсида “**Йил одами**” атоғи билан, 2014 йили “**Миллат фаҳри**”, 2016 йили Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан элбоши қўл

қўйган “Қозоғистон Республикасининг 25 йиллиги” медали билан тақдирландим.

Мен умр йўлдошим Махбуба билан турмуш қуриб, тўртта ўғилни оқ юзиб, оқ тараб, вояга етказдик, учта келин, бешта неваранинг суюкли бува ва бувижонларимиз. Учта ўғлим олий маълумотли, турли соҳаларда иш юритмоқдалар, кенжа фарзандим олий укув юрти талабаси.

- Исоқ бобо шажарасини тўплаб китоб нашр қилмоқчи экансиз, бунга бирор сабаб бўлдики?

Мен Исоқ бобонинг 4-бўғин авлоди, яъни унга чевара бўламан. Исоқ бобонинг йигитлик даврини эсласак, менгача тахмин оралик, 150 йил бўлади. Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, одамлар онги мислсиз камол топди. Моддийлик бизнинг ҳаётимизда ҳал қилувчи омилдек гўё, лекин маънавиятимиз ўз даражасида эмас. Бирок... Бизнинг бугунги маъмур ҳаётимиз ота - бобо ва момоларимнинг ҳаётига қизиқиш, авлод давомийлигига меҳр-мухаббати натижаси эмасми, мен ўз имкониятимдан фойдаланиб, уларнинг руҳига бош эгиб, ҳеч бўлмаса табарруқ номларини, босган изларини ҳужжатлаб қўйсам бўлмасми? Токи, кейинги авлодлар ҳам боболаримни, бизларни хотирлаб, эслаб юрсалар.

- Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

Шодмон Қурбонхожиев

Зокирхон (Бўлтой) ўгли Дархон Мавланов



Бўлтой ўгли Дархон ака 1940 йили 17 апрелда Эски Икон кишлоғида, зиёли оилада туғилган. 1957 йили мактабни тугатиб, колхозда оддий ишчи бўлиб хизмат килди. 1960 - 62 йиллар оралиғида Ватан олдидаги йигитлик бурчини адо этиб кайтди. У кезде армия сафида хизмат ўташ муддати 3 йил эди. Дархон ака ўқишга кўмондонликдан рухсат олади. Дархон ака 1962 йили Тошкент шаҳридаги университетнинг география куллийтига имтиҳон топширганда қандайдир бир сабаб билан кундузги бўлимга ўқишга кира олмайди. Кейин армияга бориб, колган бир йилини ўтаб келади. Сўнгра Тошкент халқ хўжалиги институтига ўқишга қабулланиб, 1967 йили тамомлайди. Сўнгра Дархон ака Туркистон шаҳридаги банкда инструктор бўлиб ишлади. У кишлоқдан шаҳарга қатнаб ишларди. Банк бошқаруви унга шу ерда ишлайвер, Туркистондан уй солишингга ёрдам берамиз, - деган таклифни айтди. Лекин ота- онаси у ёқдан уй солишига рухсат бермайди. У банкдаги ишдан бушаб, Иконга келиб, совхозда бухгалтер бўлиб ишга киришади .

1968 йили Озода опа Абдувоитова билан турмуш курди. Озода опа аввал Туркистон шаҳридаги 33- сонли дорихонада, сўнгра кишлоғимиздаги дорихонада ишини давом эттиради. Дархон ака билан Озода опа иноқликлар орасида рисоладагидек яшашди. Улар кишлоқдаги намунали оилалардан бири,- десак ҳам бўлади. Дархон ака муомала маданиятини жуда кадрлайди. Одамлар билан доим ширин муомалада бўлади.

Яссавий бобомиз “кимни кўрсанг Хизр билиб қўлин ўпгил” деган насиҳатли иборасини жуда яхши биламиз. Буюк валий бу сўзни бежиз айтмаганлигини англаймиз. Ер юзидаги барча одамлар бир – бири билан шундай очик кўнгиллик билан муомалада бўлса, ер қурраимизда ҳозиргидек қурбонталаб жанггоҳлар бўлмас эди-да.

Дархон ака ҳалол, манманлик нималигини билмайдиган одам. Сабаби, биз меҳнат қилган совхоз ташкилотида бир бўлимда ишладик. У бўлим катта бухгалтерлигида бўлганда мен неча бор унга айрим меҳнатим ҳисоб – китобини, тушунмовчиликларни сурашга тўғри келарди. У ўзининг асосий ишини йиғиштириб қўйиб, мен қаноатланмагунча мен билан “овора” бўларди.

Дархон ака Озода опа билан сен – менга бормай яшадилар. Бунинг исботи сифатида Озода опанинг ёзиб юрган эсдаликларини кўздан кечирсак, аён бўлади-қўяди. Республикамиз раҳбари намунали оилаларни - давлат таянчи деб изоҳлаганлар, иложи борица ҳамма оилалар уларчалик ҳаёт кечиришса, - деган ғояни илгари сургимиз келади. Мен Дархон ака билан Озода опанинг биргаликдаги ҳаётини ана шу Президентимиз орзу қилган оилалар сафига қўшар эдим. Улар 4ўғил, 1 киз тарбиялаб ўстиришган. Ўғиллари Ўқтам, Махмуд, Мусахон, Темур ва кизи Мавлуда.

Ўқтам Икон ўрта мактабини битириб, Ангрен шаҳридаги Педагогика институтини тамомлади ва Тошкентдаги ўрта мактаблардан бирида ёшларга сабоқ бериб келмоқда. Ўсар кизи Сурайё билан Баҳодир, Дилафрўз, Муяссара ва Мафтуналарни тарбиялаб келмоқда.



Кейинги ўгли **Махмуд** Тошкент агрономия техникумини битириб, ўз соҳаси бўйича ишлайди. Умр йўлдоши Гулҳаё билан ўгли Максуджон, кизлари Шохзода ва Дилшодаларни тарбиялашмоқдалар.



Қизи **Мавлуда** турмуш ўртоғи Акажон билан кизи Диёрани тарбия қилмоқдалар.

Ўғли **Мусохон** Тошкент Ирригациялаш ва механизациялаштириш институтининг ҳисобчи факультетини тамомлаб, шу соҳада ишламоқда. Хурсон кизи Зулайхо билан Зулфия, Рузимурод ва Дониёрларнинг ота - онаси.



Темур Тошкентдаги бухгалтерия техникумини битирган. Ҳозирги кунда у қурилиш соҳасида ишлаб келмокда. Бўзўғлон кизи Турсуной билан 5 та киз тарбияламокда. Улар: Райҳона, Доно, Зилола, Муслима ва Ўғилжонлар.



Шу ўринда Дархон ака аёли Озода опанинг дил сўзларини баён этишни лозим топдик: “Отамни эслолмайман, лекин урушдан кейинги оғир йилларда отамсиз эсанкирамаган, уч нафар кизини олий ўқув юртларида ўқитиб, меҳр тула калбини ҳадя этган тенги йўқ она фарзандиман. Ҳозирги кунда турмуш ўртоғим билан беш нафар фарзандни ўстириб, ўғилни уяга, кизни кияга қўйдик, Оллоҳга беадад шукур.

Онам ҳақида. Мен онамнинг кенжа фарзанди бўлганлигим учун у мени жудаям ёқтирарди. Умуман, бизларнинг исмларимизнинг охирига “жон” сўзини қўшмасдан чақирмасди. У турмушидан ҳеч қачон норози

булган эмас. Бизлар ўқишга, онам ишга кетганида ўтинхонамиз ёнганида ҳам “эрталаб самовар ҳам қўйган эмасдим, ёнгин каердан чиқдийкин” деб хомуш қараб туришлари ҳам эсимда. Онамнинг исми Хосият эди. Биз барибир онамиз олдида қарздормиз.

Она учун ёзилмаган шеър борми?
Уни деб ёлмаган юрак борми?
У ҳақда айтилмаган қўшиқ борми?
У – азиздир, қўйланмаган қуй борми?
Бу кун онам шаънига бир сўз айтай,
У бир сўз эмас, минг тиллога тенгдир
Бошим эгиб, қўлларим қўксимга қўяй
Бу дунёда ундан улуг зот йўқдир.
Хатми Қуръон қилсам мен онам дерман
Дастурхонда дуо қилсам онам дерман.

Қайнонам ҳақида. Ҳаётда шундай қайноналар борки, улар вафот этганидан кейин ҳам эслаб юрасан, сўзларини қўмсайсан, киши. Шундай оналардан бири менинг қайнонам – Руқия она эди. Ўз онамни эслаб туриб қайнонамга таъзим қилман. У ўта каттиққўл, талабчан бўлиш билан бирга меҳрибон ҳам эди. Онам ўргатишга улгура олмаган нарсаларни қайнонамдан ўрганганман.

Турмуш ўртоғимга. У киши бирон марта қойган эмас. Норози бўлса бир маънодор қарайди, шунинг ўзи кифоя, хафа қилмасликка ҳаракат қилади. Агар бирор нарсадан хафа қилса, ўзи қийналади.

Турмуш қурганимизга 45-50 йилча бўлди-ки, бир-биримизни табассумсиз қарши олган эмасмиз. Оиламизнинг бундай гўзаллиги, фарзандларимиз тарбиясининг меҳр-оқибатли бўлишига таъсири катта бўлди, шекилли.

Эр-хотин уруши – доқа рўмол қуриши, - дейдилар. Мен ўша рўмолнинг қуришига олиб келмасдим.

Мен Оллоҳ таоло ато этган бахтимни қўшиқдан ясалган иморатга ўхшатаман. Ўша гўзал қошонада узок йиллар умримнинг энг лаззатли дақиқаларини оилам билан ўтказсам- дейман. Элимиз омон, юртимиз тинч бўлса- дейман.

Мен келин бўлиб тушгач, орадан бироз вақт ўтиб қайнонам касал бўлиб қолди. Оилада ҳаммамиз оёққа турдик. Бир вақтда онам ҳам ётиб қолди. Қўш онамнинг тушакка миҳланиб қолишлари, уларни парвариш қилиш, шаҳарга катнаб ишлаш, менга ҳаётимда оғирроқ кечди шекилли, сочларимга ок оралади, ёшимга нисбатан эрта ажинлар пайдо бўлди. Келинлигимнингёш даврида ҳам ўйин-қулгуга вақтимиз бўлмади. Шунда эрим – “ўзингга оро бермай қўйдинг,” – деб, ёки бошқа

важ карсонларни юзимга солмасди, муносабатини ўзгартирмади, кайтанга меҳри ортиди.

Ўз салобати билан юрагидан меҳр, жозиба ажратиб берган турмуш ўртоғимга ҳам таъзим қиламан.

Қўлимга қалам олишга ҳам ўша фидойилик сабаб бўлгандир. Ўша кийин кунларда ҳам мен ўз аёллик кадримни саклаб колгандирман. Шунинг учун ҳам умр йўлдошим менга муносабатини ўзгартирмагандир.

Дилдаги гаплар. Онангизнинг кечираётган ҳаётига кизикдингизми? У сизнинг йўлингизга интизор. Бола-чакам, уй ишлари, жамият ишлари дейсиз. Ўтган-кетганда олдиларига кириб, “онажон, яхши ўтирибсизми, соғ-омонмисиз”, - деб бирор кириб чиксангиз бошлари осмонга етади. Байрамларда, туғилган кунларда бир гул, рўмол, боринг- ки, бир рўмолча билан хабар олсангиз, шунинг ўзи онангиз учун катта совға. Шу нарсалар уларда кўп, лекин сизнинг совғангиз улар учун ўзгача қимматбаҳо совға ҳисобланади, болам олиб келибди,- деб кўпайтириб мактанади. Бу билан у ҳа, мен берган меҳрни оклабди - деб фахрланади, қолаверса “болам болаларидан орттириб келибди, ўзи билан ўзи эканда”, деб тинчиб юради.

Келинлар ҳақида фикрим. Оиладаги келишмовчиликлар кўпинча келин бўлиб келган кизнинг келинлик вазифасини бажаришга тайёр эмаслигида. Шундай кизларимиз борки, келин бўлиб тушган кунидан бошлаб уй-рўзгор ишларини бемалол бажариб кетадилар. Баъзилари овқат қилиш, кир ювиш, одоб- ахлоқ қоидаларига риоя қилиш у ёқда турсин, бу қоидаларни билишнинг истамайдилар. Онанининг уйидаги ўрганган нонуя қилиқларини бу ерда ҳам давом эттиришади. Қалтакдан қўркишмайди. Охир-окибат болаларнинг тирноғига зор қиламан – дейди- да онасиникига кетади- қолади. Бу билан онасиникига бир-икки кундан ортиқ сиғмаслиқларини, қаттиқ ёпиб кетган эшиги у учун азиз эканлигини билишмайди. Кейин қайнонаникига қайтишга ғурури йўл қўймайди. Қимга кийин. Ота-онасига, ўзига. Фарзандларини тирик етим қилади. Бировларнинг қўзига ота деб қарашга қўрқитиб бўлса ҳам эришади.

Биз бу уйга беш кунлик меҳмон эмас, балки бир умрга аъзо бўлиб келганлигимизни унутмаслигимиз керак, азизларим!

Тил. Бир оғиз бефаросат айтилган сўз нималарга олиб келмайди. Қариндош-уруғни бир-биридан, дўстни-дўстан айлариши мумкин. Шундайлар бор, ўзларида қатор нуксонлар турса ҳам, бировнинг ишларига, оиласига аралашади, гап таркатади. Сўз эгасига етгунча “болалайди”. Шу бир оғир сўз, тухмат туфайли айникса юраги бўш одамлар бевақт фалокатга учраши мумкин.

Зокирхон (Бўлтой) ўгли Қувонхон Мавланов

“Мустакиллик тенгдошлари” номли мақола тайёрлаганимда “Буюк Ғалабанинг тенгдошлари” мавзусига ҳам тўхталиб ўтишни режалаштириб қўйгандик. Мана шунинг мавриди келиб 1945 йили 9 –май куни туғилган эскинқонлик Мавланов Қувонхон ака ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

II жаҳон уруши поёнига етиб, ватандошларимиз Буюк Ғалабага эришган куни дунё юзини қўрганлиги боис унга Қувонхон деб исм қўйдилар.

Отаси Зокирхон фарзандларини ўзи педагог бўлганлигидан ҳам бўлса керак, саводли ва соғлом бўлиб ўсиши учун яхши қўнгил бўлди . Болалари

Мадихон ака, Дархон ака ва Қувонш акалар ўрта мактабни аъло баҳо билан тамомлашди. Қувонхон ёшлигиданок дуркин бўлиб ўсди. Шўх-шодон болалар билан айникса иноқ эди.

Ўтган асрнинг 50 йилларининг I- ярмида ҳам унча-мунча спорт соҳасида мусобакалар бўлиб турарди. Қувонхон ака ҳар қандай мусобакаларни ўтказиб юбормасдан кузатарди. Шундай кизиқиш уни охир-оқибатда олийгоҳ сари етаклади. Қувонхон ака олийгоҳда жуда қўнгил билан кизиқиб ўқиди.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини “Жисмоний тарбия ва анатомия - физиология” мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тамомлади. Олийгоҳда “Одам анатомияси ва физиологияси” фанини, жумладан, инсон организмнинг тузилиши, даволаш, жисмоний тарбия, массаж орқали даволаш усулларини чуқур ўзлаштирган изланувчан ёш истеъдод соҳибиди беморларни даволаш гимнастикаси ва массаж орқали даволашдек масъулиятли вазифага иштиёқи пайдо бўлди.

Қувонхон ака босиқ табиатли, ҳар қандай ишни чуқур мулоҳаза қилиб, шундан сўнггина бажарадиган инсон.

1980 йили онаси Рукия ая бош оғриғига мубтало бўлади. Ҳеч бир дори-дармон фойда беравермади. Қувонхон ака чуқур ўйланди, ногаҳон, фикри бир ўй билан учқунланди. Ойимга массаж усулини қўлласам бўлмасканми -, деб унинг бошини эҳтиётлик билан



укаланинг коидлари асосида бажаришга киришади. Бир- икки укалаганда ойиси тинчланади. Икки-уч йил давомида Рукия она бош оғригидан фориғ бўлди. Демак, аҳоли орасидаги беморларга имкон қадар ёрдам кўрсатсам булар экан- да, - деган қарорга келади. Шундан бери кўпроқ болаларни, катталарни ҳам укалани орқали даволамоқда. 1986 йилдан шу бугунгача қадар, 2500 дан ортиқ беморга массаж орқали шифо бахш этганлиги тахсинга сазовордир.

Талабалик давридаёқ спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, юқоридан кўринган ҳикоямиз қаҳрамони меҳнат фаолиятини 1967 йили спорт мактабида бошлади, орадан бир йил ўтгач, ўз она қишлоғидаги Х.А. Яссавий номи (қибк Гагарин) ўрта мактабида давом эттирди. 1969 йилдан “Иқон”(қибк ВЛКСМ 50 йиллиги), 2001 йилдан Х. А. Яссавий мактабида ёш авлодни барқамол, етук даражада тарбиялашдек шарафли қасб – ўқитувчилик билан шуғулланди.



Устозлик маъсулиятини зиммасига олиб, билим даргоҳига қадам қўйган қуниданоқ ташаббусқорлиги, ўз қасбининг моҳир устаси эканлигини намойиш эта билди.

Устоз нафакат туман, шаҳар, балки, вилоят, республика миқёсидаги мусобақаларда ҳам шогирдларини синаб кўрди. Ўқувчиларнинг ютуқлари эътиборга олиниб, “Қатта ўқитувчи” унвони берилди ҳам.

Қиска вақт ичида бу каби эътибор қозониш осон эмас, албатта. Бунинг замирида анча меҳнатлар, тўкилган пешона тери бор.

1983 йили спорт бўйича илк методик тўплами ёруғ кўрган бўлса, 1991 йили “Синфдан ташқари иш чоралар бўйича тўплам” мавзусидаги реферати Жанубий Қозоғистон вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтида тингловчиларга намуна бўлди ва 1996 йили шаҳардаги август педагогик конференциясида тарғиб этган маърузаси I ўринга ноил деб топилди. Унинг шаҳар микёсида битта, вилоят микёсида тўртта методик тўплам чиқарганлиги ва бу ишнинг кенг тарқатилганлиги диққатга сазовордир. Дарвоқъе, 40 йилдан зиёд умрини ёшлар таълим – тарбиясига бахшида этган Қ. Мавлановнинг уйидаги ишхонасида ота – оналар ва даволанганлар номидан ёзилган ташаккурномалар, фикр – мулоҳазалар китобчасини кўриб, ҳалиям режаларининг кўплигини билиб, беихтиёр: “Кошкийди, ҳар бир қозоғистонлик Юртбошимиз Н. Назарбоевнинг “Қозоғистон – 2030” стратегик дастурининг амалга ошишида энг ками мана шундай меҳнат қилишса”- деган фикрга келдик.

Ёлбошимиз ибратли оила давлатимизнинг таянчи – оилалар фаровон, тинч-тотув яшаса, Қозоғистонимиз ҳам гуллаб яшнайверади – деган сўзларини доим бизга уқтиради. Қувонхоннинг оиласи худди мана шундай оилалар сирасига киради. Мана, 50 йилча бўлди Шарифа опа билан умргузаронликда, олти фарзанд тарбиялашган. Тўнғич фарзанди **Махбуба** 1971 йили туғилган. Раупов Ирисбой ўғли Одилбек билан турмуш қуриб фарзандларига Шохрух ва Фаррух исмини беришди.



2. **Мухаммадали (Али)** 1973 йили туғилган. Камолбек кизи Нилуфар билан турмуш куриб Жавохир, Асадбек исмли ўғил ва Фотима, Зухра исмли киз фарзанди кўришди.



3. **Элвира** 1975 йили туғилган. Набиев Ирискул ўғли Ақром билан турмуш куриб Элэр ва Чарос исмли фарзандларнинг ота - онаси.



4. **Нафиса** 1978 йили туғилган. Абдуваитов Сапо ўғли Қувониш билан турмуш куриб Аскар, Гулнозаларни тарбияламокда.

5. **Руфат** 1980 йили туғилган. Қурбоналиев Олим кизи Наргиза билан умрларини боғлаб Азиза,. Нодира ва Иброхимларни тарбияламокда.



6. Онажон 1983 йили туғилган. Қурбоналиев Абдурахмон ўғли Шакир билан турмуш қуриб Мубина, Жасурбекларни вояга етказмокда.



Қувонхон ака ҳам Шарифа опа ҳам ҳозирги кунда қарилик гаштини суришмокда. Фарзандлар, неваралар даврасида ардокли ота-оналар. Бутун дунёдаги ақлирасо инсоният немис-фашизмининг устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигини нишонламокда.

Ҳамкишлогимиз шу буюк кунда дунёга келган экан, нақадар шарафли бу кун, 70 йиллик таваллуд айёмингиз муборак бўлсин- деймиз.

АБДУМАВЛОН ўғли Шакирхон Мавланов (1909-1971)

Шакирхон бобо татар миллатига мансуб бўлган Гарифа опа билан турмуш қуриб тўртта фарзанднинг ота- онаси эдилар: катта қизи Райхон 1935 йили туғилган, кейингиси Венера 1939 йили туғилган, учинчи фарзанди Пулат 1941 йили туғилган, кенжа ўғли Собир 1947 йили туғилган. Райхон опанинг 3 та фарзанди –бор: Гамол, Динара, Лола.



Венера опанинг 2 та фарзанди бор: – Шухрат ва Бахтиёр. Пулатнинг битта фарзанди бор: – Алик. Булар қўшни Ўзбекистон Республикасида истикомат қилишади. Кенжа ўғли Собир автохалокатдан вафот этган. Фарзандлари Гуля, Шокир Россия фуқароларидир.



Суратда: Пулат ака, Венера опа, Валихон, Рахмон




Суратда: Гарифа опа қизи билан



Шакирхон ўгли Собир

Абдумавлон ўгли Собирхон Мавланов (1911)

Собирхон бобо 1911 йили Иконда туғилган. Ўрта мактабда билим олди. Урушгача Ўрангай кишлоғидаги колхоз хўжалигида зироатчи-агроном, сўнгра партия ташкилотида ишлаган. 1941 йили урушга борган Собирхон бобо Улуғ Ватан урушида вафот этган.. Бу авлоднинг алоҳида ўзларига хос томони, миллий чолғу асбобларида куй чалишда машҳур бўлганлар, ҳатто миллий асбоблар ансамблини ташкил қилганлар- деган гап бор. Собирхон бобо дуторчи бўлган. Собирхон бободан икки киз: Тўраш ва Ирсой деган қизлари бўлган.



Тураш опа Иконнинг меҳнаткаш, ўз замонининг илғорларидан атанган Муқим ака билан турмуш қуриб 3 киз ва 3 ўғилни тарбиялаб, вояга етказишган. Улар: Алишер, Олимжон ва Бобирлар. Қизлари: Ойхон, Гулой ва Илмора, бу кизлар олий маълумотли устозлар. Ойхон ва Илморалар Икондаги ўрта мактабларда, Гулой эса Гулистон шаҳрида фаолият юритадилар. Ирисой опа эса кишлоғимизда кўзга кўринган зиёли инсон Нормат ака билан турмушини боғлаб, 4 ўғил ва 1 кизни ўстирдилар.



Фарзандлари Шопулат, Комилжон, Аҳмаджон ва Диёралар олий маълумотли, халқ хизматида бўлган, Раҳматжон эса тадбиркор. Афсуски, шум ажал бу оиланинг учта фарзандлари: Шопулат Аҳмаджон ва Раҳматжонларни бевакт ҳаётдан олиб кетди.

Абдумавлон кизи Зулфинисо (1915-1989)

Зулфинисо опа иқонлик Шожалил бобо билан турмуш қуриб Муҳаббат исмли кизни тарбиялаб вояга етказган. Муҳаббат опа янги иқонлик Омон ака билан турмуш қуриб, еттига фарзандни вояга етказдилар.

Улар: Азимжон 1966 йили туғилган, Тошкент шаҳрида бизнес соҳасида иш юритади, 1 ўғил ва 1 кизнинг суюкли отаси, Наргиза 1968 йили туғилган, тўртта кизнинг онаси, Эллора 1970 йили туғилган, 2 киз ва бир ўғил фарзанди бор. Сардор 1972 йили туғилган, тўртта кизнинг отаси, Табассум 1974 йили туғилган, битта ўғли бор. Диёра 1977 йили туғилган, иккита ўғил фарзанди бор, Венера 1977 йили туғилган, учта ўғил ва бир кизи бор.




АБДУМАВЛОН ўғли Узумхон Мавланов (1917-1976)

Узумхон Мавланов
1916 йили Иконда
туғилган ва шу ерда
бошланғич маълумот
олди. Кейин 1931 йили
Тошкент шахрида ФЗУни
ўқиб тугатди. 1938 йили
Рабфакка кириб уни
тамомлади. Кейин
ўқитувчилар тайёрлаш
факультетига кириб, уни
1940 йили битирди. Шу
йили Иконга ўрта
мактабга келиб,
ўқитувчилик фаолиятини
бошлади. 1944-1949

йиллари шу ерда завуч
булди, 1949-53 йиллари
Икон ўрта мактабида
директор вазифасини
бажарди. 1953 йили Янги

Икон ўрта мактабига директорликка ўтди. Шундай қилиб, Узумхон ака
бир неча марта гоҳ Эски Иконда, гоҳ Янги Иконда мактабларида
директорлик лавозимида фаолият юритди. Бунинг сабаби, у киши
мактаб жамоасини бошқаришда, ўқув тарбия ишларида маҳоратли
педагог эди. Аллергик бетобликдан булгани сабаб иш жойини тез-тез
алмаштиришига тугри келарди. Иш жойи алмашиши билан унинг
соғлиги маромига тушар экан, қисқаси, у кишининг меҳнат фаолияти
умрининг охиригача икки кишлок мактаблараро директор ўринбосари
вазифасини ўташда ёки директор хизматида кечди. Узумхон аканинг
умр йўлдоши Ояқиз опа ҳам мактабда бошланғич синфларга сабоқ
берган ҳурматга сазовор устоз булган. Узумхон бобо Ояқиз опа билан 9
фарзандни ок ювиб, ок тараб вояга етказдилар, улар қуйидагилар:
Зафар, Гулчехра, Гулсора, Дадажон, Валихон, Светлана, Илҳом, Сакина
ҳамда Одил.

Шундай улкан оила тарбиялаган ҳамда ёш авлодга билим беришда
улуш қўшган бу инсон элимизаро ҳурматга сазовордир, албатта.





Узумхон ака 1976 йили Иконда юрак ва қон босими касаллигидан вафот этди. Узумхон Мавланов ҳақида уни билганлар, сафдошлари унинг хизматларини, ҳаёт фаолиятини ижобий баҳолайдилар. Ҳақиқатдан ҳам Узумхон бобо жуда маданиятли, билимли педагог, ҳар қандай одамнинг қўнглига йўл топа оладиган, ташкилотчи раҳбар, устоз эди. Туман маориф тизимидаги раҳбарлар ҳам уни шу сифатлари учун ҳурмат қўрсатганлар.

УЗУМХОН ўғли Зафар Мавланов

1939 йилда Эски Иқон қишлоғида туғилган. 1946 йили мактабда ўқиб, 1951 йили Янгийўл шаҳридаги ўрта мактабга кетиб, ўн йиллик мактабни тамомлаб, Тошкентда қурилиш техникумида таҳсил олди.

1958 йил Когон районида ишга кетди ва 1959 йили икки йиллик аскар хизматини ўтаб қайтди. Янги Иқон қишлоғида қолхозда қурилиш соҳасида фаолиятини бошлади.

2014 йил 31 августда бетоблиги сабаб бокийликка кетди.

Фарзандлари:

Мавланова Зухра – 1963 йил,

Мавланов Зарифжон – 1969 йил,

Мавланова Иноят – 1975 йил,

Мавланов Алиш

Мавланов Руслон

Мавланов Съёма

Узумхон кизи Гулчехра

Гулчехра Узумхон кизи 1941 йили туғилган. Бошланғич маълумотни Икон мактабида олган. 1960 йиллар Тошкентдаги бир йиллик тикувчилар тайёрлайдиган ўқув курсини битирган.

Узумхон кизи Гулсора

Узумхон кизи Гулсора 1944 йили туғилган. Ҳусан ўғли Эргаш билан турмуш қуриб, 5 ўғил ва 1 кизни вояга етказишди. Улар – Шавкат, Дилкат, Хикмат, Рашид, Хусан, Мухайёлар.

Узумхон кизи Светлана

Узумхон кизи Светлана 1947 йили туғилган. Қўшни қишлоқ - Интимоклик Абдувоҳит ўғли Тўлқин билан турмуш қуриб, 2 ўғил ва 3 кизли бўлишди. Улар - Нигора, Шоира, Баҳромжон, Дилрабо, Ихтиер, Эллоралар.

УЗУМХОН ўғли Дадахон Мавланов

Мавланов Дадахон Узумхон ўғли 1949 йили 29 январь куни Эски Икон қишлоғида туғилди. 1953 йили оиласи билан Янги Икон қишлоғига кўчиб ўтади. Отаси Узумхон бобо шу мактабга директор этиб тайинлангач, 1956 йили шу мактабга ўқишга тушиб, 1966 йили июнь ойида мактабни қумуш медал билан битиради. 1967 йили Тошкент Политехника институтининг кимё факультети “Мой технологияси” ихтисоси бўйича ўқишга тушиб, 1972 йили тамомлади. Шу йилнинг октябрь ойида институтнинг йўлланмаси бўйича Чимкент шаҳар мой-ёғ (МЖК) комбинатига ишга тушди, мой



тозалаш, совун цехига маҳсулот тайинлаш цехида технолог бўлиб хизматни бошлади. Бир йил ўтгач, экстракцион тайёрлаш цехида комбинатнинг катта технологи қилиб тайинланди. 1993 йили мой-ёғ комбинати хусусийлаштирилди. 1995-1997 йиллари ОАО “Шымкентмай” комбинатининг бош технологи бўлиб фаолият юритди. 2009-2014 йилларгача мой тозалаш, тайёрлаш, маҳсулот йиғиш цехларида бош раҳбар бўлиб ишлади ва 2012 йили январь ойида

нафакага чикди. Ҳозирги вақтда “тайёрлаш” цехида бош ўринбосар хизматини давом эттирмакда. Турмуш ўртоғи Мавлуда пенсиягача шу корхонада мой тозалаш цехида технолог бўлиб ишлади. Улар учта фарзанд тарбиялашган. Катта кизи вафот этган. Ўғли Саид АО “Шымкентмай” корхонасида теплотехник, келини Муножот мазкур ташкилотнинг тайёрлаш цехида – экономист бўлиб ишлайдилар. 2 та фарзандлари бор. Кичик ўғли Дониёр шахсий корхонада бош раҳбарнинг ҳайдовчиси, битта ўғил, иккита кизи бор.

Узумхон ўғли Валихон

Узумхон ўғли Валихон 1951 йили туғилган. Маматсалиев Эргаш кизи Ояжон билан турмуш қуриб, 3 киз ва 1 ўғил фарзандлари бор. Улар – Узумхон, Шахноза, Насиба, Дилдоралар.

Узумхон кизи Сокина

Узумхон кизи Сокина 1954 йили туғилган. Бобош ўғли Дадажон билан турмуш қуриб, 1 ўғил ва 3 кизни вояга етказишдилар. Улар – Дина, Элнур, Донохон ва Садокат.

Қуйида Сокина опанинг ота - онасига бўлган ёрқин хотираси намоён этилади.

Хотира узоклашмоқда

(Дадам Узумхон Мавлановнинг порлоқ хотирасига бағишланади)

Хотира анчайин узоклашиб бормоқда,
Изини совутиб йироқлашиб бормоқда.
Гоҳида шодлик, гоҳ қайғу басма-басга юради,
Йиллар ўтгач хотира хиралашиб боради.
Буларни мен қалбимда саклаб қолгим келади,
Қимларгадир сўзлаб бергим, тинглатгим ҳам келади.
Бироқ ҳаёт ташвиши, қувончи ҳам мужассам.
Тингловчилар бўлса, айтганим бўлсин майли,
Дадажоним хотирасин сўзлаб берайин, майли.
Эплай олармикинман деган қўрқув бор албат,
Ёзишга киришдим мен шу бир тўртки туфайли.
Дадажоним!...Менинг меҳрибон падари бузрукворим...

Умрини халққа, халқ фарзандини тарбиялашга бағишлаган олийжаноб инсон... У киши билан ҳамнафас бўлган, бирга иш юритган инсон қолмади ҳисоб. Қимдандир сўрагим, эсдалик эшитгим келади, афсус. Биласизми, менинг дадажоним бебаҳо, жуда ростгўй ва ҳақиқатпарвар, содда ва қалби тоза, ҳеч қимга нисбатан қўнғилида ғарази йўқ инсон бўлиб, ўз ишининг фидойиси эди. Мен ўзим билан бирга

ишлаган устозлар Айниддин ака, кекса онахонлар Қоракиз опа, (Худо раҳмат қилган бўлсин) Тош опа, Аной опа, Хадича опа, Тўраш опа, Сабриддин акалар билан суҳбатлашиб қолардим. “Ўзумхон ака директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, директор бўлиб фаолият юритган пайтида дарсимизга кирар, кузатарди. Агар у киши қошини секин чимириб қўйса, хато қилганимизни дарҳол пайқаб, тезроқ тузатишга ҳаракат қилардик. У киши каттик гапирмасди айланиб-ўрғилиб, кийимларимизни тўғрилаб, елкамизни қокиб, фикрини хушмуомалалик билан айтар, маслаҳат беради. Ҳеч қачон дилимизга озор етказмаган, , қўпол гапирмаган”, - дейишарди, - у билан ишлаган сафдошлари. Мен мактабда ўқирдим, дадам тарих фанидан сабоқ беради. Тахтага харитани осиб, қўлида доим кўрсаткич таёқчани олиб юрарди. Савол беради-ю, жавоб бера бошлаган ўқувчига қўшилиб ўзи гапириб кетарди. Меҳрибонлигини айтмайсизми?! Ойим ўчоқда нон ёпарди, дадам эса чойнакка чой дамлаб, елкасига чопон солиб чиқар ва уни оғриб қолмасин деб, ойимга қийдириб қўярди. Мен мактабни битиргандан сўнг Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтининг филология факультети ўзбек тили ва адабиёти гуруҳида ўқидим. Менинг дадамлар 7 ака-ука, 2 опа – сингил бўлиб, дадам ўғилларининг олтинчиси бўлган. Амакиларим Сотторхон, Зуппархон, Зокирхон, Собирхон, Шокирхон, Алихон бўлса, аммаларим Чаманисо ва, Зулфинисолар эди. Оиламиз 1953 йил, (менинг туғилишимдан бир йил олдин) Эски Икон қишлоғидан Янги Икон қишлоғига кўчиб чиққан экан. Амакиларим бизниқига кўп келишарди. Сотторхон бобом энг каттаси. Октепа деган қичкина қишлоқча бўлиб, шунда истикомат қилишарди. У киши мени отига миндириб олиб кетар, 3 кундан кейин олиб келиб қўярди. Ниҳоятда жаҳлдор, баланд овоз билан гапирарди. У кишини келинлари “Бўлис ака” дейишарди. Зуппархон бобом меҳрибон, мулойим эди, сув мироби бўлгани эсимда. Бўлтой дадам (исми Зокиржон) ҳам кўп келарди. Ҳар хил воқеаларни, уруш таассуротни айтиб беради. У киши Улуғ Ватан урушидан бир оёғидан айрилиб келган бўлса, Собирхон бобом урушдан қайтмаган, бедарак кетган. Шокирхон бобом ва Алихон акамлар Янгийўл туманида истикомат қилишарди. Улар келганда уйимизда тўй, хурсандчилик бўлар, бир-бирига жуда меҳрибон бўлишган.

Шум ажал келди бирдан ўша ернинг қаъридан,
Юлиб олди-ю, кетди, айириб ўғил-қизидан.
Ҳаёт қонуни шу-да, яшайверамиз экан,
Ўлганларнинг кетидан ҳеч қим ўлмас ҳам экан.
Бу мудҳиш ўлим, бизни эсанқиратди,

Онажоним ноласи ер-у кукни титратди.
Айрилиқ, оғрик азоби юракларни оғритди.,
Дадажоним изларига бизни зор-у, зор этди.

Ширин хотиралар куз олдингда намоён бўлади, унсиз йиғлайсан,
соғинч азоби калбингни эзади, кийналасан. Жонсиз суратларига боқиб
озгина бўлса ҳам таскин топаркансан.

Бебаҳо инсон эди меҳрибон дадажоним,
Қалби кенг дарё эди бебаҳо дадажоним.
Умрини бағишлади факат эзгу ишларга,
Эзгулик таркатувчи менинг жон дадажоним.

Мен раҳаматли дадажоним ҳақида кўнглим тўларли даражада айта
олмадим. Унинг ҳар бир куни, ҳар бир хайрли иши бир китоб бўлиши
мумкин эди. Хотираларим хиралашиб бормоқда.

Онаизорим... Меҳрибон, мушфиқ, беозор, оқила, ораста,
меҳнаткаш, чевар, дилкаш онажоним. Бу мушфиқ инсон бошидан
кечирганларини айтиб берарди, болалигимда тинглаб ўтириб
йиғлардим. Раҳматли келинойим айтарди: - “Кичкина қиз, (мени
шундай деб атарди) сиз ойимнинг айтганларини китоб қилиб ёзсангиз
бўларкан”, - деб. Ҳа, хотиралар китобини ёзиш учун катта журъат,
бақувват юрак, кучли сабр-тоқат керак кишига.

Онагинам 1924 йили дунёга келган. Тошкентдаги хотин-қизлардан
ўқитувчи тайёрлаш техникумида ўқиган. Мактабда бошланғич синфдан
дарс берарди. Катта хонадон қайин ота, қайин она, қайин оға, овсинлар,
бирин-кетин туғилган фарзандлар. Улар сабр-бардошли, чидамли
бўлганлар.

Биз 9 та фарзанд: 5 ўғил, 4 қиз эдик. Ҳар биримизни
ювиб-тараб, меҳр билан тарбиялаб вояга етказган. Ҳаётидан нолимасди,
хизматидан чарчамасди, бичарди, тикарди. Уйимиздан меҳмон
аримасди. Ойим ҳеч қачон ковок читмасди. Дадамни, қайин юртини
жуда-жуда ҳурмат қиларди. Отажон, онажоним, мени, сизлар учун
эркатой бўлган қизларингизни кечиринг. Рухларингиз шод, охиратингиз
обод бўлсин. Мақолани мен учун ҳамиша сеvimли бўлган шоир П.
Мўминнинг ушбу мисралари билан яқунламоқчиман:

*Оналар бор, олам қўшиқ хонадир,
Оналарни мақтаса дил қонадир,
Фарзанд учун ким қувониб ёнадир,
Онадир ул, онадир ул, онадир.
Фарзандига бахт берай деб ўйлаган,*

*Ирода – ю аҳд берай деб уйлаган,
Дил туридан тахт берай деб уйлаган,
Онадир ул, онадир ул, онадир.*

Оналар учун энг чиройли мисралардир, бу мисралар. 1976 йил 23 январь.

Сокина Мавланова.

Узумхон ўғли Илҳом

Мавланов Илҳом 1957 йили Янги Икон кишлоғида дунёга келди. 1964 йили Янги Икон кишлоғидаги 10- сонли ўрта мактабига I – синфга ўқишга киради ва 1974 йили Улуғбек номи ўрта мактабни битиради. 1976-78 йиллари Совет Армияси сафида Белоруссиянинг Новосибиров шаҳрида йигитлик бурчини адо этиб қайтди. 1978-1995 йиллар “III Интернационал” колхозида ишлади. 1995- йилдан бошлаб ҳозирги Улуғбек мактабида хизмат қилади. Оилали, 5 нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи нафақада. 12 та набиранинг бобо-момолари . Катта кизи Шохиста уй бекаси, 2 та фарзанди бор. Иккинчи кизи Севара Мавланова Улуғбек номи мактабда козок тили ва адабиёти фани ўқитувчиси: 4 та фарзанди бор. Ўғли Даврон Мавланов Астана шаҳрида “ФА-БО” фирмасининг директори, 3 та фарзанди бор. Кейинги кизи Ҳафиза Мавланова Улуғбек номи ўрта мактабда информатика фани ўқитувчиси, 2 нафар фарзанди бор. Кенжа фарзанди Ақромжон Узумхонов шу мактабнинг 8- синф ўқувчиси. Мавланов Илҳом Узумхон ўғли ҳаққонийликни севади, ҳар қандай ишни ихлос билан бажаради. Ҳалоллик унинг бош ғояси. Оиласига ғамхўр. Хушчакчак кайфият ҳар доим уни тарқ этмайди, ўз қариндошлари орасида доимий муомаладаги, жамоат орасида обрў-эътиборли инсон.

Узумхон ўғли Одил

Узумхон ўғли Одил 1960 йили туғилган. Тожихон кизи Насиба билан турмуш қуриб, бешта кизнинг суюкли отаси. Улар – Нодира, Нозима, Муниса, Дилафруз ва Зиёдалар. Одил ва Насиба жаннатий ота-оналардир.

АБДУМАВЛОН ўгли Алихон Мавланов (1921-1976)

Алихон ака Тошкентда медицина институтида ўқиб юрган чоғларида иккинчи жахон уруши бошланиб, Ватан ҳимоясига жалб этилади. Фашизм тарафидан ташланган авиабомба натижасида оғир яраланади. Санчада даволанади ва шу ерда медсестра бўлиб ишлаб юрган осетин қизи Оля билан танишиб, уни унатиб қолади ва унга уйланади. 1946 йили Осетинлик келин билан она кишлоғи - Иконга келишади.





Алихон ака мактабда ўқитувчи, Оля опа эса кишлокда почта бошлиғи бўлиб ишга жойлашади. 1950 йили оиласи Тошкент областидаги Янгийўл шаҳрига кўчиб кетишади. У ерда кўплаб ташкилотларда раҳбарлик лавозимларида ишлайди. Янгийўл кондитер фабрикасида директор бўлиб ишлаб юрган вақтида автохалокат туфайли оламдан ўтади.

Тўнғич фарзанди Анатолий (Толик) 1943 йили 28 октябрда, иккинчи фарзанди (Руслан) Русик 1945 йили 16 сентябрда Россиянинг Осетия шаҳрида дунёга келадилар. Учинчи фарзанди Тамара 1947 йили



16 июнда, тўртинчи фарзанди Умида (Люда) 1949 йили 2 ноябрда Икон кишлоғида туғилганлар. Кейинги фарзанди Раҳмон (Юрик) 1956 йили Янгийўл шаҳрида туғилган, навқирон чоғида, яъни 1978 йили оламдан ўтди. Иккинчи жаҳон уруши тугагач, Алихон ака 1946 йили кишлоғига келганида кишлоқ турғуни Сажан опани ёктириб қолади ва улар ўртасида киз фарзанд дунёга келиб, унга Минура исми берилади. Толикдан битта киз, Анжела 1976 йили туғилган. Бугунги кунда Россия фуқароси. Москва шаҳрида яшайди, Русикдан иккита фарзанд – тўнғич фарзанди Эрика бугунги кунда ўғли Жамшид билан Қрим шаҳрида

яшайди. Иккинчи фарзанди Рутен эртарок оламдан ўтган, Рутеннинг ўғли Руслан Грецияда яшайди.

Тамара Самаркандлик Сали билан турмуш куриб битта ўғил куришган, исми Аурел. У 1983 йили 22 январда туғилган, бугунги кунда Германия фукароси.



Люда (Умида) Улаш билан турмушида 4 та фарзандли булди: биринчиси -Лейла 1975 йили 25 майда, иккинчиси- Динара 1977 йили 23 октябрда, учинчиси- Наргиза 1981 йили 22 сентябрда, кенжаси Алимжан 1988 йили 18 апрелда туғилганлар.





Юрикда 4 та фарзанд: уч киз ва битта ўғил фарзанди бор. Минура опа Мамирхон ўғли Шухрат билан турмуш куриб, 4 та фарзанд – Хуршид, Хушнуд, Лайло, Сабохат исмли фарзандларини тарбиялаб устиришди.

ИСОҚ ўғли НИШОН

Исоқ ўғли Нишондан Тўти ая туғилган, ундан Шодат исмли киз туғилган. Шодатдан – Ояш, Сайёра, Ирислик, Лукмон, Дилором, Хокан, Шарофат исмли фарзандлар дунёга келган.



Ояш Иконлик Садиков Ирисбойга турмушга чикиб, кўп фарзандли она.
Сайёра Ибота кишлоғида истикомат қилган. Катта кизи Мапан, Нусбат
ака ўғли Ғофуржон Зуппархановга турмушга чиккан .

Ирислик Аргинда истикомат килади.

Лукмон Иботада яшаб ўтган: 1 ўғил ва 2 кизнинг отаси.

Дилором Сайрам тумани Беловод кишлоғида яшайди.

Хакон Ибота кишлоғида яшаб ўтган: 2 ўғил ва 4 кизи бор.

Шарофат Ибота кишлоғида истикомат килади: 2 ўғил ва 3 кизи бор.

ИСОҚ ўғли АБДУРАХМОН

Исоқ ўғли Абдурахмондан 3 та фарзанд туғилган – Аббос,
Набихон, Мехри.

Абдурахмон ўғли Аббос (1899-1968)

У 1899 йили Эски Иконда туғилиб яшаган. У ажабтовур оммани
бошқариш қобилятига эга бўлган. Жамиятни коллективлаштириш
жараёнида фаол қатнашган. Ленин қолхози раиси бўлган. Шунингдек,
омборхона мудир, ер, солиқ комитетида хизмат қилган.

Аббос ота Марзия опа билан турмуш қуриб, олти фарзанд
тарбиялашган. 5 ўғил ва 1 қиз, улар қуйидагилар:



Аббос ўғли Тўраҳон Аббосов (1929-1982)

Иконда туғилиб, ўсиб-униб, хайдовчилик касби билан шуғулланган. Қишлоқ хўжаликларида юк машинасини хайдаб, халкнинг узоғини якин, оғирини енгил қилишда ўз хиссасини қўшган инсон. У Абиш кизи Ирислик билан турмуш қуриб, олти ўғил ва икки қиз тарбиялашган. Улар қуйидагилар:

Тураҳон ўғли Султон Аббасов – 1956 йил

Хурсан Аббасов - 1958 йил

Тожиҳон Аббасов- 1961 йил

Тураҳон кизи Минаш (Ояжон) Аббасова – 1964 йил

Гулжаҳон (Жапай) Сайдакберова -1967 йил

Тураҳон ўғли Ҳамза Аббасов - 1969 йил

Баҳор (Бақаш) -1972 йил

Тураҳон ўғли Жумадулло - 1976 йил

Аббос ўғли Эркин Аббасов (1939-1995)

Эркин ака Аббосов 1939 йили Эски Икон қишлоғида деҳқон – чорвадор оиласида туғилди. Болалиғи ва мактабда ўқувчилик йиллари шу қишлоқда ўтди. Ўрта мактабни қумуш медал билан тугатган. 1962 йили Тошкент қишлоқ хўжалиғи ирригация ва мелиорация инженерлари институтини битириб, инженер-механик мутахассислигини эгаллайди. 1966 йилдан КПСС аъзоси. Меҳнат фаолиятини 1963 йили Эски Икон қишлоғида инженер-механикликдан бошлади. 1967 йил март ойдан “КПСС XXIII – съезди” номли совхозда бош инженер, 1986 йил апрель ойдан бошлаб, ушбу совхоз директори лавозимида ишлади.



Қозоғистон Компартияси Туркистон район комитетининг аъзоси, қишлоқ ва район Советларининг депутаты.

Қишлоқ хўжалиги ишларини механизациялаштиришга қўшган улуши учун “Ҳурмат белгиси” ордени, “Меҳнатда мардлиги учун” медали билан мукофотланган.

Э. Аббосов 1990 йили 23 мартдаги сайловда Қозоғистон Республикаси халқ депутатлигига сайланди. 1995 йил март ойигача совхоз директори, хўжалик тарқатилгандан сўнг янги ташкил топган “Икон” колхози раиси бўлиб ишлади. 1995 йили 11 майда соғлиги ёмонлашгани учун ўз аризасига биноан ишдан озод этилди. 1995 йили 30 сентябрь куни вафот этди.

Эркин Аббасов халқимиз ёдида мангу, яхши ном билан сақланади. Сабаби, қишлоғимизда фаолиятда бўлган совхоз хўжалиги, унинг иқтидорли раҳбарлиги натижасида мисли қўрилмаган муваффақиятларга эришилди.

У раҳбарлик қилган ўн йил мобайнида меҳнаткашлар ҳаётини мўл-кўлчиликка етказди. Ишчиларнинг маиший шароити яхшиланиб, даромади ошди. Меҳнаткашлар турли замонавий техникаларни, жумладан, енгил автомобиль, холодильник, телевизорга ўхшаш маиший техникаларни сотиб ола бошладилар. Дам олиш масканларида хордик чиқаришга бора бошладилар. Шунингдек, қишлоғимизда маданий чоратадбирлар тез-тез ўтадиган бўлди. Турли маданий-маиший объектлар қишлоғимиз киёфасига файз киритди. Қишлоқ кўчалари таъмирланди. Бир сўз билан айтганда, халқ турмуши ободонлашди.

Эркин Аббосов каби ватанпарвар, халқпарвар, билимдон сифатидаги раҳбар орамизда ўта сийрак учрайди, чамамда...

Совхоз хўжалигига 1985-95 йиллар давомида Э. Аббасов раҳбарлик қилган йиллар қишлоқ меҳнаткашлари ҳаётида ҳар томонлама олиб қараганда, олтин давр деб аташ мумкин.

Бундай таърифлаш совхоз раҳбари фаолиятини сохталаштириб кўрсатилаётгандек. Лекин, бу раҳбарга нисбатан ҳаққоний баҳо эди. Сабаб, хўжалик ҳаётини таҳлил қилиб қўрилса, ойдинлашади. Совхоз қурилишини бинойидек амалга ошириш учун шу пайтда фаолиятдаги давлатнинг аграр институтлари шу совхозда фаолиятда бўладиган ерларни синчиклаб текшириб, пахта хом ашёсини ҳар га. ердан 20-21 центнердан етиштира боладилар, - деб, ҳулоса далиллаб берган. Лекин, 1963 йили қурилган совхоз ерларининг ҳосилдорлиги 70 йилларга келиб, камаяверди. Ҳатто 1983-84 йиллар ҳосилдорлик гектар бошига 10 центнерга ҳам етмай қолди. Совхоз рентабеллиги талабга жавоб бермай қолди. Шу пайт 1986 йили Э. Аббасов совхоз директори бўлиб сайланди. У киши биринчи навбатда совхознинг бош мутахассисларига эрк бериб, илғор фан-техника ютуқларини амалда қўллашни топширди ва ўзи каттик назоратга олди. Масалан, ерларни икки қават (ярусли)

плуг билан чуқур (40-45см) ҳайдатди. Натижада экинзорлар бегона ўтдан тоза ҳолда баравар, ажойиб кўринишда ривожланаверди. У раҳбарлик қилган ўн йил ичида пахта ҳосилдорлиги кескин ошди. Пландан ошириб, пахта етиштирилди. Комбайнлар билан асосий ҳосил йиғиштириб турилди. Совхоз рентабеллиги жиҳатидан Қozoғистонда олдинги қаторга чиқди. Совхоз неча юз миллионлаб фойда кўрди.

Эркин Ўрмон кизи Санобат билан турмуш қуриб, 4киз ва 3 ўғил устиришдилар. Улар қуйидагилар:

Эркин ўғли Альфред (Толиб) -1964 йили туғилган.

Эркин кизи Индира – 1967 йили туғилган.

Эркин ўғли Альберт – 1970 йили туғилган.

Эркин кизи Илмира -1972 йили туғилган.

Эркин кизи Илмида -1974 йили туғилган.

Эркин кизи Шоҳида -1976 йили туғилган.

Эркин ўғли Гамлет -1978 йили туғилган.

Аббос ўғли Эргаш Аббосов

Аббос ўғли Эргаш Аббосов 1944 йилда Иконда туғилган. Шу қишлоқдаги ўрта мактабни тугатиб, Тошкентдаги ТИИИМСХ институтининг инженер-гидротехник мутахассислиги бўлимини тамомлаб, “ХХІІІ - партсъезд” номи совхознинг ММО бўлимида прораблик лавозимида иш бошлади. Сўнгра ММО бўлимини бошқарди. 1988 йили янгидан агроучастка пахтачилик бўлимининг очилиши муносабати билан шу бўлимни бошқарди.

1998 йили “Улуғ қопқа” хўжалиги ташкил этилиб, шу хўжаликнинг бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлаб келди.

Эргаш Аббосов умр йўлдоши Ширин Шомухтор кизи билан турмуш қуриб, учта ўғил фарзанд устирдилар. Ширин қишлоғимиздаги “Иқон” ўрта мактабида деярли 40 йил бошланғич синф ўқувчиларига устозлик қилди. Ҳозирги кунда нафақада. Фарзандлари:

Аббасов Акабой (Боботой) - 1971 йили туғилган.

Аббасов Комилжон - 1973 йили туғилган.

Аббасов Зокиржон - 1976 йили туғилган.

Аббос кизи Замира

Аббос кизи Замира1950 йили Эски Иконда туғилди. Муқим ўғли Алишер билан 3 киз ва битта ўғил тарбиялашган.

Муқимова Саломат Алишер кизи

Муқимова Каромат

Муқимов Аминжон

Муқимова Назира

Аббос ўгли Равшан Абдурахмонов

1953 йили Икон кишлоғида туғилган, 1970 йили кишлоқдаги ўрта мактабни тугатгач, армияга хизмат сафарига кетади. Хизматдан қайтиб, колхоз ва совхозда ҳайдовчилик вазифасини бажаради. У Зўроб кизи Матлуба билан икки ўғил ва бир киз тарбиялаб ўстирдилар.

Раҳим Абдурахмонов Равшан ўгли 1977 йили туғилган.

Моҳигул Равшан кизи 1979 йили туғилган.

Рафиқ Равшан ўгли 1984 йили туғилган.

Аббос ўгли Рустамбек Абдурахмонов

1956 йили Иконда туғилган. Шу ерда ўрта мактабни тугатиб, Тошкентдаги ТИИИМСХ институтининг инженерлик мутахасслиги бўлимини тамомлади. Икондаги совхознинг ММО бўлимида тракторчилар бригадасининг бригадири бўлди. Сўнгра ММО бўлимининг механиги вазифасини бажарди. Совхоз колхозга айланиб, сўнгра приватизация муносабати билан “Улуг-Қопка” ширкат ҳўжалигида инженер-механик хизматида ишлади. 2002 йили Икондаги янгидан очилган СПТУ-№21нинг филиалига ишга жойлашди. СПТУ №21 билим юрти №23 коллежга айланиб, шу даргоҳда бугунги кунгача ўқув ишлаб чиқариш устаси, махсус фанлар ўқитувчиси вазифасида ишламоқда. Рустамбек умр йўлдоши Манноп кизи Ойсанам билан бир киз, учта ўғилни ўстиришмоқдалар.

Рустамбек ўгли Роберт Абдурахмонов – 1982 йили туғилган.

Мавлуда 1983 йили туғилган.

Бўстон 1986 йили туғилган.

Бахтиёр 1993 йили туғилган.

Рустамбек ўгли Роберт Абдурахмонов ўрта мактабни Тошкентда битириб, сўнгра финанс соҳасини эгаллади. У Тошкентдаги коллежда бош ҳисобчи бўлиб ишлайди. Тоҳир кизи Ноила билан бир ўғил, бир қизни ўстиришяптилар. Рустамбек ўгли Бўстон Шимкентдаги университетнинг математика фани ўқитувчиси мутахассислигини тамомлаб, турли хил фирмаларда менежерлик қилди. Ҳозирги кунда кишлоқдаги №25 мактабда математика фанидан дарс беради. Амин кизи Венера билан турмуш қурган.

Рустамбек ўгли Бахтиёр Абдурахмонов ўрта мактабни битириб, уяли телефонни таъмирлаш устаҳонасида ишлаган. Ҳозир эса Олма-ота шаҳридаги Сатпаев университетида металлургия мутахассислиги бўйича ўқимоқда.

Абдурахмон ўғли Набихон

Набихон бобо Малика опа билан турмуш куриб, тўқкизта фарзандни вояга етказдилар. Улар:

Набиева Ҳалима 1938 йили туғилган. Тошкент кишлоқ хўжалиги институтини тугатган, Фарғона педагогика институти, Тошкент кишлоқ хўжалиги институтида иктисод фанидан ёшларга сабоқ берган. Ўғиллари Шухрат, Дилшод, кизи Сайёралар олий маълумотли. 5 та набиранинг сеvimли бувижониси. 2014 йили 21 апрелда оламдан ўтди.

Абдурахманов Тўлқин – 1940 йили туғилган. Тошкент автоўл институтини тамомлаган. Андижон шаҳрида инженер -механик ва нафақага чиққунча совхозда бўлим механиги, гараж мудири лавозимида ишлаган. Ўғиллари Улуғбек олий маълумотли ўқитувчи, Ойбек, Бахтиёр, Дониёр, Ҳусан, кизлари Фотима ва Феруза исмли кизлари бор. 15 та невараси бор, бугунги кунда нафақада.

Набиев Ирискул – 1945 йили туғилган. Фрунзе политехника институтининг энергетика факультетини тамомлаган. Кўп йиллар XXIII съезд совхозида бош энергетик бўлиб ишлаган. Умр йулдоши Абдулахат кизи Бегзода билан куйидаги фарзандларни тарбиялаб, вояга етказганлар. Фарзандлари Ақром Набиев Тошкент ирригация институтини битирган. Бугунги кунда Тошкент мой заводида бош энергетик, Адҳам Набиев Тошкент давлат физкультура институтининг жисмоний тарбия факультетини тамомлаган, №23 коллежда техник ходим, Акмал Набиев – Тошкент медицина институтини тамомлаган, ҳозирги кунда Туркистон шаҳридаги поликлиникада шифокор бўлиб ишлайди, Набиев Абдор – Тошкент кишлоқ хўжалик институтини битирган, бугунги кунда тадбиркор, Набиева Нигора – Тошкент педагогика коллежини битирган. 17 неваранинг сеvimли бувижониси.

Набиева Анила 1947 йили туғилган. Фарғона кооператив техникумини битирган. Кўп йиллар кишлоқ ҳокимчилигида бухгалтер бўлиб ишлаган. Фарзандлари Алиханов Жаҳонгир Тошкент кишлоқ хўжалик институтини ўқиб битирган, кизи Салаева Гулмира Сирдарё педагогика институтини битирган, бугунги кунда А. Яссавий номли мактабда рус тилидан дарс беради. Алиханов Фуркат Тошкент педагогика техникумини тамомлаган, тадбиркор. Алиханов Суръат Тошкент педагогика техникумини битирган, Тошкент шаҳрида яшайди, тадбиркор. Алиханов Элрух яққа хўжаликда иш юритади.

Набиева Ҳабиба 1950 йили туғилган. Марғилон медицина техникумини битирган. Қишлоқда ҳамшира бўлиб ишлаган. У Шаропов Абдужаббор билан турмуш куриб, икки ўғил ва битта киз тарбиялашган. Фарзандлари: Шарапов Ҳусан Самарқанд кишлоқ хўжалик институтини ўқиб, инженер- қорақўлчи мутахассислигини

олган, бугунги кунда тадбиркор. Шаропова Фотима Тошкент рус тили институтини тугатган, Тошкент шахрида яшайди. Шаропов Максуд тадбиркор.

Абурахмонов Абдуғаппор 1953 йили туғилган, Фарғона политехника институтининг геология факультетини, Фарғона Педагогика институтини битирган. Яссавий номли мактабда директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимида ишлади. Элдар Абурахмонов Ўзбекистон Давлат физкультура институтини тамомлаган, шу кунларда Х. А. Яссавий номли мактабда жисмоний тарбия фани ўқитувчиси бўлиб фаолият юритади. Абурахмонова Гулрух Тошкент педагогика техникумини тамомлаб, пойтахтнинг мактабларидан бирида ишлайди. Абурахмонова Гулнора Туркистон медицина коллежини тамомлаб, қишлоқ шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлайди. Абурахмонова Сабохат Шимкент педагогика университетини тамомлаган, тарих-география фани ўқитувчиси. Абурахмонова Зилола Шимкент шахрида минтакавий инновациялик университетининг 2- курс талабаси, педагог-психолог мутахассислиги бўйича таҳсил олмоқда.

Абурахмонова Райхон Фарғона педагогика институтининг тарих факультетини тамомлаган, Тошкент шахрида яшайди. Фарзандлари Ахмедова Зулфия молия коллежини тугатиб, банкда ишлайди. Ахмедова Шахноза қишлоқ хўжалиги техникумини банк соҳаси бўйича тамомлаган. Ахмедов Шохрух Тошкент иқтисод институтини тамомлаган, тадбиркор. Райхон 6 неваранинг бувиси.

Абурахмонова Дилдора 1961 йили туғилган. Фарғона педагогика институтининг инглиз тили факультетини тамомлаган, бугунги кунда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти кафедрасининг мудири. Фарзандлари Ярашев Жамшид халқ хўжалиги университетининг иқтисод факультетини битирган, тадбиркор. Ярашева Динора Тошкент давлат педагогика институтининг рус тили факультетини тамомлаган, ўқитувчи. Битта неваранинг бувиси.

Абурахмонова Дилфуза 1964 йили туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия мутахассислигини тамомлаган. Қизи Жаббарханова Гулвера Шимкент педагогика институтининг козок тили факультетини тамомлаган, айни кунларда қишлоқдаги “Акку” болалар боғчасида ишлайди. Жабборхонов Азизбек Шимкент шахридаги минтакавий инновациялик университетининг жисмоний тарбия факультетини битирган. Жабборхонова Севара Х. А. Яссавий номли мактабнинг ўқувчиси. Дилфузанинг иккита невараси бор.

Абдурахмон кизи Мехри

Мехри опа Иконда туғилиб ўсган. У жалоийр уруғига мансуб Қосим деган йигит билан ҳаётини боғлаган ва улар беш киз ва икки ўғил тарбиялаганлар. Ўғиллари: Анорбой, Нишонбой, кизлари Набира, Мунаввар, Ҳамаш, Тамаш, Ирслик. Ўғли Нишонбойнинг ўғиллари Мирзахон, Аваз, Арабхон, Раҳматжон, Тўйжон, кизлари Лола ва Ражаб.

Анорбойдан: кизлари Мухтарам, Мадина, Камила, ўғиллари Валихон, Адилхон, Фозил, Воҳиджон, Алижон дунёга келган.

ИСОК ўғли АБДУРАХИМ (АБДУРАЙИМ)

Абдурахим аёли Зафарон билан 6 ўғил ва 1 киз фарзандларни дунёга келтириб, ок ювиб, ок тараб вояга етказдилар.



Унинг Тўркин исмли кизи қазо қилган. Укаси Абдумавлон билан деярли бир ҳовлида яшаганлар. Абдурахимнинг аёли Зафарон 1967 йил 17 июлда 107 ёшида оламдан ўтган. Бу ерда Зафарон аянинг узок умр кўрганини алоҳида қайд этиш лозим. Абдурахимнинг уч ўғли Нишонбой, Нормат Бобоҳон отаси билан бирга Тошкентга кўчиб кетишган. Абдурахим бобо 1937 йили оламдан ўтиб Чирчик яқинидаги Троицк қишлоғида дафн қилинган.

Опаш ая эри Аҳмад исмли киши билан 6 та фарзанд – Тураҳон, Йўлдош, Ирсипка, Малика, Опан, Ирсликлар дунёга келган. Унинг тўнгич фарзанди Тураҳон аёлининг исми Ойжамол билан Аҳмад (Акаш), Фозил, Тельман, Азизхон исмли фарзанд кўрганлар. Фозил 20 ёшга келганда автоҳалокатдан кўз юмган.

Абдурайим ўғли Жабборхон

Абдурайим ўғли Жабборхон Иконда туғилиб ўсган. У амакиси Абдумавлон аканинг қизи Чаманисога уйланиб, етти фарзанд ўстирган; кизлари Тўркун, Тожигул, Ойсултон. Ўғиллари; Ирисбек, Султонбек, Одилбек, Олимбек.



Жабборхон кизи Тўркин.

У Иконда туғилиб - ўсиб мактабни битирган. Дастлабки йиллари пионервожатий , кейин мактабда турли хизматларда ишлаб юрди. Турмуш ўртоғининг исми Тошпулат. У 1925-2013 йиллари яшаб ўтди. Қизлари; Ойимхон, Нурхон, Гулхан, Анорхон. Ўғиллари; Орифхон, Эргаш, Рахмонкул, Пармонкул.



Жабборхон кизи Тожигул.

Иконда туғилиб-усган.

Қизлари; Аноргул, Баҳоргул ўғли
Адҳамжонларни вояга етказди.
Умр йўлдоши Сайдали эртарок,
50 ёшидаёқ вафот этди.
Адҳамжон турмуш ўртоғи Ҳусайн
кизи Мақсад билан Сайдали ва
Сайдамин исмли икки ўғил,
Гулвера ва Гулноз исмли
қизларни вояга етказдилар.



Жабборхон ўғли Ирисбек

Жабборхон ўғли Ирисбек 1928 йили Иконда туғилиб ўсган. Ўрта мактабни тугатиб, сўнгра бухгалтерлик мутахассислиги бўйича ўқиб, ҳисобчилик касбини эгаллади. Ирисбек ака Икондаги “23-партсъезд” совхозида бухгалтер-кассир бўлиб, кўп йиллар меҳнат қилди. Турмуш ўртоғи қаҳрамон она Жаҳонобод билан уч ўғил, 5 киз ўстирдилар; Суяробек, Ойбек Тўрабек, Нуробод, Гулистон, Чаманисо, Зарофат, Малоҳат исмли кизларни тарбиялаб вояга етказдилар. Уларнинг барчаси ўрта ва олий маълумотли.



Жабборхон ўғли Султонбек

Жабборхон ўғли Султонбек Иконда туғилиб ўсган. Ўрта мактабни тугатиб, қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия мутахассислигини эгаллайди. Иконга келиб, дастлаб боғдорчилик ишларини бажариб юрди. Кейинчалик совхоздаги пахта бригадири, катта бўлимда аввал агроном, сўнг бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлади. Нафақага чиққунга қадар агроном бўлиб фаолият юритди.

У анча ҳаракатчан, ишга масъулият билан ёндашадиган инсон эди. Аёли Ҳафиза Юлдаш кизи билан 5 ўғил, уч киз тарбиялаб вояга етказдилар. Ҳафиза ҳам



кишлоқдаги Ю.А.Гагарин номли мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб фаолият юритди. Фарзандлари Султонгул, Дилмурод, Холмурод, Любамир, Элнур, Диёра, Шухрат, Нигора деярли олий ва ўрта маълумотли.

Жабборхон кизи Ойсултон- 1938 йили Икон кишлоғида туғилган. Шу ерда ўрта маълумот олган. Кейин Наманган шаҳридаги кишлоқ хўжалиги институтининг иктисод факультетига ўқишга кириб, уни тугатгач, Намангандаги Шоханд кишлоғидаги “Ўзбекистон” колхозида иктисодчи бўлиб меҳнат фаолиятини бошлайди. Ойсултон опа шу кишлоқда турмуш қуриб, умр йўлдоши Абдурахмон (ҳозир у мархум) билан тўрт қиз, икки ўғил тарбиялаб, вояга етказишган.

Жабборхон ўғли
Одилбек 1940 йил эски Икон кишлоғида туғилган. 1947 йил кишлоғдаги Эски Икон ўрта мактабининг 1-синфига кириб ўқий бошлади. 1957 йили Одилбек ака Эски Икон ўрта мактабини тамомлагач, Тошкент Давлат физкультура ва спорт институтига имтиҳонни муваффақиятли топшириб, ўқишга қабулланди. Одилбек аканинг биринчи ва иккинчи курсда тренери



(машғулот олиб боровчи) В. С. Аванесов деган арман йигити билан машғулотни, яъни штанга кўтаришнинг тактикаларини чуқурроқ ўргана бошлади. Машғулотлар яхши натижа бера бошлади. Одилбек ака II разряд нормасидан ошириб, I разрядга яқинлаштириб қўйди. Институт биринчилигида I ўринни эгаллади. 3-курсда Ўзбекистон терма командасининг тренери М. А. Микартумян деган арман йигити Одилбек акани республика терма командасига аъзо қилиб олади. 1959 йили январь ойида ЎЗ ССР чемпионати бўлиб ўтди. Мана бу мусобақада 1-чи ўрин соҳиби бўлди. I – разрядли республика чемпионлигига сазовор бўлди. 1960 йил 3-8 июль кунлари Тошкентда штангадан Ўзбекистон ССРнинг 1-ёзги студентларнинг ўйини бўлиб ўтди. Бу мусобақада ҳам умумҳисоб бўйича 365 кг кўтариб, яна

чемпион номига эга бўлди. Одилбек аканинг бу улкан ютуғи Ўзбекистондаги барча оммавий ахборот воситаларида, радио - телевидениеларда эълон қилинди. У 1961 йили институтни муваффақиятли тамомлади. Институтдан I- разрядли спортчи, I- категорияли судья номини олиб чиқди. Унга Ўзбекистон ССР студентларининг терма командасига тренер этиш йўлланмаси берилди. Лекин, у ўзи ўқиган мактабга келиб ёшларни жисмоний томондан тайёрлаб, спортнинг сирларини етказишга шошилди. 1961 йили 15 августдан ўзи ўқиган Икон ўрта мактабига жисмоний тарбия фани ўқитувчиси бўлиб иш фаолиятини бошлади.

Одилбек Жабборхонов – Туркистон районида жисмоний тарбиядан энг биринчи мутахассислардандир. Мактабларда шу давргача мутахассис бўлмаганлигидан меъёрида дарс ўтиш учун шароит ночор эди: спорт майдони ночор, спорт зали йўқ, анжомлар жуда оз, санокли. Мактабга Туркистон райони волейбол командасининг аъзоси М. У. Умаровни таклиф этдилар. У жуда кўп фикр ва маслаҳатлар берди. Озлаб шароит яратила бошлади ва силжишлар сезилди. Қишлоқ ёшлари ва мактаб ўқитувчиларини оғир атлетика (штанга) билан шуғуллантириш учун фаол ёшлар билан машғулот ўтадиган жойлар тайёрланди ва жиҳозланди. Шу даврда К. Маркс совхози директори Нарметов Музаффар ака ёшларнинг ташаббусини қўллаб, аризалари асосида спорт турлари бўйича анжомлар олиб берди.

Натижада, маҳаллаларда спорт майдонлари қурилиб, ёшлар спорт турлари билан шуғуллана бошладилар. Оғир атлетика (штангадан) бўйича машғулот мунтазам ўтказила бошланди. У қуйидаги ёшларни машқ қилдира бошлади:

- | | |
|-------------------------|----------------------------|
| 1. Дадахонов Ўринбосар | 8. Абдиев Тўлқин |
| 2. Юлдашов Сиражиддин | 9. Субатов Тожиҳон |
| 3. Икраев Ўсар | 10. Абубакиров Зайнобиддин |
| 4. Юлдашов Ўринбосар | 11. <u>Миранов Ғофур</u> |
| 5. Тошбоев Асадулло | 12. Шаропов Абдуҷаббор |
| 6. <u>Адешов Рустам</u> | 13. Шаропов Ғофур |
| 7. Набиев Мамараим | 14. Чолдонов Зуппархон |

Одилбек аканинг биринчи шогирди Қувониш Мавланов Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт институтини тамомлади. 1969 йили Эски Икон қишлоғига келиб, Икон совхозига спорт соҳасидан услубиётчи бўлиб ишга жойлашди. 1971 йили №11 Туркистон РайОНОсининг буйруғи билан ВЛКСМ 50 йиллиги ҳозирги

“Икон” ўрта мактаб базасида 1- февралдан бошлаб район ёшлар спорт мактаби (ДЮШС) очилиши тўғрисида буйруқ бўлди. Жабборхонов Одилбек акани шу мактабга ўқув ишлари ўринбосари этиб тайинладилар. Бу ўта оғир ва маъсулиятли вазифа эди. Сабаби алоҳида база йўқ, бино йўқ, барча ишлар мактаб базасида бўлиши керак. Биронта маълумотли мутахассис йўқ эди. Одилбек ака Туркистон райони ёшлар спорт мактабига илмий мудир бўлганидан кейин совхоз ёшлари билан иш олиб бориш, яъни машғулот ўтказиш имконияти бўлмади.

Мазкур жонли хотира -эсдаликлар бугун тарих саҳифаларидан жой олиб улгурибди. Одилбек аканинг бу хотираларини бебаҳо ёдгорлик сифатида эҳтиётлаб саклаб қўйсак, бу сулола давомчилари ўз авлодлари ҳаёт фаолиятидан аник тасаввурга эга бўлишади. У 2007 йили нафақага чиқади ва 2010 йили вафот этади. О. Жабборхоновнинг умр йўлини тадқиқ қилар эканмиз, у кишининг бутун онгли ҳаёти спорт билан ёшларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечганини кўрамиз.

Жабборхон ўғли Одилбек ака Бойжонова Ирис Туймат кизи билан турмуш қуриб, 5 ўғил ўстириб вояга етказдилар. Фарзандларининг ҳаммаси олий ва ўрта маълумотли.

1. Жабборхонов Рустамхон-1964 йили туғилган.

Оилали. Турмуш ўртоғи Маннапова Каромат билан 3 ўғил тарбиялаб вояга етказмоқдалар. Фарзандлари:

Жабборхонов Лазизбек - 1984 йили туғилган.

Жабборхонов Рухиддин -1991 йили туғилган.

Жобборхаонв Мирзохид- 1993 йили туғилган.

2. Жабборхонов Юлдашбек – 1969 йили туғилган.

Оилали. Турмуш ўртоғи Мусаева Зухра билан 3 фарзандни тарбиялаб вояга етказмоқдалар:

Жобборхонов Хумоюн

Жобборханова Қизлархон

Одилбеков Асадбек

3. Жабборхонов Ақром 1972 йили 22 июнда туғилган.

Оилали. Турмуш ўртоғи Сотиболдиева Дилноз билан бир ўғил, бир кизни ўстирмоқдалар.

Одилбекова Зебохоним

Одилбеков Дилшод

4. Жабборхонов Абдор 1975 йили дунёга келган.

Оилали. Турмуш ўртоғи Жобборханова Садокат билан 2 киз, бир ўғил тарбияламоқда;

Одилбекова Юлдуз

Одилбекова Одина

Одилбеков Дониёр

5. Жобборханов Анвар 1980 йили туғилган.

Оилали. Турмуш ўртоғи Қосимова Тожинисо билан икки ўғил тарбияламоқдалар.

Одилбеков Арофат

Одилбеков Отабек

Жобборхон ўғли Олимбек

Жабборхонов Олимбек ака 1943 йили 9 февраль кунин Эски Икон кишлоғида дунёга келди. Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги Наманган Давлат педагогика институтининг физика - математика факультетини тамомлаган.

1965-66 йиллар оралиғида Армия сафида фукаролик бурчини бажаради. 1966 йили Ўзбекистон ССР Андижон вилояти Задарё туманида ўрта мактабда физика ва математика фанларидан дарс бера бошлади.



1965 йили Туркистон тумани халқ таълими бўлимининг Наманган Давлат педагогика институти ректорига илтимос – талаби бўйича Икондаги Ю.А.Гагарин номли ўрта мактабга ўқитувчи сифатида ишга жойлашди. У ерда 1976 йилгача физика ва математика фанларидан ёшларга сабоқ бериб келди ва шу йилдан 1983 йилгача мазкур мактабнинг илмий бўлим мудирини бўлиб фаолият юритди. Эски Икон ишлаб чиқариш комбинатида директор ўринбосари ва шу йилнинг сентябрь ойидан 2010 йилнинг август ойигача “Икон” ўрта мактабида математика фани ўқитувчиси бўлиб ишлади.

1976-1978 йиллар оралиғида Чимкент вилояти Партия комитети ёнидаги Марксизм-Ленинизм Университети идеология факультетининг сиёсат бўлимини кизил диплом билан тамомлади. 46 йил давомида ёш авлодга физика-математика фанларидан сабоқ берди. Услубиётчи-ўқитувчи. Илғор тажрибаси вилоят мактаблари, Икон мактаблари орасида оммалаштирилган.

Жабборхонов Олимбек ака ҳақида оддийгина сўзлар билан ҳаяжонсиз гапириш соддалик бўлади.

Биринчидан у ўрта мактабни кумуш медаль билан тугатган. Иккинчидан, Наманган институти ўқувчилари унинг зийраклиги, билимга чанқоклигини, билим эгаллаши мукамаллигини институт талабаларига ҳар доим ўрнак қилиб кўрсатардилар. У олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан тугатди. Учинчидан, 25 йил давомида Туркистон тумани таълим бўлимига қарашли математика фани бўйича ўқитувчилар секциясини бошқарган.

Тўртинчидан, 5 марта аттестациядан ўтиб, уни олий тоифали муаллимликка лойиқ деб топилган. Олимбек аканинг билим даражаси ўта юкори баҳоланган.

Бешинчидан, “Мектеп” илмий методик журналининг 2006 йили март сонидида “Пифагор теоремасининг моҳиятини умумлаштириш” деган мақоласи эълон қилинди. Вилоят халқ маорифи тавсияси билан унинг бу меҳнатидан ўқитувчилар қўлланма сифатида фойдаландилар. Шундай қилиб, О. Жабборхонов вилоят миқёсида обрўли ўқитувчи ҳисобланган. У нафақага чиққунча 46 йил давомида, турли даврларда Икондаги ўрта мактабларда оддий ўқитувчи, ўқув ишлари бўйича директор муовини хизматларида катта жавобгарлик билан ишлади. У туман, вилоят маориф бўлими томонидан муносиб тақдирланиб борди.

Умр йўлдоши Шаҳодат билан муносиб фарзандлар тарбиялаб ўстирдилар.



Жабборхонов Шавкат Олимбек ўғли 1968 йили туғилган. Учта фарзанди бор: иккита киз, битта ўғил. Кизи Жабборхонова Дилафруз ХҚТ Университети Тиббиёт факультетининг 5- курс талабаси; Жабборхонова Зухра ХҚТ университетининг тиббиёт факультетининг 1- курс талабаси; Жабборхонов Ҳасан М. Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон Университети математика факультетининг 1- курс талабаси.

Жабборхонова Саодат Олимбек кизи. 1969 йили туғилган. 1986-1992 йиллари Тошкент Давлат Рус тили ва адабиёти институтини тамомлади. 2000-2002 йиллари оралигида Олма – ота Узлуксиз Билим бериш университетини битириб, №25 сонли умумий ўрта мактабида козок тили фани бўйича олий тоифали ўқитувчи, халқ маорифи аълочиси бўлган.

Жабборхонов Давлат Олимбек ўғли 1973 йили туғилган. 2000 йили Жанубий Қозоғистон Давлат тиббиёт академиясини тугатган. Ҳозирги кунда вилоят болалар касалхонасининг реанимация бўлимининг мудир.

Жабборхонова Садокат Олимбек қизи 1978 йили туғилган 1997 йили Туркистон медицина коллежини тугатган. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида ҳамшира.

Жабборхонова Санобат Олимбек қизи. 1983 йили туғилган. 2003 йили Туркистон педагогика коллежини битирган. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳридаги мактаблардан бирида бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб фаолият юритади.

Абдурайим ўғли Абдухон

Абдурайим ўғли Абдухон умр йулдоши Пайзилат билан – Зебиш, Момо, Умсун, Мараш, Шапулат ва Ирискул исмли фарзандларни вояга етказганлар. Уларнинг энг катта фарзандлари: Шопўлотдан 5 ўғил ва 2 киз туғилиб ўсган. Ўғиллари Дилмурод, Шохмурод, Элмурод, Эрмат, Ислон; Қизлари: Турсин, Гулсанам. Иккинчи ўғли Ирискулдан бир ўғил – Холмурод қолган. Ирискул автоҳалокатдан вафот этган. Аёли Ўғлой яна қайта турмуш қурган. У 2014 йили оламдан ўтган.

Абдурайим ўғли Отахон

Абдурайим ўғли Отахон Эски Иконда туғилиб ўсган. Турмуш – тирикчилигини оддий юмушлар билан ўтган. Анзират ая билан турмуш қуриб, 5 ўғил ва 2 киз: Додаш, Наби, Тати, Ғани, Мастон, Ирискул (Истай), Искандарларни ўстириб вояга етказишган.

Отахон ўғли Додаш, унинг Хожимухон деган ўғли - оилали, Иконда яшайди.

Отахон Наби ўғли Иконда туғилиб ўсган. Оддий деҳқон эди. Икки марта уйланган. Бир ўғил, бир қизи бор. Наби ака ҳалол, меҳнаткаш инсон эди.

Отахон қизи Тати – Иконда туғилиб ўсган. У Сотиболдиев Амирхон билан турмуш қурган, олти фарзанди бор. У дала ва уй хизматлари билан банд бўлган.

Отахон ўғли Ғани – Иконда туғилиб ўсган. Асосан деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланган. Мурод исмли ўғли бор, оилали.

Отахон қизи Мастон – Янги Иконда яшаган, оилали, болачакали. Оддий меҳнаткаш, уй бекаси.

Отахон ўғли Ирискул (Истой) Иконда туғилган. Кўп йиллар Тошкентда яшаган.

Отахон ўғли Искандар Иконда туғилиб ўсиб, шу ерда оила қуриб яшайди. У оддий меҳнаткаш инсон, деҳқончилик билан шуғулланади, касби тракторист, сувчи.

Абдурахим ўгли Нишанбой

Абдурахим ўгли Нишанбой умр йўлдоши Галя билан уч фарзандни ўстириб вояга етказганлар. Улар – Ойхон, Хусан, Райхонлар. Нишанбой аввал агрономлик техникумини битириб, Троицк кишлоғида МТСда агроном, кейинчалик МТС директори лавозимида ишлаб, Қишлоқ хўжалиги олийгоҳини сиртдан тамомлаб, Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги министри лавозимигача кўтарилган. Ойхон амакиси Отахон ўгли Набига турмушга чикиб битта киз фарзандли бўлганларида келишмовчиликлар туфайли ажрашишиб кетишган. Қизининг исми Лола. Лола Чимкентлик Даврон исмли йигитга турмушга чикиб – Абдукадир, Абдукарим, Сухроб ва Зафарон исмли фарзандларини дунёга келтириб, улар бугунда Чимкентда истикомат қилишади. Хусан Кўкчалик Инобатга уйланиб Мукаддас исмли киз ва Ўткир исмли ўғилни вояга етказдилар. Ўткир вояга етиб, ундан Сирожиiddин, Шахобиддин деган икки ўғил ва иккита кизи Дилдора ва Нигоралар бор. Райхондан бир киз Шахноз ва икки ўғил: Шухратбек ва Шералилар туғилганлар.

Абдурахим ўгли Нормат

Абдурахим ўгли Нормат эса 9 ойлик партия мактабини битириб, Тошкент вилояти Кибрай тумани Байтқўрғон кишлоғида 6 ойгача кишлоқ советининг раиси бўлиб ишлаган. Очарчилик зардобидан ўлим кўпайгач, Нормат ишдан бўшаб, ўқитувчилик қилди. У 1932 йилдан 1941 йилгача Байтқўрғондаги мактабда устозлик қилган. 1942 йилнинг февраль ойидан 1944 йилнинг август ойигача Совет Армияси сафида, аниқроғи Махачкала шаҳрида фронт ортининг бомба-снаряд ташувчи қисмида хизматда бўлган. 1944 йилдан 1963 йилгача Туркистон райони Янги Икон кишлоқ советига қарашли Октепа овулида бошланғич мактабида ишлади. 1963 йилнинг сентябрь ойигача Янги Икон кишлоғидаги Улугбек ўрта мактабида бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаб, сўнг нафақага кетади. У 1991 йили вафот этади. Нормат аёли Раҳнамо билан Раҳима, Карима, Улугбек, Салима, Камила, Умрбек исмли 2 ўғил ва 4 киз ўстиришган. Норматнинг фарзанди Улугбек аёли Калимон билан 2 ўғил Бахтиёр, Дониёр, кизлари Наргиза ва Феруза исмли фарзандларни улғайтиришди. Умрбек аёли Саломат билан 2 ўғил Фаррух ва Фарходбек, кизлари Нодида, Нафисаларни вояга етказишган.

Абдурахим ўгли Бобохон

Абдурахим ўгли Бобохон (кенжа ўгли) Ўрта Осиё Давлат Университетининг (САГУ) юридик факультетини тугатиб, Республика

прокуратурасига инга олинган, сўнгра Қарши шаҳар прокурори бўлиб бир неча йиллар ишлаган. У кейинчалик ИМК бошлиғи, мактаб директори лавозимларида ишлаб нафакага чиқди. 1984 йилда вафот этган. Бобоҳон аёли Зайнаб ая билан – Пўлат, Матлуба, Ғайрат ва Азиза исмли 4 фарзандни дунёга келтирганлар.

Бобоҳон ўғли Пўлат аёли Тожи билан 3 фарзанд – Тоир, Дилором ва Бахтиёрни дунёга келтириб ўстиришган.

Бобоҳон қизи Матлуба турмуш ўртоғи Файзулло билан 3 ўғил ва бир қиз фарзанд тарбиялашган.

Бобоҳон ўғли Ғайратда 1 ўғил ва 1 қиз фарзанд бор.

Бобоҳон қизи Азиза турмуш қурмаган.

Ота – она ҳақида ривоятлар

Ота насихати

(ривоят)

Бир донишманд ўғлига шундай насихат қилди:

-Ўғлим, халқнинг ўзингга хайрихоҳ бўлишини истасанг, аввал ўзинг халққа хайрихоҳ бўл. Ўз меҳнатинг бекорга кетишини истамасанг, халқ меҳнатини бекорга кетказма, зое қилма. Обрўли бўлишни истасанг, тавозели бўл. Одамлар сени масҳара қилиб қулишларини истамасанг, юриш-туришингни тузат. Қадр-қимматим ошсин десанг, бошқаларнинг қадр-қимматларини бил. Ҳаммани ўзингга дўст бўлишини истасанг, одамларга қўлинг ва тилинг билан озор берма. Иззат-ҳурмат эгаси бўлишни истасанг, мумкин қадар молигини муҳтожлардан аяма. Муқаммал бир инсон бўлишни истасанг, ўзингга мақбул бўлмаган бир ишни бошқаларга раво қўрма. Дилинг оғриб, асабийлашини тиламасанг, жохил, аблах кишилар билан сўзга боришиб ўтирма. Беғам бўлишни истасанг, ҳасадчи бўлма. Қайғу-аламдан узок бўлишни истасанг, қўлингдан чиққан нарсанга афсус-наломот қилиб юрма. Дўст-ошноларнинг кўпайишини истасанг, очик юзли, ширин сўзли бўл, ҳеч кимга гина ва адоват саклама. Сиринг ошкор бўлишини истамасанг, дўстингга ҳам айтма.

Она сuti

(ривоят)

Алишер Навоий қушлардан бир қуни қўшни мамлакатлардан бирига саёҳатга чиқибди. Шаҳар кўчасидан ўтиб кетаётиб, қўзи бир аёлга тушиб қолибди. Аёл эшик олдидаги супада йиғлаб ўтирган эмиш.

Навоий ундан:

- Ҳой синглим, нега бунчалик изтироб ўтида ковриляпсан?-деб сўрабди. Аёл жавоб бермабди. Навоий яна савол берибди. Шунда ҳалиги аёл:

- Эй йўловчи, нимасини айтасиз. Яхшиси, сиз сўраманг, мен айтмай,-дебди-да, йиғлашда давом этаверибди. Навоий:

- Йиғингизни боисини айтинг, балки ёрдамим тегиб қолар,-дебди.

- Қўймадингиз-қўймадингизда,-дебди аёл,-ҳа, майли, айтсам айта қолай. Подшоҳи олампаҳоҳимизнинг бир одатлари бор, ўзлари дунёга келган кунлари туғилган бола ўн бешга кирди дегунча уни ўлдириб юборадилар. Шу одатлари туфайли не-не болалар бевакт ҳалок бўлди. Мен ҳам бундан бир кам ўн беш йил бурун бир ўғил кўрган эдим, уни подшоҳга билдирмасликка канча уринмай, айғоқчилар пайкаб қолиб, унга хабар беришган экан. Куни кеча келиб: “Эртага ўғлинг ўн бешга тўлади, подшоҳликка олиб кетамиз”, дейишди. Яккаю-ёлғиз нуридийдамнинг куни битди, подшоҳнинг олдидан тирик қайтишига ҳеч ҳам ақлим етмайди, Қанотидан айрилган лочин учолмас, деганларидек боламдан айрилиб қолган куним менинг ҳам ўлганим. Мен йиғламай, ким йиғласин? Аёлнинг гапи Навоийга каттик таъсир қилибди. Шоир болани қутқозишга, подшоҳнинг бу ярамас феълига хотима беришга аҳд қилибди.

- Хафа бўлманг, синглим,-дебди у аёлга қараб,-бир иложини топармиз. Ҳозир ўғлингиз қаерда?

- Уйда ётибди,-деб жавоб берибди аёл.

Навоий:

- Мени унинг олдига олиб кириг,-дебди. Аёл Навоийни эргаштириб уйга кирибди. Буларни кўриб бола ўрнидан турибди-да, келиб Навоийга салом берибди. Навоий алик олгач, болани бир чеккага имлабди. Қулоғига шивирлаб шундай дебди:

Онангга айт. Ўз сутидан хамир қориб, сенга икки дона қулча ёпиб берсин. Бола хайрон бўлибди. Нима дейишини билмай қолибди. Буни кўрган Навоий:

- Бор, айтганимни қил, гапимнинг маъносини кейин англайсан,-деб шошилтирибди болани. Кейин: “Мен кечроқ қайтаман”, дебди-да, кўчага чиқиб кетибди. Бола Навоийнинг айтган гапларини онасига етказибди. Онаси бу гапда бир ҳикмат бордур, деб ўз сутига хамир қорибди, ундан иккита қулча тайёрлабди. Қулчаларни энди ёпиб бўлган экан, уйга Навоий кириб келибди. Аёлнинг қўлидан қулчаларни олиб, болага қараб шундай дебди:

- Бу кулчаларни кўйнингга солгин-да, кўркмай, подшоҳ саройига бор. Подшоҳ сени ўлимга ҳукм қилади. Сен кўркма, одат бўйича жаллодлар ҳукми адо этиши олдидан подшоҳ сендан: “Ўлимнинг олдидан охириги илтимосингни айт, бажараман”, дейди. Шунда сен: “Султоним, шу кулчани есалар”, дейсан-да, кулчадан бирини унга узатасан. Подшоҳ олмайди. Қаҳр-ғазабга келиб: “Мени ўлдирмоқчи бўлиб, кулчага захар қўшган бўлсанг-чи”, дейди. Шунда ҳам чўчима, кўркмасдан: “Кулчага захар қўшилганми-йўқлигини кўринг”, дейсан-да, кулчани қок иккига бўлиб. ярмини ейсан. Кейин подшоҳ ҳам ноилж қолиб, ярмини ейди.

Эртаси тонг отибди. Азон сахарлаб подшоҳ айгокчилари келиб, онасининг доду фарёдига қулоқ солмай, болани олдиларига солиб, саройга олиб кетишибди. Болани кўрган подшх:

-Мен дунёга келган куни туғилган экансан, ҳозир ўлишинг шарт. Аммо, ўлимнинг олдидан охириги тилагингни айт, бажаришга ваъда бераман. Айт истаганингни, -дебди.

-Марҳаматингиз учун раҳмат, султону боқарам,-дебди бола.

-Охириги илтимосимни бажарадиган бўлсангиз, майли айтай. Бола шундай деб кўйнидаги кулчаларнинг бирини олиб подшоҳга узатибди-да: “Шу кулчани есангиз”, дебди. Подшоҳнинг ғазаби келиб: “Нима, ўлимнинг олдидан аввал мени ўлдирмоқчимисан. Бу кулчага захар солинган бўлса-чи”, -дебди-да жаллодни чақирибди. Шунда бола кўркмасдан дангал туриб, кулчани икки бўлиб: “Ярми сизга, унга захар қўшилган деб гумон қилдингиз. Майли, аввал мен ейман, захар қўшилган бўлса мен ўлақолай,-дебди-да, бола кулчанинг ярмини ебди. Кулчага захар қўшилмаганини кўрган подшоҳнинг ўз ваъдасини бажаришдан бошқа иложи қолмабди. Кулчанинг қолган ярмини ебди. Буни қаранг-а, бирданига подшоҳда болага меҳр уйғониб, ўз туғилган укасидай яхши кўриб қолибди. Уни шунча ўлдирай дермиш-у,аммо ўлдиргиси келмасмиш. Ўйлаб-ўйлаб охири: “Уни вазир қилиб олсам подшоҳликни талашмас”, -деб болани ўлдириш фикридан қайтиб, ўзига ўнг қўл вазир қилиб олибди. Шу кундан бошлаб ўзи туғилган куни дунёга келган болаларни ўлдириш одатини ҳам ташлабди. Бутун халқ подшоҳ одатини тарқатишга мажбур қилган киши-доно Навоидан бир умрга миннатдор бўлишибди.

Ота-она ва фарзанд бурчи

Отанинг фарзандга муҳаббати чексиздир, чунки у фарзандини ўз суратидан кўчирилган нусха, деб англайди. Зотан, отанинг бу тасаввури тўғридир. Фарзанд отанинг бир жузви, суратда, ҳулқ-

атворда унга ўхшайди. Шунинг учун ота фарзандининг тарбиясига диққат қилади. Ўзи истаган фазлу-камолни фарзандига беришга, уни ўзидан кўра ҳам мукаммал қилиб етиштиришга ғайрат қилади. Шу мақсад йўлида ҳар қандай машаққатга бардош беради. Фарзанди ҳақида халқдан: "Тарбия қилган отасига раҳмат", деган сўзни эшитса, севинади, фарзанди орқали кўзлаган мақсадига етишни истайди, неварга, эваралар кўриб, наслининг давом этишини орзу қилади. Фарзанднинг ҳаётига сабаб бўладиган биринчи қувват-она жисмидаги қондир. Чакалоқ шу қондан озикланиб, ҳаётини сақлайди. Бола биринчи сўзни онадан эшитади. Шунинг учун у сўзлаган тилга "ота тили" демасдан "она тили" дейишнинг ҳикмати ҳам ана шундадир. Демак, болани тарбия қилиб ўстиришда отага қараганда ҳам она кўпроқ ҳисса қўшади, фарзандига муҳаббати отаникидан ортиқроқ бўлади. Шунинг учун ҳам бўлса керак хусусан ёш болалар отадан кўра онага кўпроқ майл этадилар. Она фарзанди учун ҳатто ўзини фидо қилишга ҳам тайёрдир. Шу сабабли донишмандлар онанинг ҳақи отанинг ҳақига қараганда икки ҳисса кўпроқдир, деганлар. Шунинг учун эй, суюкли ўғил-қизларимиз! сизнинг дунёга келишингизга сабабчи бўлган, тарбиялаб ўстирган ота-онангизнинг ҳақларини ҳеч камчиликсиз адо қилинг. Иззат-ҳурматларини бажо келтиринг. Уларнинг хизматларида бўлиб, розиликларини олинг, аччиқ сўзлар айтиб, дилларини оғритишдан сақланинг, уларга бўлган муҳаббатингизни тил билан ва бошқа ишлар билан изҳор қилинг. Насиҳатларини бажону-дил қабул қилиб, амалда кўрсатинг. Уларнинг турмушларидан доим хабардор бўлиб, ҳеч нарсага зориктирманг. Улар сизларга ҳеч қачон ёмонлик тиламайдилар, бахтли, саодатли бўлиб роҳатда умр кечиришингизни орзу қиладилар. Шунинг учун уларнинг айтганларига иттибот қилинг. Сиз ота-онангизга қандай муомалада бўлсангиз, кейинчалик бола-чақангиздан шундай муомалани кўрасиз, чунки улар сиздан намуна оладилар. Буни ёдингиздан чиқарманг. Баъзи вақтларда ота-онангиз тушунмасликлари орқасида тарбия, одобга тескари сўзлаб қолишлари мумкин. Бундай ҳолда айтганларининг тўғри эмаслигини секинлик, мулоҳима билан тушунтиринг. Қаттиқ муомала қилманг, муборак дилларини оғритманг. Ота-онангизнинг маслаҳатлари ва розиликларини олмасдан ҳеч бир ишга киришманг.

Бир донишманднинг шогирди устозидан сўради:

-Ота-- онам вафот қилганлар. Энди нима қилсам уларнинг ҳақларини тамом адо қилган бўламан.? -Ота-онангизнинг

васиятларини бажо келтиринг, дўстларини, ёру-биродарларини иззат-хурмат килинг, ака-укаларингизга, кариндош-уруғларингизга муҳаббат боғланг, қўлингиздан келганича уларга ёрдам беринг, яхшилик килинг, ўзингиз тарбия, адаб доирасидан четга чикманг! Фарзанд вояга етиб мустақил турмуш кургунча, ота-она қўлида омонатдир. Ёш бола гавҳарга ўхшаш оппоқ, мум каби ҳар нақшни қабул қилади. Шунинг учун ота-она ўз фарзандларини болалик чоғларидан бошлаб ахлоқ, одоб, тарбия қондаларига мувофик парвариш қилишлари лозимдир. Дарҳақиқат, онасини бошига тож этганларнинг ҳақи Жаннат ҳаётидир. Онасига осий бўлган фарзанд ҳақи эса оловли жаҳаннам оташидир. Онамни рози қила олдимми? Бир кун и бир одам Пайғамбаримиз (с. а. в.) ҳузурларига келиб: Ё, Расулуллоҳ! Онам жуда кексайиб қолди. Боладек бўлиб қолди. Гўдакларга ўхшаган ишлар қилади. Ўрнидан тура олмайди. Унга ўз қўлим билан овқат бераман. Сувни ҳам ўз қўлим билан ичираман, таҳоратига ёрдам бераман, сўнгра сажжода (НАМОЗ ЎҚИШ ЖОЙИ)га опичиб кўтариб олиб бораман. Хоҳлаган ерига кўтариб олиб бораман. Ё, Расулуллоҳ! Онамнинг ҳақини ўтай олдимми, рози қила олдимми, йўқми? - деб сўради.

Севиқли Пайғамбаримиз (с. а. в.).

-Волидангнинг ҳақини юздан бирини ҳам ўтай олмагансан, - дедилар.

Ул одам:

-Нега? Ё, Расулуллоҳ! Мен онамнинг бир айтганини икки қилмайман.

Расули Ақрам (с. а. в.):

Волиданг сенга ўғлим ўсиб улғайсин, буюк одам бўлсин, умри узун бўлсин, деб хизмат қилиб, опичиб юрарди. Сен эса унга, қачон ўлади, деб, ўлса қутулардим, деб хизмат қиласан. Булар орасида тоғдек , ер билан осмончалик фарқ бор. Онанг сени бокқанида ўғлим қачон улғайиб катта бўлади, дерди. Сен эса, онам қачон ўлади, дейсан. Сизларнинг бу ниятларингиз ўртасида катта фарқнинг яна жиҳати бор. Сен онангга қанча хизмат қилсанг ҳам унинг ҳақини ўтай олмайсан. Бун и яхшилаб билиб ол. Ҳеч бир фарзанд ота ва онанинг ҳақини ўтай олмайди. Шун и яхши билгинки сен онангга хизмат қилсанг Жаноби Ҳақ сенга буюк савоблар беради. Ота ва онанг розилигини олган, ризосига ноил бўлган одам Жаноби Ҳақ ризосига ноил бўлади, розилигини олади, - дедилар.

Хотинининг сўзига кириб онасини хафа қилган алкама.

Бу Пайғамбаримизнинг шахсан ўзлари шохид бўлган воқеа.

Алкама исмли бир йигит бор эди, диндор эди. Намоз ўқир, садака берарди. Кунлардан бир куни унинг тоби кочди. Хотинини Расулulloҳга юборди. Хотини Расули Акрам (с.а.в.)га :- Ё, Расулulloҳ! Эрим сўнгги нафасини олётган кўринади. Унинг аҳволини Сизга билдирмок учун келдим, - деди. Расулulloҳ (с.а.в.) Ҳазрат Билол, Ҳазрат Али, Солмоний Форсий ва Амморларига:

-Боринг. Алкаmani кўриб келинг, аҳволи қандай экан? – деб буюрдилар. Улар чиқиб кетдиларда- Алкаманинг ёнига бориб:

Ла илаҳа Иллalloҳ, калимаи тавҳидни айтгин, дедилар. Алкама калимаи тавҳидни айта олмади. Тили тутилиб гўлдираб қолди. Қасалнинг ўлиши мумкинлигини тушундилар. Шу заҳоти Ҳазрат Билолни Расули Акрам (с.а.в.) ҳузурларига жўнатдилар.

Ҳазрат Билол аҳволни Ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.)га тушунтирди. Расулulloҳ:

-Онаси, отаси ҳаётмилар?-деб сўрадилар.

Ҳазрат Билол:

-Отаси ўлган, кекса онаси бор, ё Расулulloҳ!- деб жавоб берди.

Расули Акрам (с.а.в.) Ҳазрат Билолга

-Алкаманинг онасини олдиға бор. Мендан салом айт. Кела олса ҳузуримға гаширф буюрсин, кела олмаса мен ўзим бораман, - дедилар. Ҳазрат Билол кекса аёл уйига бориб, Расулulloҳ (с.а.в.) сўзларини айтди.

-Унинг йўлида юз жоним фидо бўлсин. Расулulloҳ ҳузурига ўзим бораман, - деб кампир тўнини кўлиға олди.

Аёл Расулulloҳ (с.а.в.) ҳузурига келдилар. Расули Акрам (с.а.в.) кампирдан сўрадилар:

-Менға тўғрисини айтасан. Ёлғон гапирсанг, менға Аллоҳдан ваҳий келади. Алкаманинг аҳволи қандай?

Кампир:

-Ё Расулulloҳ! Ўғлим кўп намоз ўқийди. Кўп хайр –эхсонлар қилади. Берган садақасининг ҳадди ҳисоби йўқ, - деб жавоб берди.

Расули Акрам (с.а.в.):

-Сен билан муносабати қандай? Сенға ҳалол хизматдами, ок сутингни оқладими? Шундан гапир,- дедилар.

Кампир:

- Ё Расулulloҳ! Мен ундан ич-ичимдан хафаман, - деди.

-Неға хафасан?-деб сўрадилар Расул Акрам (с.а.в.).

Кампир:

-Хотинини мендан афзал кўради. Факат унинг сўзига қулоқ солади,- деди.

Расулulloҳ (с.а.в.):

-Онаси алқаман хафа. Шунинг учун у калимаи тавҳидни, калимаи шаҳодатни айта олмаган, тили тутилган. Эй Билол чикиб ўтин тўпла, ўзим уни ёқаман,-дедилар.

- Ё Расулulloҳ! Ўғлимни, кўнглим мевасини ёқасанми? Яна кўзимнинг ўнгида ёқасанми? Юрагим қандай чидайди?-деди она.

Расулulloҳ (с.а.в.):

-Аллоҳнинг азоби бундан зўрроқ ва азоблироқдир. Ўғлинг ҳаққини ҳалол этмасанг, узок вақт оловда ёнади. Агар рози бўлмасанг унинг намози ҳам, садақаси ҳам фойда бермайди,-деб айтдилар.

Кампир:

-Ё Расулulloҳ! Алқамадан рози бўлдим. Ҳаққимни ҳалол этдим,- деди.

Расул Акрам (с.а.в.):

-Ё Билол! Бор, Алқаман шаҳодат келтира олганмикин? –деб буюрдилар. Билол бориб Алқаманинг шаҳодат келтирганини сезди.

Ҳазрат Билол касалнинг бошида ўтирганларга:

-Алқаманинг онаси кечирди. Ҳозир ҳаққини ҳалол этди. Алқаманинг тили айланди, -деди.

Алқаман шу пайт вафот этди. Расул Акрам (с.а.в.) Алқамани гусл этдириб лафн қилишни буюрдилар. Гусл ишлари биткандан сўнг жаноза намозини ўқидилар ва қабр бошида Асхобига:

-Эй Асхобим ҳар ким хотинининг сўзи билан онасини хафа қилса, хотинини онасидан устун тутса ул одамга Аллоҳнинг лаънати бўлади. Унинг фарз ва нафл намозлари қабул бўлмайди. Ул одамнинг борар ери жаҳаннамдир, -дедилар.

Ота-она рози - эл рози

Ўз ота-онасининг кадрини билмаган одам дўстларининг ҳам ҳурматига арзимайди. Ота-онанинг қалби меҳр-мурувватга тўлиқ бўлади, фарзандларидан жонини ҳам аямайди, яхши фарзанд уларнинг муҳр чашмасидан оқилона фойдаланади, асло суистъемол қилмайди.

Жаҳонда нимаики оқ бўлса, унга она сути – тимсол, нимаики жўшқин ва қайноқ бўлса, унга ҳам она меҳри- тимсол, нимаики чидамли, сабр-тоқатли бўлса, она иродаси – тимсол, кимда – ким пок муҳаббат ва меҳри дарёлик даъво этса, онанинг пок қалби – тимсол. Шунинг учун ҳам биз она юртим ва она тилим, деймиз.

Меҳри дарё онанинг болжонлик фазилати унинг гўдаклигидан, кўғирчокни севишидан бошланади.

Ота-онанг ҳаётлигида кўнгилларини овлаш, вафотларидан сўнг қабрларини обод ва зиёраг қилиб туриш, аввало, одабийлик белгиси, қолаверса ҷамият қошидаги инсоний бурчинг.

Фарзандларнинг ота-онага бўлган ширин сўзи, хушмуомаласи, меҳрибонликлари устига уларнинг ҷамият учун қилган гўзал ишлари ҳам қўшилса, нур устига аъло нур бўлади.

Ота-онанг умри боқий бўлиб, тетик яшашини истасанг, доимо улар руҳини кўтариб, кўнгилларини шод эт.

Оқил ўғил, қомила қиз: “Ота - онамни шод қилиш учун нима иш қилолдим”.-деб виждони билан суҳбатлашиб туради.

Ота-онанинг ўзаро ҳурмати ва муомала маданияти фақат уларнинг ўзлари учунгмна эмас, балки фарзандларининг ахлоқий қамолоти учун ҳам зарурдир.

Агар ҳонадонингдан ота-онанг қадамини тортиб қўйса, у ҳонадондан файз, ҳайру-барақа, иқбол қочади.

Ота-онага қилган дилозорликни ювиш учун бир умр етмайди.

Ота, она бўлиш жуда шарафли, айни вақтда жуда маъсулиятли вазифа.

Оқил, фозил ота оиланинг таянч устун, оила гулшанининг меҳри дарё заҳматқаш соҳиби, ақл чироғи, фаҳри-ифтихори, орномусидир.

Она болага нисбатан ортиқроқ меҳрибонлик кўрсатиши табиий, чунки у нуридийдасини тўққиз ой-у, тўққиз кун қорнида, икки йил қўлида, бир умр қалбида беминнат кўтариб юради.

Эрта билан ювиниб-тараниб, ота-онага салом бериш ва “ишга соғ-саломат бориб қайтинг”, деб қузатиш, қайтғач, қучоқ очиб қарши олиш фарзанднинг фазилатидир.

Фарзанднинг ширин сўзи, хушмуомаласи, меҳрибонликнинг гўзаллик бунёдқорлигига муштарак бўлса, ота-она умрбод бахтиёрдир.

Она юраги.

Арман шоири Исаакян шеъри

Кўп наслдан – наслга ўтган бир афсона бор

Ёлғиз ўғил ва она яшар экан бахтиёр.

Йигит умр йўлида хушвақт эди ҳар маҳал

Ўт ташлади қалбига қушлардан - қуш гўзал.

Қиз деди йигитга: “Севгинг бўлса ҳақиқат,

Яхши йигит қулоқ сол, содиқлигингни кўрсат.

Сенга битта шартим бор, шуни албат килиб кел,
Онангнинг юрагини юлиб менга олиб кел”.
Йигит бўлди паришон, йўлга тушди у ночор,
Онасини эслагач, юрак-бағри тилинди,
Қиз ўқширди ва деди:”Келтирмадингми юрак,
Кет, кўринма кўзларимга, мени айла энди тарк”.
Йигит бўлди сар-сари, тўрт томонга югурди.
Йўлдан топиб бир хайвон, юрагини суғурди,
Йигит бўлиб умидвор, ерларга оккизиб кон,
Яна киз қаршисида бўлган эди намоён.
Қиз баттар ўшқириб деди:”Йўқол келтирмадингми
Мен учун юрагини, кўринма келтирмасанг,
Онангнинг юрагини, йигит қайтди йўлига.
Жаҳлига чидолмай, онасини сўйди у!!!
Окизди ерларга кон, юлиб олди юрагин.
Жасадида кўлига, шу кетганча кетарди
Қарамай ўнг – сўлига, оёқлари чалишди
Ва меҳрибон онанинг юраги ерга тушди.
Шунда шўрлик онанинг юраги кирди тилга,
Жон-жаҳди-ла деди у: қаршисидаги ўғлига:
“Ёмон йиқилмадингми, соғми бошинг, юз – бетинг.
Зарб емадими, карогим, жоним болам, эт – бетинг”
Шунда йигит тахтадек. Бўзрайди, котиб қолди,
Севганига столмай, ерда у ётиб қолди.
Шу ётганча ердан сира турмади.
Вафосиз ёрини қайта кўрмади.

Донишмандлар ота-она хакида

Отанг пандига сен тугал кил амал,
Қутли, шодон бўлиб юргун ҳар маҳал.
Отангни, онангни севинтир тамом.
Бу хизмат етказар тилакка тугал.

Юсуф Хос Ҳожиб

Отанг ўлса, умри бўлиб гар тамом,
Сенга айтар эди васият калом.
Ўлим тутди, кетдим, келар сенга ҳам,
Қолдиргин ўзингдан кейин яхши ном.

Юсуф Хос Ҳожиб

Оталик хизмати нимадир, билсанг: ∞.
Бор – йўгин фарзандга бермоқ беминнат.
Лек отадан ўпка қилмасин фарзанд,
Замона келтирса бошингга кулфат.

Абу Али ибн Сино

Ота бўлмаган ота қадрини билмас.
Олтмишга кирган отадан ош сўрама.

Амир Темури

Тутгил қариларнинг титроқ қўлин.
Қаригач билурсан қарилик йўлин.

Носир Ҳисрав

Ёшлиқ, телбаликни чиқар бошингдан,
Она хизматида бўлгин ёшингдан.

Носир Ҳисрав

Ота пандига доим қилгин амал,
Юрарсан бахтиёр бўлиб ҳар маҳал.
Отангни, онангни севинтир мудом.
Бил, хизмат етказгай тилакка мулом.
Танишлигу-шарафнинг отангдандур,
Меҳрибону мушфиқлик онангдандур.

Замахшари

Қачонким бошимда отам бор эди.
Бошим узра тожу жигам бор эди.

Саъдий Шерозий

Йиллар ўтиб кетди тепангдан гир гир
Отанг мазорига бордингми бир дам?
Отанг хотирига нима эзгулик,
Қилолсанг, кутасан ўғлингдан сен ҳам.

Саъдий Шерозий

Насихатим ол, эй ўғил, як бор,
Ота пандидан бўлғил ҳосилдор.

Низомий Ганжавий

Бошни фидо айла ато бошига,
Жисмни кил садка ано қошига.
Тун-кунунгга айлагали нур пош,
Бирини ой англа, бирисин қуёш!
Сўзларидан чекма қалам ташқари,
Хатларидан қўйма қадам ташқари!

Алишер Навоий

Фарзанд ота қуллигин чу одат қилғай,
У одат ила касби саодат қилғай.
Ҳар кимки отага қўп риоят қилғай,
Ўғлидин анга бу иш сироят қилғай.

Алишер Навоий

Оналарнинг оёғи остидадур,
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бшл онанинг оёғи туфроғи.

Алишер Навоий

Иста ато йўлида жон фидо қилмоқ,
Қуллуқ, аноға ҳам унча имкон қилмоқ.
Зухри адаб истасанг фаровон қилмоқ,
Бил они ато-аноға эҳсон қилмоқ...

Алишер Навоий

Дегай отам қошида бор бўлай,
Ғаму-шоди етишса, ёр бўлай.

Мужрим Обид

Сен отанга ҳарна килдинг яхшилик,
Кут болангдан яхшиликка яхшилик.

Аҳмад Донии

Оналарнинг бир қўли бешикни,
Иккинчи қўли дунёни тебратади.

Донолар бисотидан

Эшитиб тутмаса ҳар ким насихат,
Бўлур ул халқ аро доим фазихат!

Сайфи Саройи

Ота-онангни ўзингдан рози қил,
Сен уларнинг кадринаи хўб яхши бил.
Ол дуосин уларнинг, топ камол,
Ёр бўлгай бахту икбол безавол.

Абдий

Йўқ бизга онадек меҳрибон,
Сийнага қалқон, бош узра соябон.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий

Сен онанг ўлганда туздинг дастурхон,
Новвоту пистаю казию карта.
Лекин айт, эй йигит, сен неча марта
Онангни ўзини қилгандинг меҳмон?

Шухрат

Нурдан сўз ясаб бўлармикин? Гуллар бағридаги нектарлардан
сўз ясаб бўлармикин? Ана шундай қилиб бўлса эди, шу бахтиёр
она нурдек тиниқ, гуллар атридек тароватли сўз дурдоналаридан
алла тўкиб айтарди!

Саид Аҳмад

Дунёда энг бебаҳо, аммо ҳамиша беназир тарқатиладиган
ҳазина бор. Бу - Она меҳри! Менга юз марта озор берсанг,
кечиришим мумкин. Онангга бир марта озор берсанг, кечирмайман:
онанг сенга мендан кўра юз ҳисса кўп меҳр берган! Қуёш булок
сувига ҳам, мағзавага ҳам, баравар нур сочаверади! Ер чучмомани
ҳам, чакиртиканақни ҳам баравар ўстираверади.

Ота – онага боланинг яхши – ёмони йўқ.

Ўткир Ҳошимов

Ота – она -- гавҳар кўзли олтин узукдан ҳам минг марта мўътабар ва мукаддасдир. Гавҳар кўзли олтин узук инсоннинг ташки кўринишига зеб беради, ота – она эса калб кифасини безайди!

Сафо Очил

Яхши одамлар кўпайсин десангиз, яхши оналарни кўпайтиринг.

Жан Поль

Миллат келажаги - оналар кўлида

О. Бальзак

Иzzат - ҳурмат ота ва онани, шунингдек, болаларни ҳам кўриклаб турувчи посбондир; у ота - онани кулфат ва ғамдан, болаларни эса виждон азобидан қуткаради.

О. Бальзак

Ота - онага нисбатан ҳурмат ва муҳаббат, ҳеч шубҳасиз, мукаддас туйғудир!

В. Г. Белинский

Жаҳоннинг бутун ғурури оналардан. Қуёшсиз гуллар очилмайди, севгисиз бахт йўқ, аёлсиз муҳаббат йўқ, онасиз шоир ҳам, қаҳрамон ҳам бўлмайди.

М. Горький

Сен болаликдан она кўзларига бокиб, улардаги ташвиш ва ҳаловатни, тинчлик ва хаяжонни кўришга ўрганмаган экансан - Бир умрга ахлокий жиҳатдан ногирон бўлиб коласан. Севгидаги ёввойилик сингари ахлокий ногиронлик ҳам кишилар бошига кулфат, жамиятга зарар келтиради.

В. А. Сухомлинский

Ота бўлиш жуда осон. Аксинча, оталик килиш қийин.

В. Буш

Битта ота юзта ўқитувчидан устун демакдир.

Ж. Герберт

Она муҳаббати шу қадар теранки, денгиз тубининг чуқурлиги унинг қаршисида ҳеч.

Сембен Усмон

Оталарингизга яхшилик қилинглар, болаларингиз сизларга яхшилик қиладилар.

Ўзинг ҳам, молинг ҳам аслида отангникидир.

Ўткир Ҳошимов

Ота билан яшар ушбу башорат,
Фарзанд учун ота олтин ишорат.
Ёмон бўлса ҳамки, ота улуғдир,
Кетган бўлса кил кабрини зиёрат.
Она кўрсатади жаҳон юзини,
Олтига бит ҳар бир айтган сўзини.
Бириси ой бўлса, биридир қуёш,
Тавоб айла босиб кетган изини.

Ота – онангни ҳурмат кил, икбол топасан, Шогирдим! Сен ўз суратингни ҳам, ёшлик гўзал – киёфангни ҳам, ақлу – заковатингни ҳам, хулку – атворингни ҳам аввало ота – онангдан олгансан. Сен уларнинг олгин умри, доимий чеккан машаққатлари, ҳатто тортган жабру – жафолари эвазига ўсиб камол топгансан. Сенинг дунёга келишингнинг, ўсиб – улгайиб камолотга етишингнинг биринчи сабабчилари ОТА - ОНАНИҒДИР. Ота – онанг жамоли, қора сўзлари, қора қоллари ва соқлари, қуч – қудрати, гўзал қеҳраси, қадди-қомати, - буларнинг ҳаммаси сенда намоён бўлади. Ота – онанг сени қатта ҳаётга тақдим қилувчи улуғ зотлардир. Шунинг учун ҳам ота – онани ҳурматлаш ва уларга нисбатан меҳрибонлик кўрсатиш олижаноб инсонга ҳос улуғвор фазилатдир.

Жаҳондаги барча улуғ сиймолар ота – онани чуқур севганлар, улар ҳақида ҳамма вақт меҳрибонлик кўрсатганлар.

Ҳайринисо Мадихан қизи

Ота – она ҳақида ҳадислар

Ота – оналарнинг кексалик вақтида ҳар иккаласини ёки бири бўлмаганда, бошқасини рози қилиб, жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин.

Агар ота – онанг бирданига қакириб қолишса, аввал онангга жавоб қил.

Ота - онасини қарғагани тангри қарғайди.

Аввал онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил.

Отангиз вафотидан кейин унинг дўстлари билан алокани давом эттиринг. Улар билан алокани узсангиз, Тангри сизнинг нурингизни ўчиради. Уч хил сифат бордирки, қимда – қим уларга эга бўлса, Тангри қиёмат қуни уни қимоя қилиб, ўз жаннатига қирғизур:

1. Ота – онасига шафқатли бўлиш;
2. Заифлар билан ҳушмуомалали бўлиш;
3. Қўл остидагиларга қимматли бўлиш.

Уч хил дуо бордирки, улар шаксиз мустажоб бўлгай;

1. Ота – онанинг фарзанд ҳақиға қарғаб туриб қилган дуоси;

2. Мусофирнинг дуоси;

3. Мазлум кишининг дуоси.

Уч хил киши бордирки, тангри киёмат куни унга уларға раҳмат назари билан боқмайди;

1. Ота – онасини норози қилиб, уларға оқ бўлган киши;

2. Ўзини (кийим ва пардозда) эркакларға ўхшатиб олган аёл;

3. Ўз хотинига рашк қилмайдиган эр.

Отаға итоат қилиш Тангриға итоат қилишдир. Унинг олдида гуноҳ қилиш Тангри олдида гуноҳкор бўлиш билан барабардир.

Ҳеч бир ота – она ўз фарзандига ҳулқу – одобдан буюкрок мерос беролмайди.

Кимки отасининг вафотилан кейин ҳам яхшилик қилишни истаса, унинг ёру – биродарлари билан алоқани узмасин

Кимки ота – онасининг розилигини олган бўлса, унга қандай яхши?! Тангри унинг умрини узайтиради.

Жаннат оналарнинг оёқлари остидадир.

Алла

Алла! Сени илк бор дунёда қайси бир она айтди экан?! Сўзларингни ёзган сенинг қайси бир шоир, бастакоринг қайси замона?! Онанинг сени узун тунлар қуйлаб чиқишдан мақсади факат гўдагини ухлатишми?! Ё, болақайға эзгу, олий тилаклар тилаяптими?! Дунёда гўдақ туғилган хонадон борки, беихтиёр муқаддас бу садо эшитила бошлайди ва бола ҳам, она ҳам, табиатнинг ўзи ҳам ширин, осойишта орзулар сукунатига сингади. Аллани беихтиёр катта ёшдаги одам эшитиб қолса, ҳаёлға чўмади, лекин уни уйқу эшитмайди, аксинча, хотирида ўчиб бораётган таассуротлар, ухлаб бораётган, унутилай деб қолган туйғулар, умрининг жонли лавҳалари, болалиги эсига тушади.

Аллада биз ҳатто ҳаёлимизга келтирмаган бошқа бир мўъжиза, муқаддас қудрат бор.

Илтижо

Ойи, мен келдим...Эшитяпсизми, ойи, мен яна келдим...

Қаранг, ойи тагин кўклам келди. Эсингиздами, ҳар йили баҳор келиши билан сизни далага олиб чиқардим. Сиз чараклаган офтобни, тиниқ осмонни, кўм – кўк майсаларни кўриб қувонардингиз. Эсингиздами, невараларингизнинг териб келган бойчечакларини кўзингизга суриб, “омонлик – сомонлик” қилардингиз... Эрталаб – чи, ойи, ёмғир ёғди. Қаттиқ ёмғир ёғди. Сиз баҳор ёмғирини яхши кўрардингиз. Куйин офтоб чиқиб кетди. Қаранг, офтоб чараклаб ётибди... Эсингиздами, сиз менга офтоб тўғрисида чўпчак айтиб берган эдингиз. Ўша офтоб чараклаб ётибди... Кўрқяпсизми...

Эсингиздами, ойи, сиз укамга алла айтардингиз. Мен алланинг оҳангига маст бўлиб ухлаб қолардим. Ўша бешикда мен ҳам ётганман. Аллангиздан мен ҳам ором олганман. Нима қилай, ойи, мен алла айтишни билмайман. Эсингиздами, ойи, сиз бир марта, ўшандаям ҳазиллашиб: “Мениям китоб қилиб ёзсангчи, ўғлим”, дегандингиз. Мана ўша китоб. Йўқ, уни мен ёзганим йўқ. Уни сиз ёздингиз. Мен уни коғозга тушириб, одамларга таркатдим, холос... Мен уни дунёдаги ҳамма оналар ўкишини хоҳлайман. Биламан, дунёдаги ҳамма оналар яхши. Шундай бўлса – ям, уларнинг ҳаммаси СИЗга ўхшашини хоҳлайман.

Хайринисо Кучкарова

Ота - оналар хакида мақоллар

Ота-акл. Она –идрок.
Ота - онанг -- давлатинг,
Фарзандларинг – савлатинг.
Ота - она дуоси ўтга ёнмас, сувга ботмас.
Ота рози - худо рози .
Ота ўғил раҳмат олур.
Ота қарғиши - ўқ,
Она қарғиши - дўқ.
Оталар сўзи - ақлнинг кўзи.
Отангга қилганингни болангдан кўрарсан.
Отасини оғритган эл ичида хор бўлар,
Онасини оғритган парча нонга зор бўлар.
Ота – хазина, ака – ука - таянч.
Она билан бола - гул билан - лола.
Она қулса. хона тўлар.
Ота қулса. ғаминг кетар.
Она - оламнинг фахри.
Онали уйнинг ори бор.
Отали уйнинг - зари.
Онангга бошингни ҳам қил,
Отангга гапингни кам қил.
Отангни қуёш билсанг,
Онангни ой бил.
Она - дарахт, бола - мева.
Ота – онанг - чин дўстинг.
Ошна - оғайнинг - йўл дўстинг.
Ёшликдан одоб сакла,
Она сутини оқла.
Ёмғир ёғса, тўнинг ҳўл бўлар,
Отанг ўлса, уйинг чўл бўлар.
Бирни берсанг отангга,
Мингни оласан болангдан.
Минг игнани йиғсанг, тугма бўлмас,
Минг аммани йиғсанг, она бўлмас.
Она - меҳрибон, ота - ғамгузор.
Онанинг кўнгли болада,
Боланинг кўнгли далада.
Амри падар аршдан улуғ.

Аччиқланса отаси енгар,
Ҳазиллашса - боласи.
Давлатинг - ота – онанг,
Савлатинг - ўғил – қизинг.
Онангни кафтингда тутсанг,
Синглингни кифтингда тут.

Ота бўлмаган ота кадрига етмас.
Она – ҳаётнинг гули, бола – унинг булбули

Ота – она ҳақида ҳикматли сўзлар.

1. Аёлларнинг энг гўзали - бедор бўлган, кийналган, тарбия қилган, қўлидаги борини берган ва эвазига ҳеч нарса сўрамаган аёлдир. Унинг исми – менинг ОНАМДИР!
2. Дунёга келган ҳар бир инсонга уни ҳимоя қилиш учун бир фаришта берилади, унинг номи эса “ОНА” дейилади. Оллоҳ оналаримизни паноҳида асрасин.
3. Энг яқин дўстингда ҳам ҳасрат бўларкан, жондан севган ёрингда ҳам нафрат бўларкан, борингда ҳам, йўгингда ҳам кадрингга етган бу дунёда битта инсон “ОНАНГ” бўларкан!
4. Кўнглим ичра минг битта ҳавас, орзуларим бўлмас ниҳоя. Менга чинор умри керакмас, ота – онамнинг борлиги кифоя.
5. Баъзан қалбим тирнаса алам,
Далда берар меҳрибон онам.
Кўзларимга келтирмас нам
Фариштамдир севимли онам!!!
6. Эгилмасин отам мағрур бошлари,
Оқмасин онам кўзларидан ёшлари
Илтимос фақатгина ўзинг бўл паноҳ
Отам билан онамни асранг Оллоҳ....

Ота – она ҳақида шеърлар

Ота - она

Кечалар тинмайди, уйқу билмайди,
Фарзанди кулмаса, бир бор кулмайди.
Меҳр берса вақтида ҳеч ҳам сўлмайди,
Улар кимдир, ўйла ота – онадир.
Фарзанд қобил бўлса, баланддир боши,
Дуосидан эригай тоғларнинг тоши
Жавобсиз қолмагай асло кўз ёши,
Улар кимдир, ўйла ота – онадир
Дерлар “Ота рози – тангридир рози”,
Эй, фарзанд, айлагин онангни рози.
Жаннатдан жой берур энг улуг қози,
Сабаб кимдир, ўйла ота – онадир.
Қабрига тиллодан ҳайкал қўйгунча,
Тиригида меҳр бер қалби тўйгунча.
Афсусда кетмагин токи ўлгунча,
Ғанимат ким, ўйла ота – онадир.

Отам

Деразадан тушган нурда
Ўғлим менинг кўзим бор.
Элга қилган савобингда
Билки ёруғ юзим бор.
Гар ғафлатдан йирок эрсанг
Вужудингда ўзим бор.
Болам отам ўлган дема
Мен ўзингда яшайман.
Ким ортингдан дуо қилса
Мен изингда яшайман.
Бандасидан қўрқма болам
Қўрқкин фақат худодан.
Юқунмагин сен ҳар қосга
Шавқат тила Оллоҳдан.
Рости ўлмоқ қулиб кетиш
Бу ёлғончи дунёдан.
Болам отам ўлган дема
Мен ўзингда яшайман.
Дилинг тилинг бир бўлса агар
Мен сўзингда яшайман.

Фарзанд - инсон ортидаги
Ёниб қолган чирокдир.
Чирок ёксанг парвонаман
Рухим менинг уйғокдир.
Сен унутма оҳиратда
Ҳар дакиканг сўроқдир.
Болам отам ўлган дема
Мен ўзингда яшайман.
Жондан суйган ўғлинг
Ҳам қизингда яшайман.
Умр ўзи оқар дарё
Тўғони бу ўлимдир.
Қора ерга бўш келган
Менинг икки қўлимдир.
Бу дунёда шер – гадоси
Рашид менинг ўғлимдир.
Болам отам ўлган дема
Мен ўзингда яшайман.
Ҳалол бўлса топган нонинг
Мен тузингда яшайман.

Эй дўстим

Эй дўстим, эй дўстим,
Давлатинг, имконинг бўлса,
Тулпоринг чопарга майдонинг бўлса,
Манзилинг кўзлаган карвонинг бўлса,
Энг аввал отангнинг кадрили билгин,
Энг аввал онангга яхшилик қилгил.

Зеб – зийнат устунмас ота-онангдан,
Мол – давлат устунмас ота – онангдан,
Ҳашамат устунмас ота – онангдан,
Маишат устунмас ота – онангдан,
Энг аввал отангнинг кадрили билгин,
Энг аввал онангга яхшилик қилгил.

Бугун қадаҳ тутиб турган дилбарлар,
Йиқилсанг, бир кунда ташлаб кетарлар,
Одам бўлиб ортга солгин бир назар.
Энг аввал отангнинг кадрили билгин,
Энг аввал онангга яхшилик қилгил.

Оппоқ сочларида сабр бешиги,
Ажинлар қатори – жабр бешиги,
Биз очиб кирмасак меҳр эшигин,
Қарсиллатиб ёпсак кадр эшигин,

Улгур очилмасдан қабр эшиги,
Энг аввал отангнинг кадрили билгин,
Энг аввал онангга яхшилик қилгил.

Бу дунё нимадир, бу дунё – ўйин.
Бугун ютсак, эрта ютказиш тайин,
Бошқа ишингни қўй, эй Аҳад Қаям,
Энг аввал отангнинг кадрили билгин,
Энг аввал онангга яхшилик қилгил.

Бор бойлигу нақтинг шулар эмасми?
Бор давлату тахтинг шулар эмасми?
Ахир сенинг бахтинг шулар эмасми?
Энг аввал отангнинг кадрили билгин,
Энг аввал онангга яхшилик қилгил.

Соғинсам отажоним
Соғинсам отажоним
Излайин қаерлардан.
Соғинсам бир жаҳоним
Излайин қаерлардан.
Ҳовлимиз саҳнасида
Излари қолганмикан.
Ўглининг оқ юзида
Излари қолганмикан.
Ё кўзгу,
Пайт пойлаб турганмикан.
Соғинсам отажоним
Излайин қаерлардан.
Дастурхон ёзилганда
Неъматлар тўкилади.
Тикилиб ўтираман
Юрагим эзилади.
Кўрай деб анорлар ҳам

Чокилар ҳам сўкилади.
Соғинсам Отажоним
Излайин каерлардан.
Соғинсам бир жаҳоним
Излайин каерлардан.
Оксокол оталарга
Қуш каби талпинаман.
Қўриб суратларин
Сув каби талкинаман.
Йиғлаб яшайман – у
Аммо кўп соғинаман.
Соғинсам отажоним
Излайин каерлардан.
Соғинсам бир жаҳоним
Излайин каерлардан.

Ота – она

Бу дунёда содик бир дўст тополмадим
Бу дунёнинг найрангига чидолмадим.
Кимга ёқдим, кимнинг кўнглин ололмадим
Отамдайин, отамдайин дўст топмадим,
биродарлар.
Онамдайин бир меҳрибон тополмадим,
биродарлар.
Мол – дунёнинг ошнолари кўп
Бир йигит умрининг шайдолари кўп.
Ёш бошимнинг бунча ғавғолари кўп
Отамдайин, отамдайин дўст топмадим
биродарлар.
Онамдайин бир меҳрибон тополмадим
биродарлар.

Наин-ки дунёда ўксиб яшайман
Фиску – фасотлардан безиб яшайман,
Лек отам дуосин олиб яшайман
Отамдайин дўст топмадим биродарлар,
Онамдайин дўст топмадим биродарлар.

Яратган эгамга содик ғуломман.
Бир куни эл ичра кадр топарман
Лек отамдай дўст топмадим, биродарлар

Онамдай дўст топмадим, биродарлар,
Отамдай дўст топмадим, биродарлар.

Дунё

Дунёда ғам бўлса тоғу - тош қулар
Кўнгилда ғам бўлса кизил юз бўлар.
Бағринг бут бўлмаса кўзга ёш тўлар,
Бу ҳаёт инсонга синов дўстларим.
Оллоҳ тақсимлайди ҳар кимга қисмат
Қисматга кўнмаган инсонга зулмат.
Ғам - ташвиш келтирар ҳар кимга ғурбат
Бу ҳаёт инсонга синов дўстларим.
Мансабни қуламас тахт деб биламиз,
Дунёни тугамас бахт деб биламиз.
Кўнглимиз жўш – жўш уриб қах – қах қуламиз
Бу ҳаёт инсонга синов дўстларим.
Бу дунё қолдирмас ҳаммани элтар
Билмам навбатида кимларни қутар.
Мангулик уйқуга бирма – бир кетар
Бу ҳаёт инсонга синов дўстларим.

Отажон

Кимдир баланд келди, кимдир паст келди
Кимдир қумурска - ю кимдир хас келди.
Кимдир ҳақни сотиб ҳақ фараз келди
Кўксимда юрагим чўғдир отажон.
Сиздан якин дўстим йўқдир отажон
Кўрдим зар қоплаган саҳроларни.
Билдим нафс кўйида адоларини
Нечун инсон билмас хатоларини.
Армоним бўғзимда тигдир отажон
Сиздан якин дўстим йўқдир отажон.
Отажон, отажоним, отажон.
Сиздан якин дўстим йўқдир отажон.
Осмон қулаб тушди менинг елкамга
Сигмай қолдим қошонадек қулбамга.
Қўшиқларим етиб икки оламга
Тоғу- тошлар зир титратди отажон.
Сиздан якин дўстим йўқдир отажон.
Билсам бўғзимдаги нидо экансиз

Давосиз дардларга шифо экансиз
Худойимдан кейин худо экансиз.
Мен билган дунёлар бир пул отажон
Сиздан якин дўстим йўқдир отажон.
Отажон, отажоним, отажон
Сиздан якин дўстим йўқдир отажон.

Отам дуоси

Отам, жонимни тилайди, шавкату – шонимни сўрайди,
Минг бир балодан асрайди, отажоним дуолари.
Ёшлигимдан токи ҳамон, асраб келар мени омон
Бошимга бўлар соябон, отажоним дуолари.
Нодон душман, номард дўстим, ғийбат гапдан, бўхтон
сўздан
Сақлаб келган ёмон кўздан, отажоним дуолари.
Ҳамиша бахтимиз кўзлаб, кўрмагаймиз каму – кўстлар
Улуғлагай бизни дўстлар, отамизнинг дуолари

Ота – онам бор деб қувон....

Окибатдан сўз очганда дил ғашланса
Номардлардан сўз очганда кўз ёшланса.
Давраларда дунёлардан гап бошланса
Ота – онам бой деб эмас, ота – онам бор деб қувон.
Бўлмаганин ожиз банда бўлдиrolмас
Онанг каби ҳеч ким сени эркалолмас.
Ўкси қўнглинг молу – дунё тўлдиrolмас
Ота – онам бой деб эмас, ота – онам бор деб қувон.
Ўргилайин дабдабали тўйларингдан
Айлайин қадди ниҳол бўйларингдан.
Ёру – дўстлар келган катта уйлариингдан
Ота – онам бой деб эмас, ота – онам бор деб қувон.

Отажоним – онажон

Отанг кетса давлатинг кетгайдур,
Онанг кетса савлатинг кетгайдур.
Шу иккала қўргонингдан айрилсанг
Манглайдаги зар хатларинг кетгайдур.
Отаси йўқ чўлда қолган қуёндай
Онаси йўқ рангги рўйи сиёхдай.
Кимнинг агар қўргонлари қуласа,
Тўрт томондан тўрт минг озор етгайдур.

Нари борса тўрт йил кутар дилдоринг,
Ўн йил кутар садоқатли дўст – ёринг.
Лекин отанг сабр тошга айланар
Онанг қирқ йил кўз юммайин кутгайдур.
Отанг ўлса, “ўлди” дема, ҳаёт у,
Кўксингдаги сўнмайдиган баёт у.
Ногоҳ агар йўлларингда кокинсанг,
Онанг руҳи қўларингдан тутгайдур!
Онажон деб йиғламаган юрак, юрак эмас,
Гар онамсиз кирсам жаннат керак эмас!!!
Кўз ёш тўкар менинг қилган нолам учун,
Ўзи емай дейди фақат болам учун.
Мен берайин савобимни онам учун
Жанатларда ўзга тилак, тилак эмас,
Гар онамсиз кирсам жаннат керак эмас!!!
Макка Мадинага ўзим олиб борай,
Юрагимни Оллоҳ номин солиб борай
Онам учун мен боримни фидо қилай.
Юлдуз, ойсиз фалак, фалак эмас,
Гар онамсиз кирсам жаннат керак эмас!!!

“ОНА” монологи

Онажон, бу галги юрак сўзимни,
Сенга бағишладим, сенга онажон.
Йўқ – йўқ сўзим эмас, балки ўзимни,
Сенга бағишладим сенга онажон.
Сен мени яратдинг раҳмат онажон,
Ҳадя этдинг, мени ёруғ дунёга,
Яратдинг қалбингдан бағишладинг жон,
Кўзимни тўлдирдинг нури – зиёга.
Қанча сўқмоқлардан ўтдинг етаклаб,
Ошно қилдинг мени ҳаётга, элга,
Баъзан изларингдан юрдим эмаклаб,
Сен бошладинг мени инсоний йўлга.
Баъзан сен парвона, мен чирок бўлдим,
Сен чирок бўлганда, бўлдим парвона
Коисанг йиғладим, эркаласанг қулдим,
Шу заил бағрингда улғайдим она,
Сенга икки қўллаб талпиндим доим,
Баъзан беланчақдан, баъзан бешиқдан,
Бағрингга интилдим қуёшим ойим,

Баъзан девор оша, баъзан эшикдан.
Ҳа сенга интилдим, интилдим сенга
Қалбим боғлиқ экан қалбинг тўрига
Мен сенга интилдим, сен эса менга.
Шукур қилай дунёда онам бор экан,
Қўлларим кўксимда қиламан таъзим
Сен ахир қалбингдан қон бердинг менга
Ўзингдан ўзимман, кўзингдан кўзим.
Сен ахир жонингдан жон бердинг менга,
Фарзандлик бурчим бу сени қаршингда,
Эгиламан бошим ерга етгунча,
Бир умр парвонинг бўлай бошингда,
Кўз юмиб дунёдан тамома ўтгунча.
Онажон елкамда қарзим кўп сендан,
Бир парча эт эдим, сен қилдинг одам,
Аммо сени сира қарзинг йўқ мендан,
Сендан олдим ақлим заковатни ҳам.
Дерларки болани кўнгли далада,
Нафас олармикан фарзанд онасиз,
Баъзан бепарворок бўлдим онажон,
Сени ташлаб кетдим баъзан йирокка.
Бегона юртларда бўлдим ҳар замон,
Фақат сен чидадинг баъзан фирокка.
Минг қуллуқ оламини танитдинг менга,
Ақли серобликда дарё экансан,
Минг қуллуқ одамини танитдинг менга,
Бағри кенг уфқсиз дунё экансан.
Кел бағримга босай эй улуғ инсон,
Оппок пешонангдан ўпай волидам,
Сенга таъзим қилсин замин – замон,
Сен бунга ҳақлисан эй нури дийдам.
Қанийди она, табиат қўлидан келса,
Абадий этолса сени умрингни,
Розийдим онажон иложи бўлса,
Сенга қўшиб берса менинг умримни.
Бир кечалик алланг ҳурмати учун,
Юз йиллик умримни бағишласам кам,
Кечирсам қалбингга қалбимнинг кучин,
Қарзим узилмасдан қолур шунда ҳам.
Мабодо бўлсайдим зўр ҳайкалтарош,
Сенга юрагимдан ясардим ҳайкал,

Ё агар бўлсайдим мўйкалам наққош,
 Суралинг чизардим бериб минг сайқал.
 Оралаб колибди сочларингга оқ,
 Ол менинг сочимни қораларини,
 Тишларинг тушибди хўрсинма биров,
 Ол мени тишларим сараларини.
 Онажон қай бирин олайн тилга?
 Мен учун чекмадинг не – не захматлар,
 Дилингдан қай бирин кўчирай дилга?
 Менга сарфлаганинг не – не фурсатлар.
 Олтинг тенг эди ҳар дақиқаси,
 Мени ташвишимдан сочларингга оқ,
 Севинчу – изтироб барча – барчаси,
 Сенга озор берган бедорлик – чарчок.
 Кўзингдан уйқуни олган кечалар,
 Роҳатингни бузган шўх бебошлигим,
 Қалбинг олийжаноб экан бунчалар.
 Кўзингни қувнатган олов ёшлигим.
 Буларнинг ҳаммаси қалбинг ҳарорати эмасми она
 Шулар ҳаммаси, умрингни захмати эмасми она?
 Юзимга термулиб бешик қучоқлаб
 Неча тушларингни ўтказдинг уйғок
 Бағрингда опинчлаб юрлинг ардоқлаб
 Кўзинг қорачиги мисоли ҳар чок.
 Ўзинг емадингку менга едирдинг,
 Ўзинг киймадингку менга кийдирдинг
 Гавҳари шамчиروق тунолдим сенга,
 Гуё атрофимда айланиб юрдинг.
 Муқаддас инсонсан азиз инсонсан,
 Аслида инсонни яратган она,
 Заминга мураббий, замонга жонсан,
 Оламга нур зиё яратган она.
 Тундай қаро эди сенинг ўтмишинг,
 Палаҳмон тошидай отдилар сени,
 Мотамсаро эди сени ўтмишинг,
 Гуёки молсифат сотдилар сени.
 Нондай азиз бошинг ерга эгилиб,
 Тошларга урилган бечора онам,
 Қафасу – зиндонда бағринг хун бўлиб,
 Минг ўлиб тирилган бечора онам.
 Йўқ – йўқ булар ўтмиш, қоронғу ўтмиш,

Сен энди оламга посбонсан онам,
Ўтмиш кайтиб келмас абадий кетмиш,
Сен энди дилларда дотонсан онам.
Сен ўзинг ҳаётнинг гўзалигисан,
Фарзандинг фазога учирган инсон,
Меҳру садокатнинг азалигисан,
Қалбингни калбларга кўчирга инсон.
Қабул эт онажон, бугунги юрак сўзимни,
Сенга бағишладим, сенга ОНАЖОН.
Наин – ки сўзимни, балки ўзимни,
Сенга бағишладим, сенга эй УЛУҒ ИНСОН.

Шухрат

Она

Онасини унутганнинг
Она тили бўлмайди.
Она тилин унутганнинг
Она эли бўлмайди.
Она тилинг унутдингни,
Демак, онанг унутдинг.
Элинг унут, она унут,
Хўш, ҳаётдан не умид!
На одамсан, на фарзандсан,
Одамнусха вужудсан.
Ер юзида дайдиб юрган
Бир жонзотдай мавжудсан!

Чустий

Ота ҳурмати

Эшит пандим йигит – кизлар, отанг энг
меҳрибонингдур,
Отанг пушти панохинг, раҳбаринг ҳам соябонингдур,
Отанг дўстинг, отанг фаҳринг, азизинг,
жонажонингдур,
Ҳаёт боғида ўстирган ҳақиқий боғбонингдур,
Қуёш бўлсанг агар сен бошинг узра осмонингдур.
Отангни ҳурмат этсанг, ҳурматинг эл калбига тўлгай,
Бошинг осмонга етгай, бахту икболинг баланд
бўлгай,
Зафар ёринг бўлиб, омад сени бошингдан ўргилгай,
Ота калбини ранжитган киши эл ичра хор ўлгай,
Отанг хурсандлиги чин иззатинг, рангингда
конингдур.

Отангга хизмат айлаб, эл аро энг яхши одам бўл,
Онанг берган сутин окла, унинг дардига малҳам бўл,
Гўзал одобу ахлоқинг билан машҳури олам бўл,
Қариб пири бадавлат оталар ёнида сен ҳам бўл,
Отангга хизматинг тарихда бир ному нишонингдур.
Отангинг хар сўзи қалбнинг аро ёнган чироқ бўлсин.
Олар тупроғинг олтин бўлсину, умринг узок бўлсин,
Отанг олқишлари эл хирмонидек тоғ – тоғ бўлсин,
Амал қилган йигит – кизлар мудом оламда соғ
бўлсин,
Бу сўз Чустий тилидан шарҳ этилган достонингдур.

Акмал Пулат

Отам

Жонингизга жон бўлай, жонимга дармоним отам,
Камтарин , пири бадавлат, шавкатим – шоним отам.
Гул ҳаётим кўрки, ёрқин даври – давроним отам,
Давлатим, покиза виждон, уста боғбоним отам,
Сиз билан йўк заррача кўксимда армоним отам.
Меҳрибон, меҳригиёдир ўз ширин фарзандига,
Ул ишонган боғи – роғи, севгани, дилбандига.
Чашмадек меҳри туганмас ҳеч жигарпайвандига,
Гул ҳаётим кўрки, ёрқин даври – давроним отам,
Сиз билан йўк заррача кўксимда армоним отам.
Арзигай жондан тавоф этсам отам кўз – қошини,
Бор вужудим ўртанур тўкса мурувват ёшини.
Доимо меҳнат билан кўкка кўтаргум бошини,
Камтарин, пири бадавлат, шавкатим – шоним отам,
Сиз билан йўк заррача кўксимда армоним отам.
Боадаб, ақли расо фарзанд отанинг жонидур,
Парпираб ёнган чироғи, танда тоза қонидур.
Гул ҳаётнинг кўрки, ёрқин доврўғи давронидир,
Акмал ўғлинг, жон бўлай дер, жонга давроним отам,
Сиз билан йўк заррача кўксимда армоним отам.

Акмал Пулат

Ота насихати

Эй ёш дўстим, сенга айтар сўзим бор,
Юрак сўзларимни унутма зинҳор.
Навқиронсан, ишда чиниқ, жўмард бўл,
Ёмон юрма, яхшиларга улфат бўл!

Мардлар бермас ўзгаларга ҳеч озор,
 Дилозордан кўни – қўшни, юрт безор.
 Қўполлик, жаҳолат – кучсизнинг иши,
 Лаънат ўқир уни кўрган ҳар киши.
 Аҳдингни бузмагин, дўстим, мард бўлсанг,
 Юзинг каро халқ мулкига қўл чўзсанг.
 Ота – онанг насиҳатин унутма,
 Меҳнатсиз ҳеч қандай яхшилик кутма,
 Ҳалолликдир билгин мардлик зийнати,
 Ҳаромхўрнинг ошар кайғу – кулфати.
 Мардликка хилофдир қуруқ хаяжон,
 Меҳнатда тер тўккан мисоли маржон.
 Аҳлок, одоб асл чирой одамга,
 Боодоб ёқади бутун оламга.
 Мард камтарин мактанмайди умрида,
 Мардлар номи доим кўнгил тўрида.
 Мард етказар ҳар кун элга манфаат,
 Мардликнинг замири унутма. Меҳнат,
 Меҳр қўйиб ўқи,ақлинг ишлатиб,
 Насиҳат тинглагин фикринг пешлатиб.
 Кимки бўлса халқ ишига фидокор,
 Мардлигин амалда кўрсатиш даркор.

Пулат Мўмин

Ота – онангга

Чин фарзандлик бурчингни кўрсат ота – онангга.
 Умринг бўйи сақлагин ҳурмат ота – онангга.
 Онанг берса оппок сут, отанг қилган насиҳат,
 Этма зинҳор ишингдан миннат ота – онангга.
 Ошно тутиб ёмондан, кирма хато йўлларга,
 Туширмагил доғ ила кулфат ота – онангга.
 Ёр васлига етишгач, улар меҳрин унутма,
 Қариб қолишса бўлгин қувват ота – онангга.
 Уларни сен сийласанг, эл сийлайди сени ҳам,
 Яхши одоб билан бўл зийнат ота – онангга.
 Юрту элинга, Мўмин, хизмат эт чин дилингдан,
 Дўстлар десин ҳамиша раҳмат ота – онангга.

Пулат Мўмин

Онадур ул, онадир

Оналар бор, олам кўшикхонадир,
Оналарни мактаса дил конадир,
Фарзанд учун ким қувониб, ёнадир?
Онадир ул, онадир ул, онадир!
Юрагидан янги юрак кўчирган,
Оқ сутига меҳрин кўшиб ичирган,
Гуноҳ қилса энг биринчи кечирган
Онадир ул, онадир ул, онадир.
Фарзандига бахт берай деб ўйловчи,
Ирода - ю аҳд берай деб ўйловчи,
Онадир ул, онадир ул, онадир.
Ўргатолган кулмок билан сўзлашга,
Ўргатолган эъозлашга, сизлашга,
Ўргатолган яхшиларни излашга
Онадир ул, онадир ул, онадир.
Кулган чоғда гулларни ҳам кулдирган,
Йиғлаганда ёши дарё тўлдирган,
Ҳар қандайин бўлмаганни бўлдирган
Онадир ул, онадир ул, онадир.
Фарзандининг жони учун жон тиккан,
Соғинганда дийдорига энтиккан,
Не донолар, не ботирлар бўй тиккан
Онадир ул, онадир ул, онадир.
Ҳақ йўлида қайтмаган ҳеч шахтидан,
Ҳатто жаллод кўрқар унинг қаҳридан,
Фарзанд учун кечган бахту-тахтидан
Онадир ул, онадир ул, онадир.
“Ортимда қол”... деган улуг дуода,
Фарзанд учун яшагунча дунёда –
Жаҳонларни кеза олган пиёда –
Онадир ул, онадир ул, онадир.
Одамзоднинг даврасида табаррук,
Табарруклар даврасида энг буюк,
Энг буюклар даврасида энг буюк,
Онадир ул, орадир ул, онадир.
Фарзандига олам олтин олмаган,
Фарзанд учун чарчамаган, толмаган,
Фарзанд учун не кунларга колмаган,
Онадир ул, онадир ул, онадир.
Она каби юртимиз ҳам бағри кенг,

Она меҳри қуёшларга келар тенг,
Мўминга ким мангу илҳом берди денг,
Онадир ул, онадир ул, онадир.

Пулат Мўмин

Меҳрибон ойиҷон

Жуда ҳам аълосиз, ойиҷон,
Жуда ҳам доносиз ойиҷон,
Сиз мени қўзим, деб севасиз,
Нур тўла қўзим, деб севасиз.
Ойиҷон,
Ойиҷон,
Ойиҷон!
Жилмайсам қувониб кетасиз,
Оғрисам нақ ёниб кетасиз,
Мен учун қуясиз – пишасиз,
Мен учун ҳар томон шошасиз.
Ойиҷон,
Ойиҷон,
Ойиҷон!
Сиз мени барчага яхшилаб,
Қучасиз ўргилиб, эркалаб,
Шу азиз бошимни силайсиз,
Менга бахт, омонлик тилайсиз.
Ойиҷон,
Ойиҷон,
Ойиҷон!
Мен учун меҳрингиз бир жаҳон,
Бахтимга бор бўлинг ҳар қачон,
Ҳаммага, оламга мактайман,
Сизни мен қуёш деб атайман.
Ойиҷон,
Ойиҷон!

Пулат Мўмин

Туздим гулзор онамга

Ҳурматимни этай изҳор онамга,
Қўшиқларим онаизор, онамга.
Онам берган юрак билан, қўл билан,
Боғим аро туздим гулзор онамга.
Юрса агар гулзоримда оралаб,

Хатто гуллар бермас озор онамга.
Гулзоримни бир кун кезмай қолса у,
Менинг каби гуллар ҳам зор онамга.
Қуёш бордир онажоним меҳрида,
Таъзим этар боғу – баҳор онамга.
Азизликда юрту онам баробар,
Қалбим тўла илҳомим бор онамга.
Умрим бўйи элим учун тўкиб тер,
Хурматимни этай изҳор онамга.

Саида Зуннунова

Дадам хотирасига

Дадагинам,
Ҳар ўтган умримга назар ташласам,
Қиттай ғубор сезсам, кўнглим ғашланар.
Ранжитиб қўйдимми, деб руҳингизни,
Жигаримни кабоб қилар оташлар,
Дадагинам!
Гоҳ лентам, гоҳида ботинкам ипин
Боғлаган меҳрибон қўлларингизни,
Тоғдаги чашмадек мусаффо, тиник –
Қалбингиз, муборак йўлларингизни
Бир лаҳза топсам,
Оҳ, битта ўпсам.
Ўқишим соз бўлса, юз – кўзингизда
Тенги йўқ бир қувонч порлаб кетарди.
Шундай бокардингиз, гоҳ уйимизга
Кичкина дўстларим чорлаб келганда.
Дадагинам!
Ўзингиз солгансиз менга шеър ишқин,
Нега ўқимайсиз сатрларимни,
Нега текширмайсиз дафтарларимни,
Нега қойимайсиз хатойим учун,
Ҳеч нарса қолмасди назарингиздан,
Сал чучук сўзлашим, юришимгача.
Сув бўйида Ўйчан туришимгача,
Ҳеч нарса қолмасди назарингиздан.
Ҳали ҳам шу назар қилади таъқиб,
Йўлимга ҳамиша нур, чирок ёқиб.
Гоҳ жиддий, гоҳида мулоғим боқиб,
Меҳр кўзи билан қилади таъқиб.

Кичкина обрўйим балки шундандур,
Шундандур каттакон бахт тўла уйим,
Шундандур излаган, интилган уйим,
Кичкина обрўйим балки шундандур.
Номингиз элимда ардоқлай олсам,
Розиман киз бўлиб туғилганимдан,
Яхши ўғил каби мен саклай олсам,
Розиман киз бўлиб туғилганимдан,
Дадажонгинам!...

Эркин Воҳидов

Ота тилаги

Таажжуб, дейман – у ёқа тутаман,
Мургак бола эдим кеча – ку ўзим.
Бугун қарабсизки, мен ҳам отажон,
Менинг ҳам ўғлим бор – умид юлдузим.
Қалбим урмоқда шу муштдек юракда,
Янгидан ўсмоқда кичкина жисмим.
Демакки, ҳаётим давом этмоқда,
Демакки, оламда қолмоқда исмим.
Нима бор мен учун унингдек азиз,
Арзир бир сўзига жон фидо этсам.
Жаҳонда нимаки бўлса энг лазиз,
Фақат унинг учун муҳайё этсам.
Кипригига зарра қўнмаса қайгу,
Бахти камол бўлса, толеи бекам.
Қўрса мен қўрмаган шодликларни у,
Етса мен етмаган ниятларга ҳам.
Аммо у бир умр бўлмай ошино
Тириклик деганнинг заҳмат, дардига,
Била олармикин надир бу дунё,
Ета олармикин ҳаёт қадрига!
Ўғлим, эй, умидим боғида ниҳол,
Ёруғ пешонангни ўпиб силайман.
Шу азиз бошингга энг нурли ҳаёл,
Қалбингга энг тоза ҳислар тилайман.
Улғаярсан, йигит бўларсан бир кун,
Ортда қолар ёшлик, ўйин, эрмаклар.
Оламни елкада кўтармоқ учун
Дунёга келади, билсанг, эрмаклар.

Абдулла Орипов

Она

Каъба копқасида турган, эй посбон,
Аввал оналарнинг очгин йўлларин.
Оналар пойига тиз чўк ўшал он,
Тавоф кил, кўзга сурт, ўпгин қўлларин.
Ҳожар онамизнинг нидоси сабаб
Каъбада сўз очган оби зам – зам ҳам.
Бир умр талпинмиш онага караб,
Не – не пайғамбарлар кўзларида нам.
Қавмимни ранжитиб қўймайин, аммо
Тобут ясаб келган эр зоти доим.
Оналар бағрига факат бешик жо,
Ҳаётбахш аллалар айтган, мулойим.
Шўрлик одамзоднинг толеи учун
Энг аввал оналар килсин ибодат.
Зора, гуноҳлардан пок бўлгай очун,
Оналар ўтинчи топиб ижобат.
Каъба копқасида турган, эй посбон,
Аввал оналарнинг очгин йўлларин.
Оналар пойига тиз чўк ўшал он,
Тавоф кил, кўзга сурт, ўпгин қўлларин.

Абдулла Орипов

Онамни эслаб

Шамол увиллайди,
Қор, бўрон тошиб,
Тепалик тўшига ўзни уради.
У ерда тупрокка бағрини босиб
Танҳо бир сағана маъюс туради.
Қошига чикай деб бўзлаб йўл юрдим,
Кўкрагимни тилди изғирин, тикан.
...Нетай, онажоним, қанча одам кўрдим.
Сендан якин кишим йўқ экан...

Абдулла Орипов

Она деган ном

Дейдилар, қаҳрли баҳодирлар ҳам,
Жангларда жон берар чоғи мардона,
Беҳад азобларга чидаб сўнгги дам,
Битта сўз дермишлар шивирлаб: Она,
Улуғ бир донишманд оламни шарҳлаб,
Ағийри танибди тукқан элини.

Забон бахш этганга эҳтиром саклаб,
Она, деб атабди илк бор тилини.
Дунё шоирлари Ватан шаънига
Сифат ахтармишлар катор ва катор,
Ниҳоят, келмишлар битта маънига:
Бисёр бўлса агар бол ҳам бекадар,
Такрор айтилганда рангсиздир калом.
Бу ёруғ оламда Ватан биттадир,
Биттадир дунёда Она деган ном!

Абдулла Орипов

Она

Бир умр ахтардим самимиятни
Ва уни оналар
Кўзида кўрдим.
Учратай дегандим абадиятни,
Уни ҳам онанинг ўзида кўрдим.

Абдулла Орипов

Фарзанд

Бир куни ранжитди отани фарзанд,
Ота ўз уйидан бош олиб кетди.
Лекин Аллоҳ меҳри бўлиб сарбаланд,
Ота Маккатуллоҳ васлига етди.
Ота фиғон чекди Каъба қошида,
Гуё унут бўлмай аламлар бари.
Нажот чарх урса ҳам гарчанд бошида,
Сира кетолмади бир гапдан нари.
Каъбага сиғинар экан кекса чол
Армоним ошқора айтди оламга.
Деди: -Ибодатим бўлса ҳам увол,
Факат саодат бер ўша боламга.

Муҳаммад Али

Она дуоси

Биринг икки бўлсин нима ушласанг,
Йўлларинг оқ бўлсин тоғлар қорича.
Сен ёруғ дунёда тинч юрар бўлсанг,
Мен дуо қиларман умрим борица.
Кўзингда кўрмасам алам ранжини,

Бошингда кўрмасам тумонот савдо,
 Олиб бермасанг ҳам олам ганжини,
 Сендан онагинанг ризодир, ризо!
 Ҳаётинг бемаъно туюлса болам,
 Қоронғу кўринса бу кўҳна дунё,
 Кетсин деб қалбингдан ер ютқур алам,
 Ёришсин дунё деб айларман дуо.
 Юрагинг кисилса такрору – такрор,
 Кенгликка чиккин – да, айтгин шўҳ ўлан,
 Бу ҳам ҳасратингга келмаса бакор,
 Кўнглингни бўшатгин шеър ёзмок билан.
 Қадим эртақларни тинглаш создир хўп,
 Олтин умрларни унда кўрарсан.
 Сеҳрли ҳаётга маҳлиё бўлиб,
 Бевош ўйларингни алдаб юрарсан.
 Етишсанг, тўй берсанг юртга мабодо,
 Жамшид ҳавас килсин санинг базмингга.
 Номинг дoston бўлиб юрсанг эл аро,
 Мурод – мақсадингга етсанг, бас, менга.
 Ёмонлар йўлини тугмагил минбаъд,
 Фиску – фасодлардан нари бўл, тўхлим.
 Олгину олдирма, униб – ўс. факат
 Тириклай гўримга киритма ўғлим...

Самандар Воҳидов

Сендан юксак нима бор, юлдуз?

□ Оналар меҳри.

□ Сендан кескир нима бор, олмос?

□ Оналар меҳри.

□ Қайдан олдинг оташни, қуёш?

□ Она қалбидан.

□ Пулат, қайдан сенда зўр бардош?

□ Она сабридан.

□ Сенми, кўклам, ҳаётбахш фасл?

□ Йўқ, она сўзи.

□ Денгиз, недир кенгликда танҳо?

□ Она оғуши.

□ Сендан шаффоф, не, тонгги зиё?

□ Она боқиши.

□ Яратгувчи сенми, табиат?

□ Йўқ, йўқ, оналар.

Ғахт битгувчи сенмисан, ҳаёт?
Йук, йук, оналар.

Омон Матжон

Она деган сўз

Юзлардан сиркилиб шабнам,
Уфқ билан кўришганда ер,
Офтобга кипригим билан
Она сўзин ёздим гўё шеър.
Аму оқар мисоли булут,
Уфқ бўлиб оқади Аму.
Қирғоғини этса ҳам унут,
Майсаларни унутмайди у!
Ҳар кўкат, ҳар баргнинг номига
У элтади тоғлардан таъзим,
Она деган сўзнинг ёнига
Чизгим келди МАЙСанинг расмин.
Капалак ранг, булбуллар оҳанг
Кашфи билан маст бўлган лаҳза
Она сўзин қаватига ман
Ёзиб қўйдим БАҲОР деб аста...
Мен жо этдим Она номига
Ернинг сўнгги гардигача то, -
Энди Она сўзи ёнига
Дадил ёзиб қўяман: ДУНЁ!
Мен юлдуз деб уни қўлайман,
У Ватандир, у арши аъло.
Мен унга минг ташбиҳ ўйлайман,
Етказурман миллионга ҳатто...
Ерда, лекин минг – минглаб одам
Сут ҳидини билса мукаддас,
Уруғ деган биргина сўздан
Оналарни сақлай олур, бас!

Ойдин Ҳожиева

Онажоним кўзларингизда

Куннинг нафаслари бор эди.
Онажоним, юзларингизда
Ойнинг ҳаваслари бор эди.
Онажоним, Сиз билан жаҳон
Беҳигулдай ифори эди.

Тунлар ойдин, кунлар шодмон.
Шабдалар дуторли эди.
Тушларимга кириб чикасиз,
Сочларимни ўраб чикасиз.
Фариштадай бошим узра гоҳ
Оромимни кўриб чикасиз.
Талпинаман, кучсайдим кани,
Сизга ккчок очсайдим кани.
Соғинчларим гулга айланса,
Пойингизга сочсайдим кани...
Онажоним,
Жонажоним.

Нормурод Нарзуллаев

Фарзанд билан

Умримиз гулшани яшнара гул ҳаёт фарзанд билан,
Бахтимиз кулгай чарақлаб зурриёт – фарзанд билан,
Оила бахти, қувончи, шодлигига биз шерик,
Хонамиз ҳуррам эрур, уйлар обод фарзанд билан.
Яхши киз, яхши ўғил бўлгай она юрт давлати,
Ҳур Ватан тинчдир, омон, эл ҳам озод фарзанд билан
Тўйимиз ҳам: куйимиз ҳам бизга ҳамроҳ бир умр,
Шодлик йўлдош эрур, қайғу ёт фарзанд билан,
Қалбимизда кўр бўлиб у, кўзимизда нур бўлиб.
Биз фазога парвоз этдик қўшқанот фарзанд билан.
Ота – она рози - бул ҳаётда ўрнимиз,
О, канийди қолса биздан яхши от фарзанд билан.
Давримиз тўлсин ҳамиша бахтли ўғил – қизлар билан,
Дўстлар етгай муродга Нормурод фарзанд билан.

Эркин Мадрохимов

Ўзимнинг онагинам

Меҳри мисоли дарё,
Қалби тўла нур, зиё,
Кўзларимга тўтиё,
Ўзимнинг онагинам.
Юзин нуридан чунон,
Атроф бўлар чарагон.
Доим мендан гиргиттон,
Ўзимнинг онагинам.
Унингсиз ўтмас тўйлар,

Бахтли эртамни ўйлар,
Ҳар окшом эртақ сўйлар,
Ўзимнинг онагинам.

Охунжон Ҳакимов

Онажоним қошида

Бир умр қарздор эрурман онажоним қошида,
Давлатим, тоғдай паноҳим, соябоним қошида.
Бойлигим ҳам толеим деб кўрсатурман изларин,
Ўзга бойлик на керак жону – жаҳоним қошида?!
Хулки – хушлиг – у ҳаёдан бердилар менга сабоқ,
Тоабад таъзим этай роҳи равоним қошида,
Не дея изҳор этай шаънига ёниқ ҳисларим,
Жонажондан жонажонрок жонажоним қошида?
Дерлар офтоб меҳридан жон олур рўйи замин,
Лекин офтоб меҳри надир меҳрибоним қошида?
Мен волидам жонидаги жон эрурман, бегумон,
Садка бўлсин хонумоним, садка жоним қошида.

Олимжон Холдор

Онагинам

Қўллар толиб тебратдингиз,
Дард кўрмасин қўли, деб.
Кўз нури – ла ёритдингиз,
Ойдин бўлсин йўли, деб
Болагинам юзлари ҳеч
Бўлмасин деб заъфарон.
Юзларимдан ўпиб ҳар кеч,
Дуо айлаб, онажон.
Гоҳ йиғласам юратолмай,
Биргалашиб йиғлашган.
Болагинам боласини
Кўраманми деб ишонган
Тетапоя кадам боссам,
Севинчидан бир жаҳон,
Тойиб кетсам, шикаст етди.
Боламга деб, онажон,
Чўчиб маҳкам қўлгинамдан
Ўпиб, ҳайхот, тутдингиз.
Болам дея ўзингизни
Тамоман унутдингиз,

Гар йиқилсам, турғаздингиз,
Қоқиб усти – бошимни,
Кейин фақат йиқилмагин
Дея силаб бошимни,
Ростгўйликка ўргатдингиз,
Деб шу йўлдан юр, болам.
Шу йўлларда, шу йўлларда
Мен излаган нур, болам...
Ишдан бироз кечга қолсам,
Оромини қўқотган,
Дарвозамиз “тирик” этса,
Боламмикин, деб қутган -
Онагинам, бошим қуйи,
Раҳмат сизга бари – чун.
Сизга, элга хизмат қилмоқ,
Менинг фарзандлик бурчим.
Гул шохини шамол этса,
Таъзим қилса ногаҳон,
Юртга зарра нафим тегса
Бу Сизники, Онажон!
Элга манзур бир иш қилсам
Она, сизни эслагум,
Билмаганим агар билсам,
Яна сизни эслагум.
Йўлдан тойиб хато қилсам,
Она, Сизни эслагум.
Қўлим баланд, бахтим қулса
Яна Сизни эслагум.
Белларимни боғлаб маҳкам
Шеърга ошиқ қилган ҳам,
Бу кунларим, онагинам,
Сиздир олддан билган ҳам.
Шунинг учун таъзим қилай,
Бошим ерга теккунча.
Сизга, она, хизмат қилай,
Токи умрим битгунча.

Абдузани Сулаймон

Етим оталар ҳам бор...

Кексайганда хор бўлган,
Тутган уйи дор бўлган,
Чин меҳрга зор бўлган,
Етим оталар ҳам бор...
Аёли кўп димоғдор,
Қовоғидан кор ёғар,
Ўғил – кизда юрак тор,
Етим оталар ҳам бор..
Рўзгорда ёлғиз қолган,
Йўл караб кўзи толган,
Армонли сўзи қолган,
Етим оталар ҳам бор...
Уйқуда ором топган,
Уйғонса, ўйга толган.
Ғурбатда ғариб ётган,
Етим оталар ҳам бор...
Тақдирдан бевақт қуйган,
Паноҳи Илоҳ бўлган,
Қарғишни гуноҳ билган,
Етим оталар ҳам бор...

Зулфия Бобоева

Онажон, онам

Мурғак вужуд қўлингизда минг айланиб, ўргилиб,
Жондан азиз бир ардоғда туткизмай ҳеч заволга,
Гўдак кулгим бу дунёда энг аъло қувонч билиб,
Не тилак – ла улғайтириб, етказдингиз камолга.
Улуғликка тимсол, тенгсиз, асил гавҳар дурдонам.

Онажон, онам!

Қарздормиз деб буюк зотлар мангу она қошида,
Шараф тожи деб билганда она пойин гардини,
Тутганми, ахир, кўзда ёник тафаккур ила,
Тун кечалар чеккан қанча ташвишингиз дардини!
Шижоати тоғдай юксак матонатли мардонам,
Онажон, онам!

Юзингиздан ёғилган нур ёритади қалбимни, -
Шу боисдан йўлим худди оқ тонгларим мисоли.
Суянганим, бўлсин бокий шу тонглардек умрингиз,
Гул сочади пойингизга юрту қутлуғ замонам,
Онажон, онам!

Минҳожиддин Ҳайдар

Оналар

Оналар каби кўрмадим бул ҳаётга шайдони,
Ҳаёт ҳам топмиш у билан ўзда сайқал, маънони.
Оналарсиз қолмасмиди олам уйи бечирок,
Қуёш бўлди – ю оналар ёритди Ер – самони.
Қайдадир топталса тупроқ, бегуноҳ тўқилса қон,
Титратар оналар охи ҳатто арши аълони.
Жангга ёрин қузатди, сўнг ёлғиз фарзандин ҳам,
Деб: шу муқаддас тупроғу, деб шу қутлуг маъвои.
Бас, дейки: Оналар – Ватан, оналар – севги вафо,
Ҳар бир Инсон буни англаб то борки танда жони.
Қўйгил, эй сен, ғофил, боқма оналар кўзига тик,
Йўллар оқ бўлур оналар қилса дилдан дуони.
Таъзим бажо айлаб Минҳож дер;”Оналар, Сиз тангри –
Бир қўлда бешиқ, бир қўлда тебратгувчи дунёни”-
Сафо Очил

Ота – она дуоси

Олмасам гар кўнглим тўлмас,
Ота – онам дуосини.
Олмасам гар йўлим бўлмас,
Ота – онам дуосини.
Қайда бўлмай йўқлагайман,
Меҳрин асраб сақлагайман,
Ахир, қандай оқлагайма,
Ота – онам дуосини.
Умрим бўйи ғамин ерман,
Сўзин дурга алиштираман,
Сийму зардан ортик дерман,
Ота – онам дуосини,
Сафо Очил, ҳолин сўргум,
Мудом бошим эгиб тургум,
Қанча бўлса ҳам кўз кўргум,
Ота – онам дуосини

Муҳаммад Юсуф

Онамга

Оҳ, менинг ортимдан оввора онам,
Бир парча юраги минг пора онам.
Ҳар балони кўриб ёруғ дунёда,
Тошканни кўрмаган бечора онам,

Боланг бўлиб бир бор бошлаб келдимми,
 Энди мен ҳам сенга ўғил бўлимми!..
 Гарчи бисотингдан “байрам” сўзи йўқ,
 Биламан кутасан сандал тўла чўғ,
 Менда юрак деганларин ўзи йўқ:
 Мен совға бермаган қиз йўқ бу окшом,
 Сенга на гул бердим, на ширин калом,
 Энди мен сенга ўғилми, онам?..
 Дейсан: олисларда омон юрсанг бас,
 Ёдингга тушсам гоҳ йўқлаб турсанг бас,
 Болам, сенга ҳамма килади ҳавас...
 Ахир, менинг дардим Шеър эмас фақат
 Мен машҳур шоирмас – машҳур бешафкат,
 Энди мен ҳам сенга ўғилманми, айт?..
 Шаънингга шеър битдим. Усени топсин,
 Пойингга тиз чўкиб, қўлингни ўпсин.
 Ундан ҳам улуғин борлигин кўрсин,
 Мен учун ҳам азиз ҳолингни сўрсин,
 Сенсиз ғариб кўнглим кўнглим, онам,
 Энди мен ҳам сенга ўғилми, онам!..

Муҳаммад Юсуф

Онанзор

Кўнглим қолса булбулдан ҳам, гулдан ҳам,
 Қолар бўлсам бир кун ахир тилдан ҳам...
 Агар бир зот йиғласа чин дилдан ҳам...
 Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...
 Сигмай қолсам шундай кенг бу жаҳона,
 Осмонларга руҳим бўлса равона,
 Жонсиз танзим устида ҳам парвона –
 Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...
 Топар бўлса қўлимдаги тор, дунё,
 Уч кун ўтмай унуттай дўст – ёр дунё,
 Еру - қўкни титратиб зор – зор дунё –
 Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...
 Гулдай кулиб юрмасмиди ўғлим деб,
 Кўриб кўнглим тўлмасмиди, ўғлим деб,
 Онанг ўлса бўлмасмиди ўғлим, деб
 Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...
 Кўнглим қолса булбулдан ҳам гулдан ҳам,
 Қолар бўлсам бир куни ахир тилдан ҳам.

Агар бир зот чин йигласа дилдан ҳам –
Онам йиглар, онам йиглар, онам у...

Ҳалима Худойбердиева

Онамга

Чечак униб чикди тупрокни ёриб,
Силлик ёр хуснига тушириб ажин.
Чукур нафас олди она – Ер хориб...
Лабларига босиб чечак – гултожин.
Она – Ер кўксида ўсса – да чечак
У факат куёшга талпинди, толди.
Фасллик умрини яшаб бўлган чоғ
Тўкилди, яна ер бағрига олди.
Шу ерга ўхшайсан, мунисим онам,
Дилларни ёндириб хуснинг ортганда –
Мен худди чечакдай туғилдим у дам.
Сенинг чакмок кўзинг хира тортганда,
Худди, шундан бошлаб хоридинг сен ҳам –
Ва сўна бошлади чехрангдаги нур...
Мен- чи, мен куёшли ўйларга ҳамдам –
Ҳатто айтолмасман сенга ташаккур.
Ҳамон кимдир чорлар қай бир чаманда,
Шошаман, қайтмоққа етмайди кучим.
Онажон, хоргинам, ўтиндим сендан –
Чечакдай талпинчок болангни кечир.

Ҳалима Худойбердиева

Онам дедим мен сени...

Инкироздан нишона, калимага келмай тил,
Онамизнинг шаънига айтолмасак ташаккур.
Ким айтар бу йилларнинг шамоллари елмайди,
Она бўлмас бу қизлар, АЛЛА айтмас бўлиб жўр.
Ўтмиш, она алласи бўлмаса бизга дастур,
Келажакни аллалаш балки қўлдан келмасдир.
Онам дейин – да Сени, бир зумга суҳбат қуриб,
Рухсорингга тикилай, рухсоринг куёшга мос.
Йигирма беш йилдан сўнг сенинг ёшингга
кириб,
Суюк аёл бўлмокни истадим мен, бугун рост.
“Жон она”, - деб қўйлагинг этагини ўпайин,
Не хол, сочларинг оқи кетибдими қўпайиб?

Ёш бошинга не савдо, не ғавғолар тушмади,
 Қўлам суви ўрнига бағринга қуйилди кон.
 Сени ўтдай янчмоққа интилди – ю душманинг
 Қонга тойилиб ўзи тушди чалқанча, бежон.
 Ҳар олчок ерни тепган ҳафсаласи борича,
 Шундан сенинг соч оқинг – бугун тоғлар қорича.
 Сен қолдинг, боқий қолди қор босган ҳусн,
 иффат,
 Ҳақиқат, қуёш сифат иссиқдир бугун барча.
 Ҳозирда орамизда бирорта тулки сифат,
 Бўри сифат одам йўқ, деб бўлмаса ҳам гарчанд,
 Номадлар йитар қай гўр, чангалда, четда пусиб,
 Болалару бошоқлар келаркан бирдай ўсиб.
 Бўлик бошоқ ўстириб ўргангансан, жон юртим,
 Сенга ўрганиш, менга булар, дарс экан.
 Ўксиган болақайга эгилганингни кўрдим,
 Она борки фарзандга эгилмоғи қарз экан.
 Сен – ку эгилмоқликдан ёй бўлиб кетдинг чоғи,
 Бахтдан қайта тўлишиб ой бўлиб кетдинг чоғи.
 Мунис онам, бошингда зилол тонг отаётир,
 Яна фарзандларга Сен эгиляпсан ёй бўлиб,
 Яна Сени шўх қўшиқлар, тушлар уйғотаётир.
 Яна хушбахтликдан Сен тўлишыпсан ой бўлиб,
 Доғи билан ҳам суюқ, тўлган ойим она юрт,
 Жон бор экан, ҳеч айру тушмас жоним она юрт.

Турсуной Содиқова

Қўш қаптарим

Қўш қаптарим, ота – онам
 Ғу – ғулашиб ўлтирар.
 Қўзларимда эса мулом
 Ҳавотирим мўлтирар.
 Мўлтираган хавотирни
 Ёзай десам, сўзим йўқ.
 Бу қўшалок жавоҳирг
 Жим бокмоққа тўзим йўқ!
 Ортиқ боксам кўзим теккай,
 Ўз кўзим ҳам ўгайдай.
 Ишонмасман еру кўкка,
 Энди қайга қўйгайман!
 Олиб юрсам қани эди,

Қўндирволиб бўйнимга.
Яширайин қайга энди,
Беркитайми қўйнимга.
Қўйнимдаги каптарларга
Жон ипларим бойланган.
Учиб кетса, тушгум жарга,
Дунё чохга айлангай!
Кумуш патли каптарларим
Хазинамдир ёнимда.
Сурур ортар кўрган сарим
Бир хавотир жонимда.
Қўшалоғим, ота - онам
Ғу – ғулашиб ўлтирар....

Маҳмуд Тоиров

Она

Меҳрингиз булоғи уммонга ўхшар,
Сўзингиз сухани Лукмонга ўхшар.
Жон она, кўрмасам, кўзларим какшар,
Кўзим чироғида парвонам менинг.
Сизга киёс йўқдир, киёслар ожиз,
Битта не, ўн бўлса қуёшлар ожиз,
Кўнглимнинг гавхари нурланган ҳаргиз,
Бу мулки борликда яғонам менинг.
Оппок сочларингиз тоғларга рўмол,
Дилингиз муаттар райхонга ҳаёл,
Тилингиздан томар бахт, иқбол, камол,
Камолимни кўриб мастонам менинг.
Изимдан бир ширин дуо ўқилса,
Кўзимдан йўлимга қувонч тўқилса,
Зиёга йўғрилган бир шеър ўқилса
Онам дуодадир – жон онам менинг.
Онажон не килдим, мен қирдан ошиб,
Ҳамон меҳрингизни кетаман ташиб,
Дилим тўлиб борар кўзимдан тошиб,
Ахир ўлчанган – ку, умрим ҳам менинг.
Субҳи содиқ бўлиб сочингиз силай,
Умри фидо бўлиб, умрингиз тилай,
Она, кўзингизда қуёшдай қулай,
Бош урсам Маккамсиз, Мадинам менинг.

Сайёра Тўйчиева

Отажон

Дунё кўп ғалати дунё дегайсиз,
Ёмонга килмагин парво дегайсиз.
Сахий бўл, бўл меҳри дарё дегайсиз,
Сўзлари ёнар чўғ шеъримсиз, отам.
Пиримсиз отажон, пиримсиз, отам.
Дегайсиз хакикатнинг йўли узундир,
Ҳақ деганнинг доимо тили узундир,
Нима деса десин, тили узундир,
Сўзлари ёнар чўғ шеъримсиз, отам,
Пиримсиз, отажон, пиримсиз, отам.
Муштдаккина бошимга заҳматлар ёғди,
Тушимгаям кирмаган тухматлар ёғди,
Шеърлар айтсам, отингга раҳматлар ёғди,
Сўзлар ёнар чўғ шеъримсиз, отам,
Пиримсиз, отажон, пиримсиз, отам!
Элга ошлар беринг, нахоримиз бир,
Кўнгилдаги гинамиз, озоримиз бир,
Кафанимиз бошқа – бошқа, мзоримиз бир,
Сўзлари ёнар чўғ шеъримсиз, отам,
Пиримсиз, отажон, пиримсиз, отам.
Фарзандларингиз, учиб келайлик,
Меҳрингиз нуридан ичиб келайлик,
Оппоккина йўргаклар кучиб келайлик
Сўзлари ёнар чўғ шеъримсиз, отам.
Пиримсиз, отажон, пиримсиз, отам.
Бевақт аламларга тўлмасангиз, бас,
Кўшигимни етим килмасангиз, бас,
Икки кўзим кўр бўлсаям ўлмасангиз, бас,
Сўзларим ёнар чўғ шеъримсиз, отам,
Пиримсиз, отажон, пиримсиз, отам!

Сайёра Тўйчиева

Онамнинг айтганлари

Кўрпангга караб узат, етса агар оёгинг,
Миннатли ошни ичма, йиртар бир кун томоғинг,
Омонатга хиёнат килма, шарт қайтармоғинг,
Сен факат диёнатни бошингга тож бил, болам!
Ҳаёт улкан денгиздир, чор атрофи тумандир,
Дуч келганинг гоҳ ёмғир, гоҳи кор, гоҳ
тўфондир,

Туманларда изингни пойлаб юрар ёмонлар,
 Сен фақат диёнатни бошингга тож бил, болам!
 Ҳар калб меҳрга ташна, очилмаган кўрикдир,
 Шул кўрикка эзгулик тоабадлик шерикдир,
 Ҳақ йўлида диёнат ҳар инсонга йўрикдир,
 Сен фақат диёнатни бошингга тож бил, болам!
 Ҳар даврада сўзингдан кимлигингни сезсинлар,
 Камтарин бўл кадрлаб, якинларинг суйсинлар,
 Фалончининг боласи камтаргина десинлар,
 Сен фақат диёнатни бошингга тож бил, болам!
 Умринг бўйи яхшилик бўлсин терган, йикқанинг,
 Қулоғингга сирға кил ҳар насиҳат, укқанинг,
 Кунингга ярар фақат туғишганинг, тукқанинг
 Сен фақат диёнатни бошингга тож бил, болам!
 Ночорнинг тиззасида мадор бўлгин, эпласанг,
 Ҳастага меҳр деган тумор бўлгин, эпласанг,
 Қишнинг чилласидаям баҳор бўлгин, эпласанг,
 Сен фақат диёнатни бошингга тож бил, болам!
 Шумлиг – у қинғирликдан барака топди айт, ким,
 Лоқайдликдан юрагинг оғримас экан сим – сим,
 Нечун ёруғ дунёда яшаб юрибсан, болам,
 Сен фақат диёнатни бошингга тож бил, болам!
 Сенга сабоқ бўлсин деб, кўнгиллагин нақд
 айтдим,
 Ёниб яшасанг агар, онанг учун бахт айтдим,
 Сенга келар балога мен дуойибад айтдим,
 Сен фақат диёнатни тож бил, болам!
 Дўстинг билан бўлишинг энг сўнгги нонингни
 хам,
 Ночор, ноумидликда кўрмай кўзларингга нам,
 Онам чин дунёсига кетсин десанг хотиржам,
 Сен фақат диёнатни бошингга тож бил, болам!
 Болам сени опичлаб, зўрға катта қияпман,
 Она бўлиб оналикнинг кадрин энди бияпман,
 Йиғлаганингда йиғлаб, кулганингда куляпман,
 Болам, шу эл сеники, дарди билан ён, болам!
 Ёполмасанг ўша куни инсонликдан топ, болам!
 Минг азобни босганда кадамларим куйди – ей,
 Бўғзимда қолиб кетган аламларим куйди – ей,
 Куйганимда якингина одамларим куйди – ей,
 Болам, шу эл сеники, дарди билан ён, болам!

Ёнолмасанг ўша куни инсонликдан топ, болам!
Меҳру шуурим кўшиб алла айтдим сенга деб,
Тоза райҳонли тонгги палла айтдим сенга деб,
Бешигинг кўзмунчоғин силаб айтдим сенга деб,
Болам, шу эл сеники, дарди билан ён, болам!
Ёнолмасанг ўша куни инсонликдан топ, болам!
Ҳалолликнинг оқ рангидан олайлик ранг
иккимиз,
Муҳаббат кўшиғида турфа олам иккимиз,
То беармон ўтайлик бизлар даданг иккимиз,
Болам, шу эл сеники, дарди билан ён, болам!
Ёнолмасанг ўша куни инсонликдан топ, болам!

Соатой Камол қизи

Онажоним, сиздан ўргандим
Алла айтиб тинчим бузмокни,
Хайрли ишга режа тузмокни.
Нодонлардан кўнгил узмокни,
Онажоним, сиздан ўргандим.
Субҳидамнинг ризкин термокни,
Муҳтожларга эҳсон бкрмокни.
Эзгуликка қулоч бермокни
Онажоним, сиздан ўргандим.
Бахт берса гар шукур қилмокни,
Сабрим билан дардни тилмокни.
Садокатни дилдан туймокни,
Онажоним, сиздан ўргандим.
Меҳнат килиб емокни ҳалол,
Муҳаббатга етказмай завол,
Нон ушоғин қилмаслик увол,
Онажоним, сиздан ўргандим.
Ибодат –ла номдор Ҳувайдо
Бор – йўқликка қаноат пайдо,
Эътикодга бўлмокни шайдо,
Онажоним, сиздан ўргандим.
Ғам юклари буқолмас белим,
Қайтараман қалбимнинг селин,
Севганимни демокни Бегим,
Онажоним, сиздан ўргандим.
Шогирдларга бирдай саломим,
Вақти келиб ўчса гар шамим,

Қолдирмокни яхши бир номим,
Онажоним, сиздан ўргандим.

Омонат дунё

Кўзи ёшдай қалкиб, турибди олам,
Ризку – рўзин териб юрибди одам.
Кимдир уям дейди, ким эса болам
Майли яхши, майли ёмон бўлайлик!
Омонат дунёда омон бўлайлик!

Такдир баъзан ширин, баъзида тахир
Кимни бор яратди, кимнидир фақир.
Барчамиз Оллоҳнинг бандаси ахир.
Бирда бугдой, бирда сомон бўлайлик!
Омонат дунёда омон бўлайлик!
Саломинг алиги, қарзи қиёмат
Қўнгилнинг қалити меҳру – оқибат.
Хотиржамлик давлат – тинчлик ғанимат,
Ҳаммамиз соҳибий имон бўлайлик!
Омонат дунёда омон бўлайлик!
Урушу – низолар бўлмасин энди.
Одам ҳам одамдек яшасин энди.
Аввало ҳазрати инсон бўлайлик!
Омонат дунёда омон бўлайлик!
Майли яхши, майли ёмон бўлайлик!
Омонат дунёда омон бўлайлик!

Ота – она ҳақида ҳикоятлар ва ривоятлар

Ота – онага муҳаббатли киз

Қадим замонда ўғри, хиёнатчи кишиларнинг айблари исбот этилса, қўлларини кесар эдилар. Кунлардан бир кун бир шаҳар ҳокимининг хузурига ўғрилиқ билан айбланган бир кишини келтирдилар. Ҳоким унинг қўлини кесишга буюрди. Халқ йиғилди. Ўғрини жазо майдонига келтирдилар, жаллод ҳозирланди. Шу вақт бир кичкина киз ҳоким ёнига келди. Тиз чўкиб, йиғлаб айтди:

-Азиз ҳокимимиз, ноҳўя иш қилгани учун отамнинг қўлини кесишга буюргансиз. Биламан, ноҳўя иши учун жазо беришга ҳақлисиз. Отамнинг мендан бошқа яна тўртта кичик фарзанди бор. Онамиз касал, бизларни боқа олмайди. Агар отамизнинг қўлини кесдирсангиз, ҳаммамиз очдан ўламир, чунки бизнинг яшашимизга фақат отамиз сабабчидир. Бизларга раҳм қилинг, отамизнинг қўлини кесдирманг, агар қўл кесдирмасдан бошқа илож топилмаса, у вақтда отамизнинг қўли ўрнига менинг қўлимни кесдиринг.

Ҳоким бу кичик кизда ота – онага муҳаббат шу қадар кучли эканидан ҳайратда қолди. Яна уни синамоқ учун:

-Майли, отанг қўли ўрнига сенинг қўлингни кесдираман. Эртагача сенга муҳлат бераман. Яхшилаб ўйла, кейин пушаймон емагил, деди.

Эртаси куни кизнинг отасини қўлини боғлаб жазо майдонига келтирдилар, киз ҳам ҳозир бўлди.

Отасини кўргач, севиниб:

-Отажон, сира кўркманг, мен ҳокимга “Отамиз қўли ўрнига менинг қўлимни кесдиринг”, деб ялиндим. У киши қабул қилди. Ҳозир менинг қўлимни кесиб, сизни озод қиладилар,- деб қўлини жаллодга узатди.

Кизнинг сўзларини эшитиб, ота - онага бўлган кучли муҳаббатини англаган ҳоким каттиқ таъсирланди. Жазо майдонига йиғилган халқ ҳам чидолмай кўз ёшларини тўкди.

Ҳоким дарҳол кизнинг отасини озод қилди, кизни эркалаб, ардоқлаб кўп илтифотлар кўрсатди. Ота – бола кучоқлашиб севина – севина уйга қайтишди.

Ҳоким жазо майдонидаги бир мармар тош устига: “Бир ёшгина киз отасининг қўли ўрнига ўз қўлини фидо этишини истади. Шу киздек фарзандга эга бўлган ота – она қандай бахтлидир” деган жумлани ёзишга амр этди.

Байт:

Ҳар одамнинг бўлса фарзанди шу киздек меҳрибон,

Бахту – иқбол у одамнинг ёри бўлгай бегумон!

Ҳикоят

Бир одамнинг шогирди устозидан:

Иззат ва ҳурматга эга энг кўп лойик бўлган зот ким? – деб сўради. Устози: “Онанг” деб жавоб берди. Шогирди яна: “ Ундан кейин ким?” деб сўраганида, устози “Онанг” деб жавоб қайтарди, учинчи марта тагин шундай саволга “Онанг” сўзини такрорлади. Шогирди тўртинчи марта: “Ундан кейинчи?” деб сўраганидагина устози “отанг ва қариндошинг-уруғларинг”, деди. Шу билан донишманд онанинг мартабаси, кадр- киммати ҳаммадан юқори эканини англатди. Шогирди яна сўради:

-Ота – онам вафот этганлар, энди қайси амалим билан уларнинг ҳақларини адо қила оламан?

-Устози айтди:

-Уларни Ҳеч вақт ёдингдан чиқарма, васиятларини бекаму – кўст бажо келтир. Дўстларини иззат – ҳурмат қилиб, уларни зиёрат қилиб тур, қариндош-уруғларинг билан тотув яша, онанг ҳақи, отанг ҳақидан кўпроқ эканини унутма.

Нима эксанг, шуни ўрасан

Бир йигит кўзлари хиралашган, овқат еганда қўллари калтирайдиган қари отасининг иззат – ҳурматини бажо келтирмасди.

Бир куни чол бечора қўли титраб, ош сузиб берилган косани тушириб синдирди, буни кўрган келини нордон сўзлар айтиб. Унинг кўнглини вайрон қилди. Шундан кейин йигит отасини ховлининг бир чеккасидаги зах уйга кўчирди. Келин эса эри келтириб берган ёғоч косада кайнотасига овқат бера бошлади. Ўғли ва келинининг бу каби ярамас муомалаларидан кўнгли озор топган ота вафот этган кампирини эслаб, баъзан ўксиниб-ўксиниб йиғларди. Беш-олти ёшли невараси билангина тасалли топар эди. Бола бобосининг ёнига келиб ўтирарди, маъсумона сўзлари, ёқимли қилиқлари билан бобосини қулдириб, унинг қайғу- аламларини енгиллатарди.

Бола бир куни қўлига пичок олиб бир ёғочни йўниб ўтирарди. Шу пайтда дадаси келиб қолди. Ўғлининг ёғоч йўниб ўтирганини кўриб:“Ўғлим, нима қияпсан?” деб сўради. Ўғли югуриб келиб дадасини қучоқлаб олди ва эркаланиб айтди

-Дадажон,сиз бувимга ёғоч коса келтириб берган эдингиз-ку, ойим ўша косада бувимга овқат берадилар, мен ҳам ёғоч коса

ясапман, катта бўлганимда ойим билан сизга шу косада овкат бераман.

Ўғлининг бу сўзи йигитга қаттиқ таъсир қилди. У кўз ёши қилиб, отасининг ҳузурига кирди, тиз чўкиб узр сўради, қучоклаб ўпиб унинг кўнглини кўтарди. Дарров уни ўзи турган уй ёнидаги иссиқ хонага кўчирди. Ҳар вақт отасининг ҳолидан хабар олиб турди, у билан бирга овқатланди. Келин ҳам қайнотасининг иззат – ҳурматини ўрнига қўя бошлади. Ўғли ва келинининг бу ишларидан хурсанд бўлган ота:

-Болаларим, мана энди кўнглим қайғу-аламдан озод бўлди, сизлардан розиман, шу кичкина кўзичоғим сизларни ғафлат уйқусидан уйғотди,- деб неварасини тиззасига ўтқазди ва юз-кўзларидан ўпиб эркалади.

Ҳикоят

Бир подшоҳнинг доно кизи бор экан. Кўп жойлардан совчилар келибди. Қиз ҳеч кимга рози бўлмабди. Отаси ҳузурига чакириб:

-Қизим, яхши жойлардан совчилар келяпти, нега рози бўлмаяпсан? дебди.

Шунда киз:

-Отажон! Менинг икки саволим бор. Ким жавоб берса, шунга розиман,-дебди.

Подшоҳларнинг ўғиллари келишибди:

Шунда киз: “Дунёда энг қарзи кўп киму, ҳаққи кўп ким?” деб сўрабди.

Улар: “Энг бадавлат – шоҳлар, қарзи кўп - гадолар”, деб жавоб беришибди,

лекин бу жавоб тўғри эмас эди.

Бир чўпон буни эшитиб: “Мен ҳам жавоб беришга ҳаракат қилай, ўзимни синайчи”, деб шоҳ саройига борибди. Уни дарвозадан киритишмабди. Подшоҳнинг кизи буни эшитиб, чўпон ўғлининг киришига рухсат берибди.

Отасини эса у йигитга ғазаби келиб:

- Подшоҳларнинг ўғиллари жавоб беролмади, сен қандай жавоб берурсан? Сен қимсан ўзи?!

Чўпон таъзим қилиб, шоҳ билан қизнинг ўтирган хонасига кирибди.

- Маликам, саволингга жавобим шуки, дунёда ҳаққи кўп ота-онадир. Чунки болани қанча қийинчилик билан туғиб, қанча ташвиш билан катта қилиб, қарздор қилади.

- Энг қарзи қўп бу фарзанддир, болага нисбатан ота-онанинг меҳнатини чеклаб бўлмайди. Демак, биз ота-онадан умрбод қарздормиз.

Шунда подшоҳнинг ғазаби келиб, унинг тўғри жавоб берганига чидай олмабди. Қиз рози бўлгач, катта тўй томоша қилиб, уни узатишибди. Улар бахтли яшашибди.

Китобнинг ёзилишига туртки бўлган инсон, фахрий устоз Халқаро психология академиясининг академиги, инновацион услубияти тарғиботчиси Фарход ака Рахимов (Яссавийзода) бўладилар. Бир куни мулоқотимиз борасида у киши менга авлод тўғрисида китоб тўпламини чиқариш, ҳамда марҳум отам Мадихон Мавлановнинг таваллуд 80 йиллик тўйига атаб календарь ҳамда бир спорт туридан мусобақа ўтказишни тавсия этди ва йўл - йўриқлар кўрсатди. Бу ишда менга Шодмон ака Қурбонхожиев, Бобожон кизи Ойсултон Абдукадинова ва бошқалар жонбозлик кўрсатиб, сидқидилдан ёрдам беришдилар. У кишиларга авлодимиз номидан раҳматлар айтиб, улкан миннатдорчилигимизни билдираимиз.

Раҳмонжон Мавланов

МУНДАРИЖА

<i>Хотима</i>	4
Ҳаёт ва мактаб	5
МАВЛАНОВ МАДИХОН ЗОКИРХОН (БОЛТАЙ) ЎҒЛИ	7
ХОТИРАЛАР	13
Мадихон ота Мавланов замондошлари хотирасида	13
Дўстим - фаҳрим * (<i>Тўқтош Таджикханов</i>)	13
Яхшилар эл оғзида * (<i>Шаҳоб Шарапов</i>)	13
Синфдошимни эслаб * (<i>Қорақиз Турсунбоева</i>)	14
Бахт Зуппархонов, Мадихон аканинг укаси	15
Ҳамкасбим - фаҳрим * (<i>Амирҳамза Қўчқоров</i>)	15
Устозим * (<i>Дархон Ибрагимов</i>)	15
Касбининг моҳир устаси * (<i>Набиҳон Муборақов</i>)	15
Яхшиларни эслаб * (<i>Баҳолір Султанов</i>)	17
От изини той босар * (<i>Рауф Ғуломов</i>)	18
Жигарғушам * (<i>Дархон Мавланов</i>)	19
Тоғамни соғиниб * (<i>Олимбек Жабборхонов</i>)	21
Устозим – фаҳрим * (<i>Исоқ Исмиев</i>)	22
Дўстимнинг калби * (<i>Эминжон Дунғбоев</i>)	23
Яхшидан ном қолади * (<i>Холбек Исмоилов</i>)	25
Камтарин ва меҳрибон инсонни эслаб * (<i>Сопура Мавланова</i>)	26
Ён кўшни - жон кўшни * (<i>Дуроб Бойжонов</i>)	27
Ўз замонасининг илғор фидойиси * (<i>Зайниддин Шомухторов</i>)	28
Акам - фаҳрим * (<i>Қувонхон Мавланов</i>)	29
Акамга ҳурматим чексиздир * (<i>Озода Мавланова</i>)	30
Қариндошим * (<i>Марат Эргешов</i>)	30
Яхшилар изидан борсак * (<i>Марат Айметов</i>)	31
Отам сиймоси * (<i>Аминжон Мавланов</i>)	32
Қайнотамни эслаб * (<i>Ирислиқ Мавланова</i>)	33
Отам бисотидан * (<i>Рашидҷон Мавланов</i>)	33
Меҳрибоним отам * (<i>Ғуломҷон Мавланов</i>)	35
Отам меҳри * (<i>Бобожон Мавланов</i>)	35
Қишлоғимиз ҳақида ривоятлар	37
Мўнди	38
ИСОҚ БОБО ШАЖАРАСИ	43
Хотима ўрнида	47
АБДУМАВЛАНОВЛАР сулоласи	48
Абдумавлон ўғли Сатторхон	50
Сатторхон ўғли Файзулло Мавланов	53
Абдумавлон кизи Чаманисо момо	57

Абдумавлон ўгли Зуппархон бобо	58
Зуппархон ўгли Нусбат	62
Зуппархон ўгли Бахт	64
Абдумавлон ўгли Зокирхон (Бўлтой) Мавланов	67
Зокирхон (Бўлтой) ўгли Мадихон Мавланов	70
Собит кадам касбкор	71
Ўз касбининг жонкуяри	73
Тежамкорликдан форовонликка	75
Инсофли ва меҳрибон уй бекаси	75
Аминжон Мавланов	76
Рахмонжон Мавланов	79
Мухторжон Мавланов	85
Рашиджон Мавланов	87
Ғуломжон Мавланов	89
Кучкарова (Мавланова) Хайринисо	90
Бобожон Мавланов	91
Савдо маркази	93
Хотира турнири бўлиб ўтди	95
Надари бузрукворим – биринчи устозим	97
Шерикчиликнинг мақсади ва ҳозирги кунда фаолияти ҳақида	98
Зокирхон (Бўлтой) ўгли Дархон Мавланов	104
Зокирхон (Бўлтой) ўгли Қувонхон Мавланов	110
Абдумавлон ўгли Шакирхон Мавланов	117
Абдумавлон ўгли Собирхон Мавланов	119
Абдумавлон кизи Зулфинисо	121
Абдумавлон ўгли Узумхон Мавланов	122
Абдумавлон ўгли Алихон Мавланов	129
Исоқ ўгли Нишон	132
Исоқ ўгли Абдурахмон	133
Абдурахмон ўгли Аббос	133
Аббос ўгли Тўраҳон Аббосов	134
Аббос ўгли Эркин Аббасов	134
Аббос ўгли Эргаш Аббосов	136
Аббос кизи Замира	136
Аббос ўгли Равшан Абдурахмонов	137
Аббос ўгли Рустамбек Абдурахмонов	137
Абдурахмон ўгли Набиҳон	138
Абдурахмон кизи Меҳри	140
Исоқ ўгли Абдурахим (Абдурайим)	140
Абдурайим ўгли Жабборхон	141
Жабборхон кизи Тўркин	142

Жабборхон кизи Тожигул	143
Жабборхон ўғли Ирисбек	144
Жабборхон ўғли Султонбек	144
Жабборхон кизи Ойсултон	145
Жабборхон ўғли Одилбек	145
Жабборхон ўғли Олимбек	148
Абдурайим ўғли Абдухон	151
Абдурайим ўғли Отахон	151
Абдурахим ўғли Нишанбой	152
Абдурахим ўғли Нормат	152
Абдурахим ўғли Бобохон	152
Ота – она ҳақида ривоятлар	153
Ота насиҳати	153
Она сути	153
Ота-она ва фарзанд бурчи	155
Бир донишманднинг шогирди устозидан сўради	156
Хотинининг сўзига кириб онасини хафа қилган алкама	158
Ота-она рози - эл рози	159
Она юраги	160
Донишмандлар ота-она ҳақида	162
Ота – она ҳақида ҳадислар	166
Алла	167
Илтижо	168
Ота - оналар ҳақида мақоллар	169
Ота – она ҳақида ҳикматли сўзлар	170
Ота – она ҳақида шеърлар	171
Ота – она	171
Отам	171
Эй дўстим	172
Соғинсам отажоним	173
Ота – она	174
Дунё	175
Отажон	175
Отам дуоси	176
Ота – онам бор деб қувон	176
Отажоним – онажон	176
“Она”	177
Ота ҳурмати	180
Отам	181
Ота насиҳати	181
Ота – онангга	182

Онадур ул, онадир	183
Меҳрибон ойиҷон	184
Туздим гулзор онамга	184
Дадам хотирасига	185
Ота тилаги	186
Она	187
Онамни эслаб	187
Она деган ном	187
Она	188
Фарзанд	188
Она дуоси	188
Сендан юксак нима бор, юлдуз?	189
Она деган сўз	190
Онажоним кўзларингизда	190
Фарзанд билан	191
Ўзимнинг онагинам	191
Онажоним қошида	192
Онагинам	192
Етим оталар ҳам бор	194
Онажон, онам	194
Оналар	195
Ота – она дуоси	195
Онамга	195
Онаизор	196
Онамга	197
Онам дедим мен сени	197
Кўш каптарим	198
Она	199
Отажон	200
Онамнинг айтганлари	200
Онажоним, сиздан ўргандим	202
Омонат дунё	203
Ота – она ҳақида ҳикоятлар ва ривоятлар	204
Ота – онага муҳаббатли киз	204
Ҳикоят	205
Нима эксанг, шуни ўрасан	205
Ҳикоят	206

Рахмонжан Мавлонов

АЖДОДЛАР ИЗИДАН

Босишга 03. 11. 2018 йил рухсат этилди.
Бичими А4. Ҳарф тури “Таймс”. Ризографияли нашр.
Ҳажми 13,25 босма тобок. Адади 100 дона.

“Әлем” босмахонаси. Буюртма №0311
Шымкент шаҳри, 2018.

167

